



Б. ТҮЙЧИБОВ
Б. ҲАСАНОВ




**ЎЗБЕК
ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ**



106 а 120-07070
Т-98 **Б. ТҒЙЧИБОЕВ, Б. ҲАСАНОВ**

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари
учун дарслик сифатида тавсия этилган*



ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЯТИ
2004

81.2Узб-67

T99

Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б.

T99 Ўзбек диалектологияси: Олий ўқув юртлари учун дарслик.—
Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.—112 б.

Ушбу китобда ўзбек тилининг кўп шевалилиги унинг бойлиги сифатида қайд этилиб, ўзбек лаҳжаларининг таснифи тарихига қисқача изоҳ, лингвистик географиясига эътибор қаратилади. Диалектологиянинг халқ ва тил тарихи билан узвий алоқада эканлиги таъкидланиб, масалалар ўша мезондан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

Китобда қорлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг фонетик, лексик, морфологик хусусиятларининг алоҳида таҳлил этилиши ўқувчида мазкур лаҳжалар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Айни пайтда ҳар бир соҳа таҳлил қилинганда ҳозирги тил, эски ўзбек тили ва бошқа лаҳжалар билан қиёсланадики, бу усул ўқувчини мустақил фикрлашга, мулоҳаза қилишга ундайди.

Дарслик янги педогогик технология асосида яратилган бўлиб, ундаги таянч тушунча ва иборалар, назарий топшириқлар мавзунинг мазмунидан келиб чиққан. Назарий ва мустақил топшириқлар талабаларнинг фаоллигини оширишга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ББК 81.2Узб-67я73

Т 460200000—474 — 2004
М361(04)—2004

ISBN 5-86484-007-6

© Б. Тўйчибоев, Б. Ҳасанов,
А. Қодирий номидаги халқ
мероси нашриёти, 2004.

1-МАВЗУ. ДИАЛЕКТОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Асосий саволлар:

1. Диалектология фани ҳақида умумий маълумот. Унинг ўрганиш мақоли (объекти).
2. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда ишлатилаётган белгилар — транскрипция ва унинг тузилиши.
3. Унли ва ундош товушларни ифодалаш учун ишлатиладиган транскрипцион белгилар.

Таянч тушунча ва иборалар:

Диалект, шева, лаҳжа, туркий тиллар, туркий диалектология, диалект тиллар, фонетик хусусиятлар, морфологик ва лексик белгилар, диалектография, тасвирий диалектология, тарихий диалектология, диалект шева, грамматик шакллар, лингвогеографик усуллар, фонетик норма, лексик норма, грамматик нормалар, орфография ва орфоэпия, уруғ-қабилалар, жойлашиш ҳудуди, онамастика, топонимлар, топонимлар, гидронимлар, қарноқ шеvasи, турк шеvasи, қарноқро атама, умумлингвистик тушунча, равиш, тарз, йўсин, шеваларнинг тарқалиш чегараси, ўхшаш лингвистик хусусиятлар, тарқалиш картаси, шеваларни карталаштириш, лингвистик атлас, фонетик ва ўрин-пайт келишиклари, транскрипция, қайта ёзув, транслитерация, фонетик ва фонологик транскрипция, фонема, туркшунос ва русшунослар, қаттиқ ва юмшоқ унли, индифферент товуш, оралиқ товуш, олд қатор, орқа қатор, сингармонизмли шевалар, байналминал сўзлар, лабланган ва қабланмаган товушлар, акустик жиҳати, чуқур ва саёз тил орқа, дифтонглашиш, комбинатор вариант, фрикатив (сирғалувчи) товуш, дифтонг товушлар, қоришиқ (аффрикат) товуш, бурун товуши, ён товуш, диакритик белгилар ва шартли ифодалар, спيرانтизация, конвергенция (бирлашиш), палатализация юмшалиш, редукция.

1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари: Диалектология фани ҳақида маълумот бериш. Унинг ўрганиш мақоли (объекти)ни

масоалар орқали шарҳлаш. Диалектологиянинг мақсад ва вазифалари, унинг она тилини ўқитишдаги аҳамиятини талабалар онгига синдириши.

ИДЕНТИВ ҲУҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 1.1. Диалектология фани ҳақида қисқача маълумот беради.
- 1.2. Диалектологиянинг ўрганиш макон (объекти)ларини изоҳлайди.
- 1.3. Диалектологиянинг асосий вазифасини ўрганади.
- 1.4. Диалектологиянинг ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишдаги аҳамиятини белгилайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Диалектология фани бўйича умумий маълумот. Диалектология грекча *dialektos* сўзидан олинди бирор тилнинг мавжуд шева ва лаҳжаларини ўргатади. **Dialekt** — шева, **logos** — таълимот, яъни шева ҳақида таълимот демакдир. Дунёда мавжуд тилларнинг деярли барчаси ўзига хос ички шева ёки шевачалардан иборат. Туркий тилларнинг ҳар бири бир неча шева ва диалектлардан иборатлиги маълум. Бироқ ўзбек тили туркий тиллар ичида ўзининг кўп шевалилиги диалектчилиги билан фарқланади. Шевашунослик билимдонларидан бири профессор Е.Д. Поливанов: «... туркий тилларнинг бирортаси ҳам шевалараро ўзбек тили сингари бу қадар кескин фарқланмайди, демак, ... бирорта туркий тил ҳам шу қадар специфик, диалектал хилма-хиллик хусусиятига эга эмасдир. Бу эса, табиий, адабий тил учун бирор диалектни асос қилиб олиш масаласини ниҳоят даражада оғирлаштиради», деган эди.

Ўзбек лаҳжашунослик фани Ўзбекистон ҳудудидаги ва бошқа қардош ҳамдўстлик мамлакатларидаги ўзбекларнинг жонли сўзлашув тилини текширади.

Маконни ўрганиш нуқтанан қардан диалектология икки хил бўлади: 1) тасвирий диалектология ёки диалектография; 2) тарихий диалектология.

Тасвирий диалектология ёки диалектография маҳаллий шева ва лаҳжаларга хос фонетик ва лексик, морфологик хусусиятларни қайд этади, ёзиб олади ва уларни картага туширади.

Тарихий диалектология тилнинг диалектал хусусиятлари билан бирга, шу хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариш, қардош тиллар билан муносабати ва шу шеваларнинг ташкил топишида қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг иштироки кабиларни ўрганади.

Кейинги йилларда барча ўзбек шеваларини ареал ва лингво-географик усуллар билан ўрганиш ҳам тарихий мақсадларни кўзда тулади.

Диалектологиянинг шеваларни ўрганиши эса тил тарихи учун ҳам, катта тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради. Чунки, адабий тилда аллақачонлар йўқ бўлиб кетган ёки ўзгаришга учраган сўзлар, айрим грамматик шакллар маҳаллий шеваларда сақланиб қолганлиги табиий. Уларни топиб адабий тилга олиб кириш ёки уни қайтариш жуда муҳимдир. Ўзбек диалектологияси ўзбек тили тарихидаги айрим ноаниқ масалаларни ойдинлаштириш, ҳал қилиш учун асосий асбоб беради.

Қадимги ўзбек ёзма ёдгорликлари тилининг биз учун ноаниқ (мумнонли) бўлган айрим хусусиятларини ҳозирги ўзбек шевалари материаллари ёрдамида аниқлашимиз ва тўлдиришимиз мумкин. Шеваларни ўрганиш ўзбек адабий тилининг фонетик, лексик-грамматик нормаларини белгилаш, орфография ва орфоэпиясини тасбиллаштириш учун катта ёрдам беради.

Шеваларни ўрганиш орқали ўтмишдаги уруғ-қабилаларнинг айрилиши ҳудудларини аниқлаш, этнонимлар, топонимлар, гидронимлар, умуман онамастика (номлар) воситасида халқ тарихининг айрим мавҳум томонларини ёритиш мумкин. Шу жиҳатдан, шеваларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Диалектология (лаҳжашунослик)нинг ўрганиш макони: шева, диалект ва лаҳжа атамалари.

Бу атамалар диалектология фанининг ўрганиш макони (объекти) ҳисобланади.

Шева — бирор тил доирасидаги халқ жонли тилининг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларга эга бўлган энг кичик оқими ҳисобланади. Масалан, Тошлоқ шеваси, Қарноқ шеваси, Турк шеваси.

Диалект — тилшуносликка доир адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносига, баъзан шева маъносига ҳам қўлланади. Олимлар томонидан аниқланган диалектологияга оид илмий ишларда шева, диалект ва лаҳжа атамаларини фарқламастик, аралаштириб қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Диалект-халқаро атама бўлиб, умумлингвистик «диалект» маъносига ишлатиш лозим. Ўзбек диалектологияси фани учун шева ва лаҳжа атамаларини қўллаш етарлидир.

Бироқ, ўзбек халқ жонли тилини ўрганган олимлар бир қатор шаҳар шевалари учун диалект атамасини ишлатганлар: Масалан, Фарғона

диалекти, Самарқанд — Бухоро диалекти, Андижон диалекти, Қипчоқ диалекти ва бошқалар.

Лаҳжа — арабча сўздан олинган бўлиб, равиш, тарз, йўсин каби маъноларни билдиради. Лингвистикада тилнинг бир неча шева ва диалектларини ўз ичига олган, умумий хусусиятлари жиҳатдан ўхшаш катга бўлаги яъни шевалар йиғиндисидир. Эски туркий тилларга доир адабиётларда лаҳжа (русча наречие) атамаси ҳозирги мустақил миллий тил маъносига ҳам ишлатилган. Масалан, туркий тилларнинг қирғиз лаҳжаси (Киргизское наречие тюркских языков) — бу ибора ҳозирги қозоқ миллий тили маъносига қўлланган. Туркий тилларнинг қора-қирғиз лаҳжаси (кара-киргизское наречие тюркских языков) — бу ибора ҳозирги қирғиз миллий тили маъносига қўлланган.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Диалектология фанининг макони (объекти) маҳаллий шева диалекти ва лаҳжаси бўлиб, мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

— шева ва диалектларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларини ҳар томонлама тавсиф қилиш;

— миллий тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида шеваларнинг тутган ўрни ва шу миллий тилга асос бўлган шеваларни аниқлаш;

— шеваларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг адабий тил ва қардош тилларга бўлган муносабатларини белгилаш;

— ўхшаш хусусиятларига кўра шеваларнинг тарқалиш чегарасини аниқлаш;

— умумий ўхшаш лингвистик хусусиятларини белгилаш асосида шеваларнинг маълум ҳудуддаги тарқалиш карталарини тузиш ва шеваларни тасниф қилиш;

— ўрганилган шеваларни карталаштириш асосидаги лингвистик атласини тузиш ва бошқалар.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўзбек тили шеваларининг асосий хусусиятларини яхши билиш ўқитувчилар, айниқса она тили ўқитувчиси учун жуда зарур. Ҳозирги кунда шева хусусиятлари адабий тил таъсирида жуда тез бирлашиб, текисланиб бораётганига қарамай, бу хусусиятлар фақат қишлоқларда

мас, балки шаҳарларда ҳам маълум даражада сақланиб турибди. Шу сабабли ўқувчилар нутқида айниқса бошланғич синф ўқувчилари ёзувида учрайдиган хатолар шева таъсирида содир бўлмоқда. Шунинг учун ўқитувчилар, айниқса она тили ўқитувчиси, ўзбек адабий тили меъёрларини яхши билиши, бу меъёрларни ўқувчиларга ўргатиши уларнинг ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини ўстириш устида тинимсиз машғулот олиб бориши зарур. Ҳамда ўқувчилар нутқида учрайдиган камчиликларни (шева таъсиридаги) тузатмоқ учун барча ўзбек шеваларига хос хусусиятларни яхши билмоғи керак. Масалан, ўқувчиларнинг нутқида фонетик (айналмоқ// *ад.-орф.* айланмоқ; эсна/ / *ад.-орф.* эсна), морфологик (қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги аффиксини ишлатиш: нонни ушоғи // *ад.-орф.* ноннинг ушоғи. Жўналиш ва ўрин-пайт келишиklarини фарқламаслик: Бухорога туради // *ад.-орф.* Бухорода туради), лексик (*ад.-орф.* чақалоқ ўрнида бувак; бобак; *ад.-орф.* чумоли ўрнида: мўрча, қаринжа) каби шева хусусиятлари учраб туради. Ўқувчилар нутқида учрайдиган бундай хатоларни тузатиш учун ўқитувчи шу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабини билмоғи керак.

Шундай қилиб, республика олий ўқув юртларида филологик ўқитишнинг асосий вазифаси ўзбек адабий тили нормаларини, шунингдек, адабий тилнинг шеваларга бўлган муносабатини ҳам ўргатишдир. Бу вазифани ҳал қилиш филолог талабаларнинг ўзбек тилининг тарихий ривожланиш қонуниятларини яхши билиши билан боғлиқдир. Филолог талабалар бу маълумотлар билан ўзбек диалектологияси фанини бойитади.

Назорат топшириқлари

1. Диалектология фани бўйича маълумот беринг. *Dialektos* — икки фан тармоғи тилшуносликнинг бир бўлимини англатишидан ташқари табиат қонунларини ўрганувчи соҳаларга алоқасини тушунтиринг.

2. Шева, диалект, лаҳжа атамаларини мисоллар орқали ажратинг?

3. Тасвирий ва тарихий диалектологиянинг ўрганиш чегарасини белгилаб.

4. Диалектологиянинг асосий вазифаси нималардан иборатлигини сўзлаб беринг.

5. «Ўзбек тили ва адабиёти» фанларини ўқитишда диалектология фанининг аҳамиятини мисоллар асосида исботланг.

ТРАНСКРИПЦИЯ

2- асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади: Транскрипция (қайта ёзув)нинг ўзбек халқ шеваларини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида тушунча бериш. Транскрипциянинг тузилиши ва турларини мисоллар орқали исботлаш. Лотин ва крилл алифбоси асосида тузилган белгилар, улардан фойдаланиш, халқаро фонетик алифбо ҳақида маълумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 2.1. Транскрипция (қайта ёзув)нинг диалектларни ўрганишдаги зарурлигини аниқлайди.
- 2.2. Транскрипциянинг турларга бўлинишини изоҳлайди.
- 2.3. Халқаро фонетик алифбони шарҳлайди.
- 2.4. Транскрипция билан транслитерацияни фарқлайди.

Транскрипция ҳақида умумий маълумот. Транскрипция диалект ва шеваларда учрайдиган товушларнинг турли кўринишларини ёзувда ифодалаш учун қўлланиладиган маълум белгилар системасидир. Тил товушларини аниқ ифодалаш учун хизмат қиладиган ёзув — **транскрипция** (лотинча *transcriptio* — қайта ёзиш) деб аталади.

Транскрипция учун у ёки бу халқ истемолидаги (лотин — рус — ўзбек алфавити каби) традицион алфавитдан ўрни билан маълум ўзгаришлар киритиш орқали фойдаланилади. Шунинг учун ҳам транскрипцияда белгилар сони ўзига асос бўлган алфавитдаги ҳарфлар сонидан кўп бўлади.

Транскрипциянинг фонетик транскрипция, фонематик ёки фонологик транскрипция каби турлари бор.

Транслитерация. Бирор тилнинг ёзма ёдгорликларини ёки маълум бир матнни (масалан, араб алифбосида ёзилган эски ўзбек тили ёдгорликларини) нашр этишда шу ёдгорликларнинг ёзув системасини бошқа тил ёки ёдгорлик ёзув системаси орқали ифодалаш транслитерация деб аталади. Демак, транслитерация — бирор ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан алмайтириб ифодалаш усулидир.

ФОНЕТИК ВА ФОНОЛОГИК ТРАНСКРИПЦИЯ

Маълум бир мақсад учун турли соҳалар бўйича ишлатиладиган транскрипцияларнинг аниқлик даражаси бир хил эмас.

Лингвистик асарлар (қийёсий ва тарихий грамматикалар, этимологик нугатлар, турли тил матнларидан намуналар ва шу қабилар)ни нашр этганда транслитерациядан фойдаланилса ҳам, қардош тилларнинг фонетикаси қийёс қилинганда, диалектологик ишларда ва диалектология фанида фонетик транскрипциядан фойдаланилади. Халқ оғзаки ижодиёти ёдгорликларини нашр этганда мавжуд алфавитдан фойдаланилса, бу ёдгорликлар диалектал қимматини йўқотади.

Шунинг учун уларнинг талаффуз хусусиятларини мумкин қадар сақлаш мақсадида фонетик транскрипция қўлланилади.

Транскрипция чет тили ва она тили орфоэписига оид ишларда ҳам кенг қўлланилади.

Моҳияти жиҳатдан энг аниқ транскрипция фонетик транскрипциядир. Бу транскрипция умумий ва хусусий фонетика, шу қатори экспериментал фонетика ютуқларига асосланади. Тиллардаги нутқ товушларини фонетик транскрипция учун танланган алфавит орқали ифода қилиб бўлмаса, бошқа тиллар алфавитидан ҳарфлар олинадиган ёки ҳарфлар ёнига, устига, ичига диакритик белгилар қўйилади. Фонетик транскрипциянинг вазифаси — тилда мавжуд бўлган ҳамма товушларни ёзувда акс эттиришдир. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция — *фонологик транскрипция* дейилади.

Транскрипциянинг тузилиши. Тилшунослиқда кенг миқёсда қўлланиладиган лотин алфавити асосида тузилган транскрипция халқаро фонетик алфавит (Международный фонетический алфавит — МФА) номи билан юритилади. Рус графикаси асосида тузилган транскрипциялар туркшунос ва русшуносларнинг ишларида кенг тарқалгандир. Лекин ўзбек тилининг диалект ва шеваларини ўрганган турколог ва ўзбекшунослар ўз илмий ишларида турлича транскрипция белгиларини қўллаганлар. Баъзилари лотин алфавитидан фойдаланган бўлса (Е.Д. Поливановнинг ишларига қаранг), баъзилари рус графикаси асосида тузилган транскрипциялардан фойдаланган (А.К. Боровков, В.В. Решетовнинг ишларига қаранг).

Шеваларда учрайдиган ҳар бир товушни ифодалаш учун транскрипцияда айрим белги олиш талаб қилинади. Аммо шуни айтиш керакки, мавжуд транскрипция системалари бу талабга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Масалан, **нг** ва **дж** мустақил фонемаларининг икки ҳарф билан берилши каби.

Китобда ишлатиладиган транскрипция

Китобда ишлатилган транскрипция системасида ўзбек алфавитида **е, ё, и, я** дан ташқари ҳамма ҳарфлар қўлланади. Ёлашган ҳарфлар транскрипцияда товушлар бирикмаси орқали қуйидагича берилади:

е — **йе, йэ.**

ё — **йа.**

ю — **йў, йу.**

я — **йя, йя.**

Бошқа алфавитлардан [y, o, e, ə, ы] белгилари олинди. Булардан [y] ва [ə] белгилари шу унлиларнинг олдинги қатор эканлигини (юмшқлигини) кўрсатади: г у л, к ө л каби; [ə] эса умум-ўзбек шевалариға хос бўлган олдинги қатор кенг унли товушни ифодалайди: лёттə, эрəвə каби. Транскрипцияда ундош товушларнинг юмшқлиги ҳам аллоҳида белги билан ифодаланади, масалан, л — юмшқ л.

3-асосий саволнинг баёни

Ўқитувчининг мақсади: Унли ва ундошларни ифодалаш учун олинган транскрипцион белгиларни турли кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш орқали талабалар онгига сингдириш. Унли ва ундошлар учун олинган белгиларнинг лотин графикаси асосидаги шакллари ҳақида тўлиқ маълумот бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

- 3.1. Унлиларни ифодалаш учун олинган транскрипцион белгиларни изоҳлайди.
- 3.2. Ундошлар учун олинган белгилар лотин ва рус ёзувлари асосида шаклини шарҳлайди.
- 3.3. Дифтонглашган унлиларни машқ орқали ўрганади.
- 3.4. Айрим белгиларнинг маъно ўзгаликларини изоҳлайди.
- 3.5. Айрим диакритик белгилар ва бошқа шартли ифодаларни изоҳлайди.

Унлилар. Унли товушларни ифодалаш учун қуйидаги транскрипцион белгилар олинган:

Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра	Олдинги қатор (тил олди)		Индиферент (оралиқ) товушлар		Орқа қатор (тил орқа)	
	лаб-ланма-ган	лаб-лан-ган	лаб-ланма-ган	лаб-лан-ган	лаб-ланма-ган	лаб-лан-ган
Лабнинг иштирокига кўра						
Тилнинг кўтарилиш даражасига кўра						
Юқори кўтарилиш	и	ў	< ь >		ы	у
Ўрта кўтарилиш	ə	Ө (ө)		< ü >		О
Куйи-ўрта кўтарилиш	Э					
Куйи кўтарилиш	Э(а)				А(о)	

Демак, унлиларнинг турли вариантларини бериш учун транскрипцияда 15 та белги олинган. Бу белгилар орқали ўзбек диалект ва шеваларида учрайдиган унли фонемаларни ифодалаш мумкин.

Айрим транскрипция белгиларнинг маъно ўзгаликлари

Унли товушлар учун белгилар қуйидаги маъно ўзгаликлари билан қабул қилинди:

а — умумтуркий орқа қатор, сингармонизмни сақлаган барча ўзбек диалект ва шевалариға хос унли, сингармонизмни йўқотган шеваларда эса турли ўзгаликларга эга. Байналминал сўзларда рус тилидаги **а** товушига мос келади.

ə — олдинги қатор, лабланмаган **а** унлиси; ўзбек диалект ва шеваларининг кўпчилигида учрайди, масалан, Марғ., Анд. ə к ə // Тош. о к ə.

ə — орқа қатор, лабланмаган **а** типидagi очик унли товуш, **а** унлисидан тараққий этиб, бу товуш **о-ловчи** ўзбек шеваларида кенг тарқалгандир, масалан, Тошк., Марғ. отə, болə // Қўқон. бəлə каби.

А — ловчи ўзбек шеваларида бу товуш ўзбек адабий тили ва **о-ловчи** шеваларнинг таъсирида тарқала бошлади.

е — олдинги қатор, лабланмаган, тор унли товуш бўлиб ўзбек шеваларининг кўпчилигиға хос. Ўзининг акустик (эшитилиш) ва артикуляцион хусусиятлариға кўра рус тилидаги ундошдан кейин келадиган **е** ёки сўз бошида келадиган **э** ҳарфи билан ифода этиладиган

сено (пичан), **эти** (булар) сўзларидаги каби товушга тўғри келади. Бу товуш мавжуд ўзбек орфографиясида сўз бошида келадиган ёлашган унли е (й+э) эмас, балки эди (-ель) сўзидаги каби ёлашмаган унлидир. Масалан, Тошк., Наманг., Марғ. ва бошқа шеваларда: бер, кел, ер, ендь, ечкъ каби.

э — олдинги қатор, лабланмаган очик **е** унлиси; бу товуш акустик жиҳатдан **е** га яқин бўлса-да, унинг очик варианты эмас. Бу товуш баъзан русча (этот сўзидаги каби) **э** га мос келади, масалан, қипчоқ шеваларида: экөвийәм, эчки каби.

и — одатдаги туркий олдинги қатор, лабланмаган и унлиси. Сингармонистик шеваларда фонема сифатида, сингармонизмни йўқотган о-ловчи шеваларда эса турли фонетик шароитлардагина учрайди.

ь — индифферент лабланмаган товуш, у ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан олдинги қатор **и** ва орқа қатор **ы** унлиларнинг конвергенцияси (бирлашиши) натижасида ҳосил бўлган; **и** ва **ы** ўртасидаги бу индифферент товуш шаҳар шеваларида ва шаҳар типидagi қишлоқ шеваларининг кўп қисмида мустақил фонема сифатида учрайди, масалан, : Тошк., Қўқон, Анд., Марғ. ва шу каби шеваларда: кьшъ, ъккъ, бъз, бъл // ад.-орф. киши, икки биз, бил каби.

ь — турғун орқа қатор индифферент **ь** унлиси; аммо **ы** товушга тенг эмас. Шаҳар шеваларида ва шаҳар типидagi шеваларда чуқур тил орқа қ, ғ, х товушлари билан ёндош келганда учрайди, масалан, Тошкент, Марғилон, Андижон ва шу каби шеваларда: қъз, қърқ, қъш, ньш (т), мьх; Туркистон шевасида бу товуш Тошкент, Фарғона шеваларидаги **ъ** каби.

2-МАВЗУ. ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ МЕТОДИ

Тилвий мақсад: Лингвистик география методи асосида халқ шевалярининг ўрганилиши. Лингвистик география асосчилари. Бу янги усулнинг жаҳон миқёсида тарқалиши. Ўзбек халқ шеваларини ушбу усул асосида ўрганишнинг бошланиши, асосчилари, мақсади ва натижалари ҳақида маълумот бериш.

Гнозантируви мақсад: Лингвистик география методи асосида ўзбекистоннинг афзалликлари, унинг намояндалари, бажарган ишларини минорка орқали талабалар онгига сингдириш.

Гирбиявий мақсад: Лингво-географик усулнинг ўрганишнинг бошқа усулларидан фарқли эканлигини тарғиб қилиш йўли билан талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, кенгайтириш.

Режа:

1. Лингвистик география нима? Унинг шеваларни ўрганишнинг бошқа усулларидан афзалликлари нимада? Лингвистик географиянинг ўрганиш объекти.
2. Лингвистик географиянинг жаҳон тилшунослигида пайдо бўлиши ва асосчилари. Европа тилшунослигида тузилган энг муҳим атласлар.
3. Ўзбек халқ шеваларини лингво — география усулида ўрганиш, ўзбек шевалари ағласини яратиш масалалари.

Таянч тушунчалар

Лингвистик география усули: изоглосса, изофонема, изоморфема; монографик усул; товуш тушунчаси, грамматик шакл, лексик белги, грамматик белги; диалект, лаҳжа, шева тушунчалари, лингвистик харита, лингвистик атлас, мос ҳодисалар, ареаллар, тил ландшафти, аралаш зоналар, инновация маркази, иррадиация, карталаштириш, регионал атлас, зонал атлас, ареал лингвистик принцип, диалектологик принцип.

1-асосий савол:

Лингвистик география, унинг шеваларини ўрганишдаги бошқа усуллардан афзалликлари. Лингвистик географиянинг ўрганиш объекти.

Ўқитувчининг мақсади: Лингвистика география предмети ҳақида талабаларга кўрғазмали восита орқали тушунча бериш. Шеваларнинг ўрганиш усули — монографик усулдан афзалликлари. Лингвогеографиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги тушунчани талабалар онгига сингдириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

1.1. Лингвистик география ҳақидаги тушунчани кўргазмалилик асосида исботлайди

1.2. Лингвистик география усули билан монографик усул орасида фарқ ва афзал томонларини билиб олади.

1.3. Лингвогеографик усулнинг объектини ўрганади.

Лингвистик география (линго-география) — тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у маълум территорияда тарқалган тил ҳодисалари (товушлар, грамматик формалар, сўзлар)ни аниқлайди, уларнинг ўша жойга бўлган муносабатини кўрсатади. Территориал тил хусусиятларини халқ тарихи, тил тарихи билан алоқадор ҳолда таққослаб, тушунтириб, карталар орқали ифодалайди. Лингвистик география ҳам территориал диалектларни ўрганади. Унинг энг муҳим хусусиятларидан бири кўргазмалилиги бўлиб, унда маълум тил ҳодисаларининг ўрни ва тарқалиш чегараси карта ва атлас воситасида аниқ белгилаб берилди.

Карта ҳам атлас ҳам лингвистик географиянинг ифода воситаси бўлиб, унинг асосий мақсади тилнинг тараққиёт қонуниятлари ва йўллари, конкрет диалектларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг миллий тилга бўлган муносабати, ўзаро алоқасини тушунтириб беришдан иборатдир.

Лингвистик география бир қатор умумлингвистик проблемаларни яъни тилда лаҳжа, диалект, шевалар мавжуд бўлса, уларнинг хусусиятлари нималар билан чегараланишлари, диалектларнинг умуммиллий тилга бўлган муносабати ва шу каби масалаларни ҳал қилимоғи керак.

XX асрнинг 60-йилларига қадар ўзбек тилшунослигида шевалар монографик усулда ўрганилиб келинган, бу жараён ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Бироқ 60-йиллардан сўнг ўзбек шеваларини ўрганиш икки хил йўналишда: 1) монографик усул; 2) лингвографик асосида ўрганила бошланди.

Монографик усул билан ўрганишда шевалар тавсифий усулда ёзиб олинди, бошқа ўзбек шевалари ва адабий тилда қабул қилинган сўзлар товуш ва қўшимчалар билан қиёсланар эди.

Бу усулда оғзаки нутқни транскрипцияга ёзиб олиш, ёзиб олинган шеваларни изоҳлаш, диалектал хусусиятларни ўрганиш, диалектал шевалар тузиш монографиялар яратиш ва шу кабилардан иборат.

Ўзбек диалектологиясида йирик монографик асарларнинг пайдо бўлиши билан лингвографик тадқиқот меваси бўлиб, эндиликда шеваларимизни қиёсий-тарихий, типологик тадқиқотининг ҳозирги вақтида аниқ ва изчил усули (методи) тил ҳодисаларининг тарқалиш шартларини аниқлаб берувчи лингвистик география ва ареология асосида илмий теширишни тақозо қилади ҳамда ўзбек халқ шевалари масаласини яратиш масаласини навбатдаги вазифа қилиб қун тартибига қўлади.

Монографик усул асосида шеваларни ўрганишда кўпроқ дала шартларида — қишлоқларда юриб иш олиб борилади. Лингвогеография асосида қараганда аниқ хусусиятга эга. Чунки лингвогеография материаллари билан лабораториялар ва кабинетда шуғулланилади. Шу нуктага назардан қараганда морфологик усул билан шевалар ўрганилиб келинган, лингвогеографик тадқиқот унинг материалларини илмий лабораторияларда тадқиқ этишдан, унинг давомчисидек, ундан ўсиб келган деб фараз қилинади.

Лингвистик географиянинг асосий ўрганиш объекти — тил ҳодисалари: 1. Изоглоссалар, изофонема ва изоморфема. 2. Лингвистик карталар. 3. Мос ҳодисалар. 4. Ареаллар. 5. Лингвографик карталар ва тарғалаштириш. 6. Тил ландшафти. 7. Аралаш зоналар. 8. Инновация маркази. 9. Ирадаиация ва бошқалар.

1. **Изоглоса** — мос ҳодисаларнинг у ёки бу аъзоси, бўлаги тарқалган шартда чет нуқталарни туташтирувчи атлас картасидаги чизик. Бошқача айтганда у ёки бу тил ҳодисасининг ҳудудий тарқалишини кўрсатувчи лингвистик картага туширилган белги «Изоглосса» — (изофонема — фонетик белги, изоморфема — морфологик белги, изоглосса — лексик белги) тушунчасидан иборат.

2. **Лингвистик атласлар** — Махсус дастур (программа) — сўроқлик асосида тайёрланган, маълум тил ёки шеваларга хос характерли хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини аниқ этирувчи лингвистик карталарнинг альбом шаклидаги изчил тўпламидир. Лингвистик атлас хил бўлади: 1) Регионал атлас; 2) Зонал атлас.

3. **Мос ҳодисалар** — умуммиллий тил тизимининг звено (аъзо)лари бўлиб, ҳар хил диалектларда ўзининг турли бўлаклари (аъзолари) билан иштирок этгани ҳолда шевачилик фарқларини вужудга келтиради. Шунга кўра мос ҳодисалар ҳар вақт икки аъзоли ва кўп аъзоли бўлади. Масалан, *онэ, ойб, онэ, эйэ, быйь, бубь* кабилар шевалараро фарқланиб, ўзбек адабий тилидаги она (туққан она) тушунчасини билдиради.

4. **Ареаллар** — лотинча *arealis* сўзидан бўлиб, майдон, бўшлиқ маъноларини билдиради. Мос ҳодисалар айрим бўлақларининг лингвистик картада тарқалиш зонасини, яъни тилнинг диалектал фарқланишини англатади.

5. **Лингвогеографик карталар ва карталаштириш** — лингвогеографик тадқиқотнинг асосий нуқтаси. Синхроник тадқиқот натижаси ҳисобланган лингвистик картада тил тарихининг ҳамма даври ўз аксини топиши мумкин. Карталаштириш — тил ҳодисаларининг ҳудудга тарқалишини тасвирга (картага тушириш). Жонли тилдаги ҳар бир лингвистик ҳодиса ўзининг тарқалиш чегарасига, ўз ҳудудига эга. Шу ҳудуд, чегарадаги сўз — изоглосса, изофонема ва изоморфемаларни график шаклда қоғозга туширишдан иборат.

6. **Тил ландшафти** — дейилганда бирор тил учун маълум бўлган изоглоссалар йиғиндиси ва уларнинг шу тил ҳудудида жойлашиш характери тушунилади.

7. **Айрим зона** — бир тил ёки диалект ичида бошқа бир тил ёки диалект элементларининг мавжуд бўлиши. Ўзбек шеваларида тожик тили элементлари аралашган зоналарнинг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида барқарорлиги аралаш зона саналади.

8. **Инновация маркази** — у ёки бу тил ёки шева ҳодисаларининг маркази. Масалан, (-*вот, вуз (бовотгъ, келовузэ)*) маркази Тошкент шаҳар шеваси бўлиб, бу ўша инновация марказидан бошқа атроф шеваларга тарқалган.

Иррадиация — ҳодисанинг тарқалиш тушунчаси бўлиб, ареалнинг характерли белгиларидан бири. Масалан, ўрин-пайт келишиги кўшимчаси -*да* Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё шаҳар тип шеваларига адабий тил таъсирида тўсиқларга учрамасдан кириб бориш йўли билан тарқалган. Лекин қаратқич келишиги кўшимчаси (-нинг)нинг кириб

бориши айтарли натижа бермаёткир. Чунки адабий тилга асос бўлган шаҳар шевалари талаффузида -нинг кўшимчаси мавжуд эмас.

Тил ҳодисалари, диалектал ҳодисаларни тадқиқ қилишда кўпинча ёндош тиллар ва уларнинг шевалари материаллари билан солиштирамиз. Бу тўғри усул бўлиб, кўшни тиллар ва шевалардаги лингвистик ҳодисалар бир-бирига доимо ўтиб туради. Ўтиш ҳодисаси тараққиётнинг кейинги даври ва масофанинг яқинлиги билан характерланади. Бироқ тил ва диалектлар тараққиётининг қадимий даври учун характерли бўлган айрим ҳодисаларни изоҳлашда ёндош тиллар ва шевалар ҳар доим ҳам бир-бирига ўтавермайди. Масалан, Наманган гуруҳ шевалари учун характерли бўлган [p] ундоши ўзидан кейин келган ҳамма тил олди ундошларга сингиб кетиши Фарғона vodiysidaги бошқа шеваларда учрайди: туссун - турсун, бодль - бордь, ортоқ-ортоғ, чошшэмь- чоршэмь.

Шунингдек, турк — барлос шеваларидаги ово (амаки) ҳам ёндош шеваларнинг бирортасида учрамайди. Айнан шу каби ҳодиса Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва шаҳар тип шевада мавжуд. Бу ҳодисанинг инновация маркази қайси эканлиги ва унинг иррадиацияси илдизи қай томондан қай томонга йўналганлиги номаълум. Ўзбек шевалари асоси яратилганда мана шунга ўхшаш кўпгина муаммолари ечилган бўлар эди.

Назорат топшириқлари

1. Лингвистик географиянинг ўрганиш объекти: изоглосса, изофонема, изоморфема тушунчалари бўйича материаллар йиғиш.
2. Монографик усул билан лингвогеографик усулнинг фарқ қилувчи томонларини аниқлаш.
3. Лингвистик харита яратиш бўйича амалий дарсларда машқ ўтказиш.

2- асосий савол

Лингвистик географиянинг жаҳон тилшунослигида пайдо бўлиши. Европа тилшунослигида тузилган энг муҳим атласлар.

Ўқитувчининг мақсади: Халқ шеваларини лингвогеографик усул асосида ўрганишнинг жаҳон тилшунослигида бошланиши, унинг натижалари ҳақида талабаларга тушунча бериш. Европа мамлакатлари

ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари тилшунослари томонидан лингвистик атласларни номма-ном талабаларга сингдириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

2.1. Европа ва жаҳон тилшунослигида диалектларни лингвогеографик усул асосида ўрганиш истиқболли эканлигини англайди.

2.2. Жаҳон тилшунослигидаги лингвогеографик усул асосчиларини билиб олади.

2.3. Тилшуносликда энг муҳим диалектологик атласларнинг борлигини исботлайди.

Тилшуносликдаги бу янги йўналишга, диалектологик фикрнинг кейинги тараққиётига Европа линго-географларининг белгили хизматлари бор.

Лингвистик географиянинг асосчилари: Францияда Жан Жильерон, Германияда Георг Венкер, Ф. Вреде, П. Мейер, Россияда эса И.И. Срезневский кабилардир.

Мазкур олимларнинг асарлари туфайли лингвистик географиянинг фан сифатида асосий ўрни, предмети ва вазифалари белгиланади.

Лингвистик география методи билан шеваларни ўрганиш Украина ва Белоруссияда ҳам яхши ривожланган бўлиб, бу республикаларда шевалар атласини тузиш тугалланди ва нашр этилди.

Бирор тил ёки диалектга хос характерли лингвистик хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини акс эттирган альбом ёки китоб шаклида нашр қилинган карталар йиғиндиси диалектологик атлас дейилади.

Диалектологик атласлар бирор халқ тили ва халқ тарихини, унинг миллат бўлиб шаклланишини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Диалектологик атласларнинг дастлабки намуналари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яратилган. 1821 йилда К.де Монбре томонидан тузилган француз шевалари чегараларини белгиловчи карта Франция қироллик жамиятига тақдим қилинади. 1823 йилда Д.Минье ўзининг лингвистик карта тузиш ғоясини олдинга суради. Европада тузилган энг муҳим диалектологик атласлар қуйидагилар: Венкер ва Вределарнинг «Немис тили атласи» (1876—1926 йиллар мобайнида яратилган); Марбургдаги немис диалектологияси марказий институти нашр этган «Немис лексикологик атласи», Ж.Жильерон ва Э. Эд-

моннинг 12 жилдли «Француз тили атласи» (1902—1912 йиллар мобайнида яратилган), Яберг ва Юднинг 8 жилдли «Италян-швейцар тили» (1928—1940 йиллар мобайнида яратилган).

Россияда лингвистик географиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши И.И. Срезневскийнинг номи билан боғлиқ. И.И. Срезневский ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ бу соҳани ўрганишни асосий вазифа қилиб қўйди. Рус лингвистик географиясининг кейинги XIX аср охири XX аср бошларидаги тараққиётида акад. А.И. Шубовский ва акад. А.А. Шахматовларнинг катта ҳиссалари бор. Шахматов ўз текширувлари билан лингвистик география тараққиётига улкан ҳисса қўшибгина қолмай, бу соҳада илмий тадқиқот шароитини ҳам ташкил этди.

Кейинчалик рус шеваларини линго-географик метод билан ўрганишда акад. Корш бошчилигида Москва диалектологик комиссияси янги ишлар қилди. 1935 йилда Фанлар Академияси «Рус тили атласи»ни тузишга киришди. Бу даврда тилшунослардан Б.А. Ларин, Ф.П. Филин ва бўлган диалектологлар гуруҳи мазкур атласни яратиш режаси, тарқалигини туздилар ва атлас учун материал тўплаш ишларига қарлик қилдилар.

1944 йилда Р.И. Аванесов ва Б.П. Филин бошчилигида «Рус диалектологик атласини тузиш бўйича материаллар тўплаш программаси»ни яратдилар. 1951 йилда «Москва шарқдаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» ни 1952 йилда «Шимоли-ғарбий областлар рус халқи шевалари атласи» тузиб тугатдилар ва бу 1957 йилда нашр этилади. Буларнинг ҳар қайсиси ўз ҳажми билан чет эллардаги энг катта миллий атласларга тенг бўлиб, рус тили ва халқи тарихи, миллатнинг шаклланишини ўрганиш учун қимматли материал бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда барча рус тили шевалари бўйича материал тўплаш, тўпланган материалларни кафталаштириш тугалланди.

Лингвистик география методи билан шеваларни ўрганиш Украина ва Белоруссияда, Грузия ва Озарбайжон, Туркменистон ва Қозоғистонда ҳам яхши ривожланган бўлиб бу мамлакатларда шевалар атласини тузиш тугалланди ва нашр этилди.

МДХ да тузилган энг муҳим диалектологик атласлар — «Москва шарқдаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» (1957 йили

нашр этилган), «Шимоли — ғарбий областлар рус халқ шева- атласи» (нашрга тайёрланган) ва республикаларда нашр этилг «Украин тили халқ шевалари атласи», «Белорусь тили халқ шева- атласи» ва бошқалар мавжуд.

Назорат топшириқлари

1. Жаҳон тилшунослигида халқ жонли тилини лингвогеографик усул а- сида ўрганиш истиқболли эканлигини исботлаш.
2. Тилшуносликда лингвистик география усули билан шевашунослик- ўрганган олимлар ишлари билан танишиш.
3. Диалектологик атласлар билан ишлаш.

3- асосий савол

Ўзбек халқ шеваларини лингвогеографик усулда ўрганиш, униг атласини яратиш масалалари.

Ўқитувчининг мақсади: Ўзбек шеваларини лингвогеографик усулг ўрганиш XX асрнинг 40-йилларида профессор А.К. Боровков томонидан олға сурилганлиги, бу соҳадаги ишлар В.В. Решетов ва А.Шерматов томонидан ижобий амалга оширилган бир қатор ишлар хусусида талабаларга маълумот беради. Шу билан бирга қилинаётган ва қилинажак ишлар хусусида ҳам тафсилотланади.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

3.1. Талабалар ўзбек шеваларини ўрганишда лингвогеографик усулдан фойдаланиш мумкинлигини билиб олади.

3.2. Бу янги усулнинг ўрганилишини А.К. Боровков, В.В. Решетов ва А.Шерматов асарлари воситасида исботлайди.

3.3. Ҳозирги кунда ўзбек шевалари уч асосий йўналишда ўрганилаётганлиги ҳақида ахборот беради.

Ўзбек шевалари тадқиқотида асосан, тасвирий, қисман экспериментал ва қиёсий-тарихий усуллар қўлланилиб келинган. Айрим гуруҳ шевалар атласи устида текшириш ишлари олиб борилади.

Тилшунос олимлар Е.Д. Поливанов, Ф. Олим, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, В.В. Решетов, Ш. Шоабдурахмонов, А. Фуломов, С. Иброҳимов, Р. Абдуллаев, М. Мирзаев, А. Алиев, А. Шерматов

Дониёров, Н. Ражабов ва уларнинг шоғирдлари ўзбек шевалари иши олиб борган бир қатор илмий изланишлар, ўзбек шевалари географик ва ареал тадқиқоти учун манба яратадди. рда шеваларни ўзбек диалектологиясида бу соҳа ҳақиёти соҳаларда иди. дан бири бўлиб, таъинланган бой материаллар асосида диалектологияга га доир назарий ишларни ишлаш, сўнг лингвистик география я масалаларни таъинлаштириш босқичига ўтди.

Ўзбекистонда диалектологик ишларни бошқариб боровувчи ягона марказ — Ўз ФАнинг Алишер Навоий номидаги И Тил ва адабиёт институти диалектология бўлими мавжуд. Бу бўлим ҳо- зирги вақтда ҳо- зирги вақтда уч иш бўйича иш олиб бормоқда:

1. Ўрганилмаган ўзбек шеваларини монографик та- шқиқ қилиш.
2. Ўзбек шевалари лугатини тузиш.
3. Ўзбек тилининг диалектал атласини тузиш.

Ўзбек шеваларида умумтуркий изоглоссалар мавжуд дилигини дастлаб 1940 йилларда профессор Е.Д. Поливанов таъкидлаб ўтган эди.

1944 йилда профессор А.К. Боровков ўзбек тили ше- валари атласини яратиш мақсадида «Ўзбек шева-лаҳжаларини текшири- шга доир савол-лар» анкетасини тузди. Шу анкета асосида 1945—1950 йиллар Фарғона водийси шеваларидан материаллар тўпланди.

Орадан 20 йил ўтгандан кейин 1965 йилдан бошлаб ўзбек шевалари хусусиятларини карталаштириш иши яна кун тарти- бига қўйилди, программа ва сўроқнома тузилди, диалектологик мате- риаллар тўплана бошланди.

Ўзбек шеваларини карталаштириш ишини В.В. Решетов бошлаб берди. У Тошкент вилоятининг бир қисмини, О ангарон худуди шеваларида учрайдиган фонетик, лексик ва грамм- атик фарқларни таъинлаштириш иши бўлиб ўзбек қурама шеваларининг 49 та лингвистик картасини тузди. б ўзбек қурама шеваларининг 49 та лингвистик картасини тузди. Тахминан 150 картадан иборат «Тошкент вилоят шевалари атласи»г и тузиш ишлари 1980 йилда яқунланди.

В.В. Решетов тузган лингвистик карталарда ку- идаги фонетик, грамматик ва лексик белгилар олинган. Фонетика ўйича «дж»лаш, «ж»лаш ва «й» лашнинг тарқалиши, яъни сўз бош- ида [дж] ж гйғ ҳодисаси [карта № 1, изоглосса: джок - ж о к - й о], «о»лаш ва «а» лашнинг тарқалиши, яъни типик орқа қатор [а] ни- сақланиши ёки

унинг ўрнида [o] учраши [карта №2, изоглосса: б а р, б о р], тангла гармонияси ва лаб гармониясининг характери [карта №3А, 3Б, 3В, 4А, 4Б, 4В], юқори-ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви [карта №5А, 5Б, 5В, 5Г]; изоглосса.

Вордвк-Вордэк- ордек; вон-Уон-он; й эчки -й эшки -и эчки -ечк -ъчкъ], [V//o // y// o], [a // э, агг э. е // э] унлиларининг ҳамда [к/ х], [ч//ш] ундошларнинг алмашилиши [карта №6, 7, 8, 11; изоглосса: Vй//ой, уй//ой; атлар // йитлар//йитлер, этлар // итлэр, етлер // ьтлэр ; катын-кэтын-хатын- хатун- хэтун- хэтын;чай-чэй//шай-шэй], сўз бошида [х] ва [дж]нинг спонтан пайдо бўлиши [карта №9, 22, изоглосса: айвон-хайвон; арра-харра].

В.В. Решетов ўзи ўрганган худуддаги изоглоссаларнинг тарқалишини ўрганиб, айрим шева вакилларининг этногенезини аниқлашга ва шунингдек, реал тил вақтлари асосида қурама шеваларининг аниқ таснифини беришга муваффиқ бўлди.

М. Мирзаев 1955 йилда «Бухоро вилоятидаги ўзбек шеваларини ўрганиш учун анкета» профессор А.Алиев 1964 йилда «Наманган диалекти бўйича материал тўпловчилар учун анкета» 1976 йилда профессор А. Фуломов, А. Алиев, К. Назаровлар томонидан «Ўзбек тилининг маҳаллий шевалари бўйича материал тўпловчилар учун методик қўлланма» яратдилар.

Ўзбек халқ шевалари атласи ҳозирги замон ўзбек тили шеваларининг ранг-баранг хусусиятларини карталарда ифодалайди. Лингвистик карталарда кўрсатилган диалектал хусусиятлар ва уларнинг тарқалиши, тилшуносларга айрим тил ҳодисаларининг тарихий тараққиёти ва ўзбек миллий тилининг келиб чиқиши каби масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Шунингдек, атлас материаллари тарихчилар, этнографлар учун ҳам фойдалидир.

Ўзбек тили диалектологик атласни қуйидаги вазифа-мақсадларни кўзда тутаяди:

1. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили маълум шеваларга таянади. У ўзининг имло ва талаффуз нормаларини, шунингдек, фонетик системаси, грамматик тузилиши, лексик таркибини нормалаштиришда, асосан, Тошкент — Фарғона тип шеваларга асосланса ҳам, айрим ҳолларда бу шевалар материали адабий тил нормаларига мос келмайди. Диалектологик атласнинг объектив натижалари (хулосалари) бу масалага тўлиқ аниқлик киритади. Ҳақиқатан ҳам,

шеваларга хос диалектал хусусиятларнинг бутун ўзбек тили территориясида тарқалиши ва унинг чегараларини фақат диалектологик атлас заминдагина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

2. Диалектологик атлас материаллари ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукаммаллаштиришга, уларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник гуруҳларнинг ўзаро алоқалари натижасида рўй берган жуда мураккаб этнолингвистик тираққиёт процессини ҳам белгилаб берди.

3. Адабий тил ва таянч шаҳар шеваларининг кундалик таъсири ўзбек халқ шеваларида тил асосларининг аралашуви ва текисланиб бориш кўраёнини тезлаштиради. Чунки ўзбек халқининг экономикаси ва маданияти мислсиз даражада юксалиши билан ўзбек адабий тилининг кучланиш доираси кенгайди. Адабий тилнинг барча ўзбек шеваларо нормалаша бориши аста-секин диалектал нутқни қисиб, оғзаки-сўзлашув нутқ доирасига ҳам кириб борди.

Ўзбек шеваларини линго-географик метод асосида илмий-тадқиқ қилишда А. Шерматов самарали ҳисса қўшди. У «Қашқадарё гуруҳ шевалари картаси» ни тузиб чиқди. Бу тадқиқот 167 карта билан ўз кўннини топди.

Кейинги йилларда Орол бўйи ўзбек шевалари, жанубий ва шимолий Тожикистонда яшовчи ўзбек шевалари, жанубий Қозоғистондаги Ўзбек шеваларининг лингвистик картаси устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Ўзбек тили диалектологик атласини тузиш ўзбек адабий тили имло ва талаффуз нормаларини фонетик тузилиши системаси, грамматик тузилиши лексик таркибини нормалаштиришда аниқликлар киритиш учун; ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукаммаллаштириш; адабий тил ва таянч шаҳар шеваларининг кундалик таъсири натижасида адабий тилнинг ўзбек шеваларо нормалаша боришини тезлаштиради.

Ўзбек диалектологлари ўз миллий тиллари атласини яратиш билан бир қаторда, қардош диалектологлар билан бирга «Туркий тиллар атласи»ни ҳам тузмоқдалар. Бундай атласни тузиш академик В.М. Жирмунский ташаббуси билан бошланган эди.

Унинг сўроқлиги ва программаси 1960—70 йилларда бир неча бор муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ҳар 3—4 йилда туркий тиллар атласини яратиш бўйича Халқаро миқёсида конференциялар, йигинлар ўтказилиб турилмоқда.

Умумтуркий лингвистик атласнинг яратилиши, туркий халқлар тил ҳақида янги маълумотлар беради, қардош тилларнинг тараққиёти фикримизни кенгайтиради, унга илмий нуқтаи назаридан аниқликлар киритади.

ИЛОВАЛАР: Фонетика бўйича : э лашишнинг тарқалиши: чэй чэй, бэээр > бэээр, йэхширэк > йэхширэк, к х. Кулок > кулах, т ч. тыш > чыш.

Морфология бўйича: а-йа : шаҳара- далайэ, менга, мэнгэ, маган; сенга (сэнгэ) саган.

Лексика бўйича: даргат бовэт (богэт) тогон, Мэйэк, йимиртэ — тухум; лгыр кели- к; кы.

Назорат топшириқлари

1. А.Шерматовнинг Қашқадарё вилоятидаги «Ўзбек халқ шевалари» китобидан лингвогеографияга алоқадор бўлимларни ўрганиш.
2. Лингвогеография бўйича кўргазмали қурол тайёрлаш (Ҳар бир талабага биттадан).
3. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишнинг ҳозирги аҳволи: уч йўналиш ҳақида адабиётлардан маълумот тайёрлаш.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Решетов В.В., Шобдуррахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1978 (Лингвистик география бўлими).
2. Боровков А.К. Ўзбек шева-лаҳжаларини текшириш учун савол-жавоблар. Тошкент, 1944.
3. Решетов В.А. О диалектологическом атласе узбекского языка. Казань, 1958.
4. Шобдуррахмонов Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи, ЎТА, 3, 1969.
5. Шерматов А. Куйи Қашқадарё шеваларини карталаштириш тажрибасидан ЎТА, Н, 1970.
6. Шерматов А. Лингвистик география нима? Тошкент, «Фан», 1981.

МАЪЛУ. ТУРКИЙ ТИЛЛАР. ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ МАСАЛАЛАРИ

Таълимий мақсад: Туркий тилларнинг таснифи ва у билан урилишдан олимлар асарлари, туркий тиллар ичида ўзбек тилининг ўрни; ўзбек халқ шевалари ва уларнинг этногенетик, тарихий ва ўзгариш нуқтаи назардан ўрганилиши, тасниф қилиниши асосларини баёнлар онгига сингдириш. Ҳозирги долзарб амалий ва назарий масалалар ҳақида тушунча бериш.

Ривожлантирувчи мақсад: Туркий тиллар орасида ўзбек тили ва унинг таснифининг тугган ўрни, ўзбек шеваларининг тасниф қилиниш шарт шартлари ҳақида илмий-методик тушунча ҳосил қилдириш.

Тарбиявий мақсад: Туркий тиллар ва унинг шеваларини тасниф ва таснифлаш орқали талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, шу билан бирга она тилига нисбатан меҳр уйғотиш.

Режа:

1. Туркий тиллар таснифи: академик В.В. Радлов, А.Н. Самойлович, В.И. Корш, Богородицкий ва бошқалар томонидан қилинган таълифлар.

2. И.И. Зарубин, Сер Али Лапин, Е.Д. Поливанов, Ғози Олим, А.К. Боровков, К.К. Юдахин, В.В. Решетов таснифлари.

3. Ўзбек диалектологиясининг XX асрнинг 60- йиллардан сўнгги йиллари ҳақида. Миллий истиқлол ва ўзбек халқ шевалари равнақи масалалари.

Таянч тушунчалар

Этно-лингвистик таснифлар, этно-генетик таснифлар, территориал-лингвистик таснифлар; о-лашиш масалалари, о-ловчи ва а-ловчи шевалар, й-ловчи ва ж-ловчи шевалар; эронлашган ва эронлашмаган шевалар; максимал эронлашиш, локализация лабиал, алб гармонияси, танглай гармонияси, лақайлар, метисация ва гибридизация, умлаутли шевалар, ўзбек-қипчоқ лаҳжаси, қорлуқ лаҳжаси, ўғуз лаҳжаси, қирқ шеваси, қозоқ-найманлар, чўзиқ шевалар, ундошлар ассимиляцияси, туркий компонент, прогрессив ва регрессив ассимиляция.

1-асосий савол

Туркий тиллар таснифи: академик В.В. Радлов, Н.А. Баскаков, А.Н. Самойлович, Ф. Е. Корш, В.Г. Богородский ва бошқалар томонидан қилинган таснифлар.

Ўқитувчининг мақсади: В.В. Радлов, Ф.Е. Корш, Н.А.Баскаков ва бошқалар томонидан туркий тилларнинг ўрганилиши, таснифлари улар ичида ўзбек тилининг ўрни нуфузи масаласини талабалар онгига сингдириш. Талабаларни ижодий фикрлашга жалб этиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

1.1. Ўтмишда туркий тилларнинг тасниф қилинганлиги В.В. Радлов И.Зарубин каби олимлар асарларини ўрганиш орқали билиб олади.

1.2. Туркий тилларни уч йўналиш: этник, тарихий-генетик, лингво-территориал асосидаги таснифлар исботлайди.

1.3. Таснифнинг асосларини ва энг муҳим таснифларининг савиясини ўрганади.

Туркий тилларнинг генетикаси, тил хусусияти жиҳатидан ўзаро муносабати масаласига олимлар жуда қадимдан қизиқиб келганлар. Туркий тилларни (аниқроғи туркий қабилаларни) биринчи бўлиб тасниф қилган олим Маҳмуд Кошғарийдир. Туркий тиллар таснифи билан қизиқиш XIX аср охири ва XX асрларда қайтадан бошланди ва кўпдан кўп таснифлар вужудга келди. Бу тасниф методлари, олдига қўйган вазифалари, мақсадлари ҳам турличадир. Улардан баъзилари мураккаб пухта ўрганилган ва ишланган таснифлар бўлса, айримлари у ёки бу жиҳатдан камчиликлардан холи эмасдир.

Академик В.В. Радлов таснифи

В.В. Радлов ўзининг «Шимолий Туркистон тилларининг фонетикаси» (1882—1883) деган асарида, асосан, туркий тилларни тасниф қилади.

У туркий тилларни шундай гуруҳлаштиради:

1. Шарқий гуруҳ (олтой, барабарин, Обь, Енисей туркларининг тиллари).

Бу гуруҳга кирган тилларнинг характерли хусусиятлари қуйидагича:

1) [o] унлиси ўздан сўнгги тор унлига жуда кучли таъсир кўрсатади;

2) Сўз ўзақларининг бошида жарангсиз ундошларнинг мавжуд бўлиши: баш паш > каби;

3) Жарангсиз ш, т ундошлардан кейин унли товуш билан бошланадиган қўшимчалар қўшилиб келганда, бу ундошлар жаранглашади: Масалан, ойрот тилида тиш+ы- тижи, тут +ар — тудар;

4) Сўз охирида келган жарангсиз портловчи п, қ, к ундошлари ушидан олдин жаранглашади;

5) [л] товуши қаттиқ ва юмшоқликда фарқланади: (л-вал) ва бошқалар.

2. Фарбий гуруҳ (Фарбий Сибирь татарларининг тили, қирғиз, қозок, бошқирд, поволжье татарларининг тиллари).

3. Ўрта Осиё гуруҳи (Ёркент, Чигатой тили, Шимолий ўзбек шеvasи, Қўқон шеvasи, Зарафшон водийсидаги ўзбек шевалари, Бухоро ва Хива шеvasи).

4. Жанубий гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк (усмонли) ва қрим татарлари тили, деб, тўрт гуруҳга бўлади. Шундай қилиб, В.В. Радлов биринчи бўлиб ўзбек шеваларини тасниф қилган олим ҳисобланади. Унинг таснифига кўра ўзбек шевалари олти гуруҳга бўлинади. Чигатой, Шимолий ўзбек, Қўқон, Зарафшон водийси, Бухоро, Хива гуруҳлари.

В.В. Радлов ўзининг таснифида ўзбек шеваларини гуруҳларга бўлиб кўрсатган бўлса ҳам, уларнинг хос характерли хусусиятлари, бири-биридан фарқи ҳақида маълумот бермайди.

В.А. Богородицкий таснифи

В.А. Богородицкий 1921 йилда ҳозирги туркий тилларни географик қойлашуви ва фонетик хусусиятларни ҳисобга олиб 7 гуруҳга бўлган. Кейинчалик 1934 йилда у ўзининг ушбу таснифига аниқликлар киритиб, уни тўлдириб қуйидагича тақдим этди.

1. Шимоли-шарқий гуруҳ: ёкут, карагас, тува тиллари.

2. Хакас ва абакан гуруҳи. Хакас тили, абакан лаҳжаси, сагай, койбал, качин, қизил шевалари, минусин татарлари тили.

3. Олтой гуруҳи. Бунга олтой (шор) тили ўз шевалари билан киритилган.

4. Фарбий Сибирь гуруҳи: чулим, ишим, тюмень татарлари тили.

5. Волга бўйи ва Урал гуруҳи: татар ва бошқирд тиллари.

6. Ўрта Осиё гуруҳи: уйғур, қозоқ, қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, тиллари.

7. Жануби-ғарбий гуруҳ: туркман, озарбайжон, қумуқ, гагауз, турк тиллари ва чуваш тили, қорачой ва болқар тиллари.

Ф.Е. Корш таснифи

Ф.Е. Корш ўзининг «Классификация тюркских племен по языкам» асарида туркий тилларни фонетик хусусиятларидан ташқари, морфологик хусусиятларни ҳам ҳисобга олиб қуйидагича тасниф қилган.

1. Шимолий гуруҳ: қирғиз, қозоқ, кумиқ, нўғой, қорачой олтой, Волга татарлари, Шимолий кавказ татарларининг тиллари.

2. Ғарбий гуруҳ: озарбайжон, туркман, турк, гагауз, қирим татарлари тиллари.

3. Шарқий гуруҳ: Ўрхун-Енисий ёдгорликлари ёзуви тили, эски уйғур тили, чиготой, қипчоқ (полевец) каби ўлик тиллар ва жонли тиллардан карагас ва хакас тиллари.

4. Аралаш гуруҳ: Бу гуруҳга ёқут ва чуваш тиллари ва Ўрта Осиёдаги баъзи тиллар киради. Бу тилларнинг ҳар бири ўзига хос тасниф белгиларга эгадир.

А.Н. Самойлович таснифи

А. Н. Самойлович ўз таснифида туркий тилларнинг мавжуд В.В. Радлов ва Ф.Е. Корш таснифини бирлаштириб, қуйидагича 5 гуруҳга бўлади.

1. **Жануби-ғарбий ёки ўғуз гуруҳи.** Бу гуруҳга туркман, озарбайжон, турк, гагауз тиллари ва қрим татарларининг баъзи диалектлари ҳамда ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси киради.

2. **Жануби-шарқий ёки чигатой гуруҳи.** Бу гуруҳга ҳозирги уйғур тили, ўзбек тили ва унинг бир қатор шаҳар диалектлари, қумандин тили, ўлик чигатой тили киради.

3. **Шимоли-ғарбий ёки қипчоқ гуруҳи.** Бунга татар, бошқирд, ойрот, телеут, нўғай, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек тилининг айрим қипчоқ шевалари, кумуқ, қорачой ва қрим татарларининг баъзи шевалари киради.

4. **Шимоли-шарқий ёки Сибирь гуруҳи.** Бу гуруҳга қадимги ўрхун, уйғур, қорлуқ ёзуви ёдгорликлари тилларидан ташқари тува, сариқ уйғур, хакас, шор, качин, сагай ва ёқут тиллари киради.

5. **Чуваш ёки булғор гуруҳи.** Ўлик булғор ва ҳозирги чуваш тиллари киради.

Н.А. Баскаков таснифи

Н.А. Баскаков туркий тилларнинг таснифини яратишда фақат ҳар бир туркий тилнинг фонетик, грамматик, лексик хусусиятинигина ҳисобга олиб қолмасдан, ҳар бир туркий халқнинг тарихий шиклланиши жараёни, унинг этник генезисига ҳам алоҳида эътибор берган.

1. Фонетик хусусиятлар асос қилиб олинган таснифлар (В.В. Радлов таснифи).

2. Фонетик — морфологик хусусиятлар асос қилиб олинган таснифлар (Ф.Е. Корш, А.Н. Самойлович).

3. Тил хусусиятларидан ташқари, генетик алоқалар ҳам ҳисобга олинган таснифлар (И. Бенцинг, К. Менгес).

4. Туркий тилларда гапирувчи халқларнинг географик жойлашуви асос қилиб олинган таснифлар (В.А. Богородицкий таснифи).

Сер Али Лапин таснифи

В.В. Радловдан анча кейин, ўтган асрнинг 90-йилларида Сер Али Лапин «Сарт сўзининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида» деган ишида ўзбек адабий тили билан бир қаторда тўртта ўзбек диалекти борлиги тўғрисида маълумот бермайди.

1. Сирдарё вилояти диалекти.

2. Фарғона вилояти диалекти.

3. Амударё бўлими ва Хива хонлиги диалекти.

4. Самарқанд вилояти ва Бухоро хонлиги диалекти.

Сер Али Лапин таснифида ҳам ўзбек диалектларининг фонетик системаси, грамматик қурилиши ва лексик бойлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. Унинг бу таснифи ўз даврига нисбатан маълум қимматга эга бўлган.

Назорат топшириқлари

1. Туркий тиллар оиласига кирувчи халқларнинг тарқалиш ҳудудини аниқлаш.
2. В.В. Радлов, Сер Али Лапин, Корш, Богородицкий каби олимлар таснифида ўзбек тилига алоқадор қисмини аниқланг ва изоҳ беринг.
3. Таснифларнинг бўлиниши сабабларини ўрганиб, амалий соатларда сўзлаб беринг.
4. Мавзу бўйича 5 та кўргазмали қурол тайёрлаш.

2- асосий савол

Ўзбек шеваларининг таснифи: Е.Д.Поливанов, Ғози Олим, А.К. Боровков, К.К. Юдахин ва В.В. Решетов таснифлари.

Ўқитувчининг мақсади: Ўзбек халқ шеваларини тасниф қилган олимларнинг асарлари билан талабаларни таништириш; тасниф асосларини оғта синдириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДИ

- 2.1. Ўзбек халқ шеваларини тасниф қилган олимлар ва уларнинг асарларини ўрганиш.
- 2.2. Этно-лингвистик, тарихий-лингвистик ва лингво-территориал таснифларни исботлайди.
- 2.3. Таснифларнинг мақсади, уларнинг мазмунан бир, шаклан турли-туманлиги хусусида ҳукм чиқаради.

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек адабий тили ҳозирги босқичга қадар узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Улар уруғ-уруғ, қабила-қабила бўлиб ҳаёт кечирганларидан сўнг, аста-секин элат, халқ бўлиб ташкил топди. Шунга қараб уларнинг тиллари ҳам турли тараққиёт йўлларида бошдан кечирди ва ўзгариб, мукаммаллашиб, такомиллашиб, тараққий қилиб келди. Ана шу тилнинг тараққиёти, уларнинг таркиби ва гуруҳларга бўлиниши қадимги даврлардан оқ олимлар диққат-этиборида бўлган. Масалан. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» номли асарида кенг ҳудудда ҳаёт кечирган уруғ-қабила ва улар тилларнинг бир-бирига бўлган муносабатини, уларнинг тиллардаги яқинлик ва фарқларни дифференциация (ажралиш) ва интеграция (қўшилиш) каби масалаларни аниқлаган. Ушбу асарда

инглиз тилига яқин туркий тилнинг қиёсий луғатини беради. Уларни лингвистик, морфологик, лексик томондан тасниф қилади. Кейинчалик олимлар Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида, Заҳриддин Бобур «Табурнома»сида, Мирза Махтихон «Санглох» асарида, Абулғози Абдулқодирхон «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида ўзбек тили ва диалектологиясининг тарихига доир бой мерос қолдирган, уларнинг ўзбек халқ шевалари, уруғ-қабила тилларини махсус тасниф қилганлар.

Маҳмуд Кошғарийдан кейин ўзбек халқ шеваларини ўрганишга қизиқиб масалалари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлади.

Академик В.В. Радлов, Сер Али Лапин, В.Наливкин каби олимларнинг ишлари бунга мисол бўла олади.

XX асрнинг бошларига келиб, айниқса, 1917-йилдан сўнгги даврда профессорлар И.И. Зарубин, Е.Д.Поливанов, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, Ғози Олим Юнусов, В.В. Решетов каби олимларнинг ўзбек шеваларини ўрганиш ва уни гуруҳлаштиришда жуда катта ишлари диққатга сазавордир.

И.И. Зарубин таснифи

Профессор И.И. Зарубин ўзбек шеваларини тўрт гуруҳга бўлиб тасниф қилади: 1) Хива; 2) Фарғона; 3) Тошкент; 4) Самарқанд-Бухоро шевалари.

И.И. Зарубиннинг бу таснифида ўзбек шевалари орасида катта ўрин эгаллашган ҳозирги Ўзбекистоннинг анчагина ҳудудига тарқалган қипчоқ-қарлғи шевалар ва шимолий ўзбек шевалари ҳисобга олинмаган.

К.К. Юдахин таснифи

К.К. Юдахин ўзбек шевалари таснифининг икки вариантини тавсия қилади: У ўзининг дастлабки вариантыда ўзбек шеваларининг тожик тили билан бўлган муносабати ва сингармонизмни сақлаш даражасига қараб, тўрт гуруҳга ажратади.

1) асл туркий товуш таркиби ва сингармонизмни сақлаган ўзбек шевалари;

2) ўз товуш таркибини қисман ўзгартирган, сингармонизмни пўқотган шевалар;

3) эрон тиллари оиласига мансуб унлилар таркибини сақлаган шевалар;

4) ўзбек ва тожик тилларида сўзлашадиган тожик шевалари (Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда).

Кейинчалик, К.К. Юдахин ўзбек шеваларини ўзига хос хусусиятлари билан муфассал танишиб, аввалги таснифига тегишли аниқликлар киритди ва ўзбек шеваларини беш гуруҳга бўлди: Тошкент, Фарғона, Қипчоқ, Хива (Хива-ўғуз) ва шимолий ўзбек шевалари.

Е.Д. Поливанов таснифи

Е.Д. Поливанов томонидан бир қатор ўзбек шевалари ва диалектлари ўрганиб чиқилди ва шу асосда шеваларнинг мукамал таснифи берилди.

Е.Д. Поливанов ўз таснифида тилдаги икки ҳолатни кўзда тутди: 1) метисация (қардош тилларнинг чатишуви); 2) гибридизация (туркий тизимдаги тилларнинг чатишуви). У шеваларда учрайдиган барча фонетик ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўзбек шеваларини бир неча гуруҳга бўлди. Эронлашиш нуқтаи назаридан, яъни баъзи ўзбек шеваларининг тикланиш процессида тожик тилининг иштирокини ҳисобга олиб шеваларни қуйидагича гуруҳлаштирди.

1. Эронлашмаган шевалар.

2. Эронлашган шевалар.

Эронлашмаган шеваларга ўзбек- қипчоқ (Ж-ловчи) лаҳжасидаги ва Фарғонанинг сингармонизмли қишлоқ шеваларини (Сарой, Андижон, Йўлгузар, Манкент) киритади.

Тошкент, Қўқон-Марғилон, Андижон-Шаҳрихон тилидаги шеваларда эронлишиш элементларининг мавжудлигини қайд қилса, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа типидagi шеваларни максимал эронлашган, яъни тожик вокализмини ўзида тўла акс эттирган шевалар деб ҳисоблайди.

Эронлашган ва эронлашмаган шевалар ўртасида эронлашишнинг кучсизланиши, гибридизация процессида туркий элементларнинг кучсизланишига кўра эронлашган шеваларни тўрт типга ажратди.

1. Самарқанд-Бухоро шевалари. 2-тип. Тошкент типидagi шевалар (Тошкент ва унинг атрофидаги туман шевалари). 3-тип. Қўқон-Марғилон типидagi шевалар. 4-тип. Андижон-Шаҳрихон типидagi

шевалар ва шу типга уйғурлашган ёки умлаутли шевалар ҳам киритилган. (Наманган ва унга яқин Чортоқ, Уйчи, Шоҳанд шевалари). Е.Д. Поливанов таснифида яна икки тип шевага ажратилган. Булар 6-тип. Шимолий ўзбек шаҳар шевалари типи, (Туркистон, Чимкент ва шу типдаги баъзи қишлоқ шевалари). 7-тип. Шимолий ўзбек қишлоқ шевалари типи. (манкет, қорабулоқ каби шевалар).

Е.Д. Поливанов таснифига кўра иккинчи диалект «ўғуз лаҳжаси» бўлиб, ўз ичига икки тип шевани олади. 1-тип. Жанубий Хоразм гуруҳ шевалари (Хива, Янги Урганч, Шовот, Ғазовот, Ҳазорасп, Янги Ариқ, Хонқа шевалари); шу гуруҳга Шўраҳон шеваси алоҳида бир тип сифатида киритилган. 2-тип. Шимолий ўғуз гуруҳ шевалари. (Иқон-Қорабулоқ шевалари) Шу гуруҳга Фориш туманидаги Богдот шеваси ҳам киритилган.

«Қипчоқ лаҳжаси» учинчи диалект бўлиб, бу етти тип шевани ўз ичига олади. 1-тип. Ўрта Хоразм ва Шимолий Хоразм; (Гурлан, Богот, Шоаббоз, Хўжайли, Қипчоқ, Кўнғирот, Манғит туманлари шевалари).

2-тип. О-ловчи тип; (Қозоқ-Найман, Фарғона Қорақалпоқлари).

3-тип. Курама шевалари; Оҳангарон водийсидаги курама шевалари.

4-тип. Шимолий ўзбек шевалари; Туркистондаги Сўзоқ, Чалақўрғон қишлоқ шевалари

5-тип. Ўрта ўзбек; Қириқ шевалари ва жанубий ўзбек-лақай шевалари ва Афғонистондаги қипчоқ ўзбеклари ҳам шу гуруҳга кирилади.

Е.Д. Поливанов ўзининг бир қатор ишларида ўзбек шеваларининг таснифи ҳали мукамал эмаслигини қайд қилиб, ўзбек тилшунослиги шеваларнинг деталлаштирувчи таснифга зарур деб кўрсатади.

Е.Д. Поливановнинг айрим назарий хулосалари тўғри эмас, чунки у ўз таснифида ва бошқа тадқиқот ишларида ўзбек шеваларидаги тараққиётни фақат факторга боғлаб текширади. Ўзбек тили ва унинг шеваларида рўй берган ўзгаришлар тилнинг асрлар мобайнида ўз ички тараққиёт жараёнининг натижаси эканлигини кўрмайди. Лекин унинг ёзиб олган далилий материаллари, айрим тил ҳодисаларига берган шарҳлар жуда аниқ ва ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Бу жиҳатдан Е.Д. Поливановнинг ўзбек шеваларини ўрганишга бағишланган кўп ишлари ўзининг сифати ва илмийлиги билан ажралиб туради.

Унинг ишлари ҳозирги кунда ҳам ўзбек шеваларини ўрганишга катта ёрдам бермоқда.

Ғози Олим Юнусов таснифи

Профессор Ғози Олим Юнусов ўзи тўплаган жуда бой далилий материалларга суянган ҳолда 1936 йили, Е.Д. Поливанов таснифидан кейин 1936 йилда нашр этилган «Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба» номли асарида ўзбек шеваларини уч катта гуруҳга бўлиб тасниф қилди ва шу асосда тасниф ҳолатини ҳам берди.

1. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси.
2. Турк-Барлос лаҳжаси.
3. Хива-Урганч ёки ўғуз лаҳжаси.

1. **Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси.** Бу лаҳжага Ўзбекистоннинг Оҳангарон, Мирзачўл, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро, Фарғона водийси, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа ҳудудларда яшовчи ж-лашган шеваларнинг ҳаммаси киради. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси тўрт шевага Қирқ, Жалойир-лақай, Қипчоқ, Гурлан.

2. **Турк-барлос лаҳжаси.** Бунга ҳамма шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларни: Тошкент, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарлари ва бу шаҳарларнинг атрофида яшовчи ўзбек шевалари киритилади. Бу лаҳжа вакиллари Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Зарафшон водийсининг юқори қисми, Чимкент, Сайрам, Ўш, Ўзган шаҳарлари ва унинг атрофларида яшовчи ўзбеклар шевалари ҳам шу лаҳжага киритилган.

Ғози Олим бу лаҳжанинг асосий тил хусусиятларини ҳисобга олиб, тўрт гуруҳга бўлади.

1. **Сайрам-Чимкент шеvasи.** Бу лаҳжа ўз ичига Хива, Хонқа, Ғазовот, Шоҳобод, Кат, Тошовуз, Эски Урганч, Янги Урганч, Ғазорасп, Тўрткўлда яшовчи ўзбек шеваларини олади. Бу шеванинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида берилмаган.

2. **Тошкент-хос шеvasи.** Бу шеванинг асосий хусусиятлари: тушум келишиги кўшимчаси -т билан тугаган сўзлардан кейин -ти:тти. Шунингдек, бу кўшимча сўз охирида ассимиляцияга учраб, олдидаги ундошга мослашади: биз-биззи, истак феъли ясовчи -лук: келайлук. Ғозирги замон давом феъли кўшимчаси - в ттъ, бўлишсиз кемъй ттътъ.

Шарт феълининг кўплиги (1 шахс) -вуз, -мъз, 2 шахс -йъз: бълсайъз. 1 шахс ўтган замон феълининг кўплиги - мъза, -мъз, -вуза, -вуз (лдузъ). 2 шахс -ъ: з (лъ:з) орқали ясалади.

А.А. Андижон шеvasи. Бу шеванинг асосий хусусияти тушум келишиги кўшимчаси -нгъ, -ни дан ташқари -тъ, -ти, -лъ, -ди, тарзида келади. Бу шеванинг асосий хусусияти ҳозирги замон давом феъли -йап, йэп, орқали ясалади: келэйэпмэн.

Наманган шеvasи. Бу шеванинг асосий хусусияти ҳозирги замон давом феъли кўшимчаси -ут: келутьман, бўлишмизи: келмуттъман.

А.К. Боровков ҳам ўзбек диалектологияси тарихида анча яхши ишланган. Унинг асосий хусусиятлари тўла қамраб олинмаган, лекин бу таснифда ўзбек диалектларининг лингвистик фарқларини кўрсатувчи белгилар берилмаган.

Унинг асосий хусусиятлари тўла қамраб олинмаган, лекин бу таснифда ўзбек диалектларининг лингвистик фарқларини кўрсатувчи белгилар берилмаган.

Унинг асосий хусусиятлари тўла қамраб олинмаган, лекин бу таснифда ўзбек диалектларининг лингвистик фарқларини кўрсатувчи белгилар берилмаган.

Унинг асосий хусусиятлари тўла қамраб олинмаган, лекин бу таснифда ўзбек диалектларининг лингвистик фарқларини кўрсатувчи белгилар берилмаган.

А.К. Боровков таснифи

А.К. Боровков ўзбек халқ шеваларини ўрганишда ўз ҳиссасини қўшиб, хизмат қилган олимлардан бири ҳисобланади. У ўзбек шеваларини икки марта тасниф қилган. А.К. Боровковнинг биринчи таснифи 1940 йил «Ўзбек адабиёти ва санъати» журналида «О новым алфавите» деган мақоласида эълон қилинган.

А.К. Боровков бу таснифида ўзбек халқ шеваларини фонетик жиҳатдан икки гуруҳга бўлиб кўрсатади.

1) о-лашган шевалар;

2) а-лашган шевалар.

3) о-лашган гуруҳ шеvasига шаҳар шевалари ва улар атрофидаги туман шеваларини киритди (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Каттакўрғон, Андижон, Қўқон, Марғилон, Қарши, Жиззах).

А-лашган гуруҳ шеваларига эса сингармонизмни сақлаган шевалар киритилди. Бу гуруҳ ўзбек шевалари -й-лаш ва ж-лаш хусусиятларига эга иккига ажратилади:

1) й-ловчи шевалар;

2) ж-ловчи шевалар.

Ўзбек диалект ва шеваларини гуруҳлаштиришда А.К. Боровковнинг бу таснифи ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лекин унда ҳам баъзи камчиликлар йўқ эмас.

А.К. Боровковнинг иккинчи таснифи 1953 йил Ўз.Ф.А. Хабаротларининг 5-сонидa эълон қилинган. Бу тасниф биринчи

таснифга нисбатан беқиёс даражада яхши тузилган. Чунки бунда ўзбек халқ шеваларининг тарихий тараққиётини фонетик, лексик, морфологик хусусиятлари ҳисобга олинган.

Ана шуларга кўра ўзбек халқ шеваларини 4 катга гуруҳга бўлиб кўрсатган:

1. **Ўрта ўзбек диалекти.** Бу диалектга 2 гуруҳ шева киритилган:

а) **Ўрта Ўзбекистон шеvasи** (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона типидagi шевалар); унлилар миқдори 6—7 тадан иборат. Сўзларнинг биринчи ва кейинги бўғинларида очиқ о фонемас ишлатилади.

б) **Шимолий ўзбек шеvasи** (Чимкент, Сайрам, Жамбул, Марки ва Жанубий Қозоғистоннинг баъзи бир ўзбек шевалари). Унлилар 8 та фонемадан иборат. Бу гуруҳ шеваларда о ўрнида а қўлланади.

2. **Шайбовий-ўзбек ёки ж-ловчи диалект.** Бунга ҳамма ж-лашган шевалар киради. Бу шеваларда унлилар 8—9 та.

3. **Жанубий Хоразм диалекти.** Бунга Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ, Ғазовот, Шўрахон ва унга ёндош бўлган шевалар киритилган. Бу шеваларда унлилар сони 9 та.

4. **Алоҳида гуруҳ шевалар.** Бунга юқоридан 3 та гуруҳга кирмаган шевалар (Қорабулоқ, Иқон, Манкент, Боғдон) ва «умлаутли» (Наманган) шевалари киритилган.

Бу тасниф ўзбек диалектологияси тарихида энг яхши таснифлардан биридир.

В.В. Решетов таснифи

В.В. Решетов ўзбек шеваларининг тарихий лингвистик хусусиятларини ва айрим диалектларга қардош тиллар (тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман) муносабатини ҳисобга олган ҳолда ўзбек шеваларининг тасниф системасини тузди.

Ўзбек халқи таркибида тарихий-лингвистик жиҳатдан бир-бирдан ажраладиган (фарқ қиладиган) уч диалект бирлиги мавжуд (бу birlik ўзбек, қозоқ, уйғур, туркман, қорақалпоқлар составидаги турк кабилаларининг миграцияси туфайли ҳам пайдо бўлган).

Бу диалект birlikлари ўз навбатида ўзбек тили таркибида уч лаҳжани, яъни қипчоқ, ўғуз, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаларини вужудга келтирди. Булар ҳозирги кунда ҳам ўзбек тилининг алоҳида лаҳжаси

филида давом этиб келмоқда. Демак, ўзбек тили уч туркий диалектнинг бирикиши натижасида вужудга келган:

1. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги қардош уйғур тилига яқин

2. Тожик тили билан яқин этнолингвистик муносабатда бўлган.

3. Қипчоқ лаҳжаси қардош қозоқ ва қорақалпоқ тиллари билан яқин.

4. Ўғуз лаҳжаси қардош туркман тили билан яқин.

В.В. Решетов ўзининг таснифида ҳар бир лаҳжанинг ўзига хос таркиб хусусиятлари борлиги уларни ўрганиш ўзбек диалектологиясининг асосий вазифалардан эканини ва бу шеваларнинг пайдо

лини ва ривожини ўрганишга ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб

таъкидлаган. Бу уч лаҳжанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. Бу лаҳжага Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Қарши, Термиз, Каттақўрғон каби шаҳар ва шаҳар типидagi бошқа шевалар киритилади.

Унинг асосий специфик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

ч/т нинг алмашиниши чышлэ, тушьт // чушьт каби.

Ўзак ва аффиксларда сўз охиридаги к-қ // г-ғ ундошларининг алмашиниши: тэрък//тэрък, сэрък// сэрък, къшл лиг// къшл лък, кушук// кулук, бундо к//бундоғ.

- Турли ҳолатда ҳам к//х ундошларининг алмашиниши, алмашиниши: т кта// тохта, тоққсан// тохсан.

- л//н ундошларнинг алмашиниши: койнек//койлэк // койнэй.

- Тўлиқ прогрессив ассимиляция: тузъ < тузнъ, кушшъ < кушнъ, тошшъ < тошнъ, темърръ < темърнъ, тошшъ < тошнъ.

- Уйғур тилининг асосий фонетик хусусиятларидан бири «умлаут» қоида, биринчи бўғинда келган куйи кўтарилиш а/э унлиларининг иккинчи бўғинда келган юқори кўтарилиш ъ унлиси таъсирида га шидир. Ат < етъ, балиқ < белиг келуттъ каби.

- Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирган кўпчилик шеваларда шартқич ва тушум келишиги кўшимчасининг битта: -ни, нъ, -тъ, -дъ, ли, -шъ вариантлари билан келишидир, отни мин < эттъ мън, унинг лфтары < унъ дафтары.

— Ҳозирги замон давом феълени ифодаловчи икки морфологик белги **-ват, -ут, ва йэп, эл** га эга эканлиги: борвэтмэн, боруттэм кел эпмэн, келопмэн кабилар.

В.В. Решетов таснифида қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси куйиди гуруҳга бўлинган.

— Фарғона гуруҳи: Наманган диалекти; Андижон-Шаҳрих диалекти; Ўш-Ўзган диалекти; Марғилон-Қўқон диалекти.

— Тошкент гуруҳи: Тошкент диалекти; Жиззах диалекти.

— Қарши гуруҳи: Қарши диалекти; Самарқанд-Бухоро диалекти.

— Шимолий ўзбек гуруҳи: Иқон-Қорабулоқ диалекти; Туркистон-Чимкент диалекти.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ҚИПЧОҚ ЛАҲЖАСИ

Бу лаҳжага хос хусусиятлар Е.Д. Поливанов ва Ғози Олим таснифида атрофлича берилган.

Қипчоқ лаҳжасининг асосий фонетик хусусиятлари қуйидагилар:

1) Контраст жуфт унлилар **у\, о\о, ы\и, а\э** нинг мавжудлиги ва бунинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши;

2) Сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларнинг дифтонглашуви **и_н, у_н, о_н (и_н, у_н, о_н)** каби;

3) Қисқа ва узун унлиларнинг фарқланмаслиги, ундош товушининг тушиб қолиши ҳисобига бўладиган иккинчи даражали чўзиқликнинг мавжудлиги: суҳбат (суҳбат);

4) Сўз бошида **[й]**нинг, **[ж]**га ўтиши: йўл>жол, ёмон>жамон;

5) Сўз бошидаги **ҳ** ундошнинг ортирилиши: арра > ҳарра, айво>ҳайвон каби;

6) Сўз охирида **к, қ** ундошнинг тушиб қолиши: киччи < кичик сарик < сарў ва бошқалар.

Морфологик хусусиятлари:

1) Қаратқич ва тушум келишиги аффиксида **н/д/т** товушларининг алмашиниши: **-нын//нинг, дын//-тын-тинг, -ни//-ны, -ды//-ди ты//ти.**

2) Шахс олмошларининг жўналиш келишиги шакли **маган, саган, оған** шаклида келиши.

3) Ҳозирги замон давом феълининг **-джатыр** билан ясалиши; баражатыр каби ҳозирги келаси замон сифатдош **-тыган** билан ясалиши: келатыган.

Шунингдек, лексикасида ҳам бошқа ўзбек шеваларидан фарқла-
вчи хусусиятлар бор.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЎҒУЗ ЛАҲЖАСИ

Бу лаҳжанинги ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

а) қипчоқ шеваларидаги каби контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги;

б) қисқа-узун унлиларнинг фарқланиши, яъни туркман тилидаги каби қадимги туркий узун унлилар (биринчи даражали чўзиқ унлилар)-
нинг мавжудлиги: а.т: (ҳайвон), а.д: (исм), о.т (олов);

в) сўз бошида **т** ва **к** ундошларининг жаранглашуви: дил (тил),
кел (кел);

г) қаратқич келишиги формасининг **-ынг // -инг** шаклида ишлатилиши;

д) жўналиш келишиги аффиксининг **-а// -э** шаклида ишлатилиши;

е) бол феълдаги **б** нинг тушиши: бол > ол кабилар.

Назорат топшириқлари

1. Олимлар томонидан қилинган таснифларни ўрганиш ва уларнинг бир-
биридан фарқланишини билиб олиш.

2. Ғози Олим таснифини амалий жиҳатдан ўрганиш ва унинг қисмларини
фарқлай билиш. Ғози Олим таснифидаги турк-барлос шевалари ва қипчоқ
шевалари ўртасидаги тафовутни дафтарга ёзиб амалий соатда сўзлаб бериш.

3. Таснифлар юзасидан картотекалар тайёрлаш ва 5 та кўرғазмали қурол
ишлашни талабаларга вазифа қилиб топшириш.

4. Ўзингиз яшаб турган қишлоқ шаҳар, туман шеваси тасниф бўйича қай-
си бирига алоқадорлигини исботланг.

3- асосий савол

Ўзбек диалектологиясининг XX асрнинг 60 йилларидан кейинги
ютуқлари. Миллий истиқдол ва халқ шевалари раvнақи масалалари.

Ўқитувчининг мақсади: Ўзбек халқ шеваларининг ўрганилиш
босқичлари, айниқса XX асрнинг 60-йилларидан сўнг халқ
шеваларининг ўрганилиши билан боғлиқ масалаларни талабалар онига
сингдириш. Турли даврдаги тилшунос-диалектологлар асарларига шараф

бериш орқали талабаларни хабардор қилиш. Миллий истиқлол шарофати билан халқ шеваларининг истиқболларини белгилаш, муаммоларни талабаларга етказиш.

ИДЕНТИВ ҲУҚУВ МАҚСАДИ

3.1. XX асрнинг 60-йилларидан сўнг ўзбек шеваларининг ўрганилиш аҳволини билади.

3.2. Диалектолог олимларнинг асарлари орқали ўзбек халқ шеваларининг тарқалиш ҳудудини аниқлайди.

3.3. Шўролар давридаги халқ шеваларининг ўрганилишини миллий истиқлол даври билан таққослайди, ютуқларини исботлайди.

60-йиллар ўзбек диалектологияси тараққиётида муҳим ўрин тутган, кўплаб диалектологик кадрлар етиштириб берган Россия ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси А.К. Боровковдир. У фақат ўзбек диалектологиясида эмас, умуман, ўзбек тилшунослиги фанининг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Чунки ўзбек тилшунослигининг ҳамма соҳалари бўйича чуқур илмий асосга қурилган асарлар яратди.

Олим ўзбек диалектологиясининг улкан мутахассиси сифатида кўпгина асарлар яратди, ўзбек шеваларини тасниф қилди. Унинг соф диалектологик асарларига «Вопросник для собирания материалов по узбекском говорам», «К характеристике узбекских «умлаутных» или «уйгуризованных»говоров», «Вопросы классификации узбекских говоров», «Узбекское говоры Наманганской области» кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур ишларда олим ўзбек шеваларининг гоёт хилма-хиллигини, уларни тасниф қилиш масалаларини ёритди. «Вопросник для собирания материалов по узбекским говорам» да эса биринчи тажриба сифатида савол-жавоблардан иборат анкета усулини қўллаб кўрди. Бу билан олим ўзбек шеваларини лингво-географик усулда ўрганиш ишига ҳам асос қўйди. А.К. Боровков ўз қарашларида ўрта ўзбек диалекти вакиллари билан қипчоқ лаҳжаси вакилларининг қадимги вақтлардаёқ аралашуви жараёни ўтганига ишора қилади.

30 йиллардан бошлаб профессорлар Е.Д. Поливанов, Ғози Олим, К.К. Юдахин, А.К. Боровков билан бирга ўзбек шеваларини ўрганишда жуда катта ишларни бажаришган. Россия Педагогика Фанлар

Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аъзоси, профессор В.В. Решетовдир. В.В. Решетов олиб борган илмий диалектологик тадқиқотлар Ватан урушидан кейинги даврнинг характерли хусусиятларидан бўлиб, кўплаб диалектологик кадрларни тайёрлади.

В.В. Решетов хилма-хил ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик қимла лексик хусусиятларини ёритадиган ишларини Иккинчи жаҳон уруши арафаларида бошлаган эди. Унинг «Некоторые замечания по консонантизму и морфологии маргеланского говоре узбекского языка», «К вопросу о термине «Курама» и о «кураминах», «Классификация узбекских говоров Ангренской долины», «К вопросу об изучении узбекских народных говоров», «О диалектной основе узбекского литературного языка», «Кураминские говоры Ташкентской области». «Фонетическая и морфологическая система», «О Наманганском говоре узбекского языка», «Состояние и задачи узбекской диалектологии», «О диалектологическом атласе узбекского языка», «Ўзбек диалектологияси», «Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси», «Ўзбек шеваларининг таснифи» каби бир қанча асарларида ўзбек диалектологиясининг тараққиётига хос хусусиятларни ёритди.

Олимнинг бевосита раҳбарлигида диалектологик кадрлардан фан докторлари етишиб чиқди. В.В. Решетов ёзган илмий-диалектологик асарлар ўзбек тилининг икки йирик ва етакчи компоненти: қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжасини ёритишга бағишланган бўлиб, мазкур лаҳжаларнинг тараққиётига доир оригинал фикрларни олға сўради. В.В. Решетов ўз асарларида ўзбек тили диалектал компонентларининг ўзаро муносабатига маълум даражада эътибор билан қарайди.

Хуллас, ўзбек диалектологиясининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр тараққиётининг бутун йўналиши В.В. Решетов фаолияти билан ҳамбарчас боғлангандир.

Ўзбек диалектологиясида ўзининг умумлаштирувчи характердаги илмий тадқиқотлари билан муҳим аҳамият касб этган олимлардан бири

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Ш. Шоабдурахмоновдир.

Ш. Шоабдурахмонов марказий шаҳар шеваларининг ўзбек адабий тилига муносабати масаласини ёритиш билан бирга, шеваларнинг адабий тилга таъсири масаласини ҳам ишлаб чиқди. Баъзи бир олимлар

шеваланнинг адабий тилга таъсири, ҳатто шевалардан адабий тилга «ҳеч оладиган нарса қолмаган» деб айтишга журят этган бир вақтда шеваланнинг таъсири, адабий тилни бойитиш кучи сақланиб қолажани олим таъкидлади. Бизнинг фикримизча ҳам, ўзбек шевалари ўзбек адабий тилининг ривожланишида ички етакчи имкониятларнинг асосий базаси бўлиб қолади.

Ш. Шоабдурахмонов ўзининг «Ўзбек шеваланнинг лексик составини ўрганиш масалаларига доир», «Изучение и задачи узбекской диалектологии», «Ўзбек диалектологияси» (В.В. Решетов билан бирга), «Ўзбек адабий тилининг шеваларга муносабати», «Шаҳар шевалари лексикасидан», «Узбекский литературный язык и его влияние на говоры», «Ундошларнинг ўрин алмашуви» (метатеза), «Таянч шевалар фонетикасидан», «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари», «Диалектное членение узбекского языка», «Ўзбек диалектологияси ва навбатдаги вазибалар», «Развитие диалектологической науки в Узбекистане», «Ўзбек шаҳар шевалари таснифи», «Ўзбек шеваларида лексик мослик ва уларнинг адабий тилда нормасини белгилаш», «Ўзбек тилининг диалектологик атласи», «Об атласе узбекских народных говоров» каби муҳим илмий мақолалари билан диалектология фанининг кейинги тараққиёти йўналишини белгилашга улкан ҳисса қўшмоқда.

Худудий диалектларни атрофлича ўрганиш ишларини амалга оширишда профессорлар Ф.А. Абдуллаев, М. Мирзаев, А.Алиев, А. Шерматов, Б.Жўраев бажарган ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбек шевалари лексикасини ўрганишнинг йўналишини белгилашда С.И. Иброҳимовнинг ишлари етакчи роль ўйнайди.

Ўзбек диалектологиясида қипчоқ лаҳжаси ўзининг диалектал ва худудий хусусиятлари билан ажралиб туради. Қипчоқ диалектлари бўйича йирик илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олим Х. Дониёров ва Н. Ражабовлардир.

Ҳозирги вақтда ўзбек диалектологиясининг турли соҳалари бўйича иш олиб бораётган диалектологлардан Н.Ражабов, Қ. Муҳаммаджонов, О. Мадраҳимов, А. Жўраев Ш. Носиров, Й. Иброҳимов каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки номлари қайд этилган кишилар Тошкент, Қўқон, Қашқадарё, Хоразм (ўғуз), қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон республикасидаги ўзбек шеваланнинг фонетик, морфологик структураси, лексикаси, диалектал лексикасининг айрим қатламларини қиёсий-тарихий усулда ёритиш бўйича иш олиб бордилар ва бормоқдалар.

Шу билан бирга, ўзбек тилининг диалектологик атласини тузиш бўйича ҳам жиддий тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Назорат топшириқлари

1. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шеваларини ўрганган олимларнинг асарларини конспеклаштириш.
2. Миллий истиқлол ва ўзбек халқ шевалари мавзусида реферат ишнини ёзиш (ижодий ҳолда).
3. Ўзбек диалектологиясининг ярим асрлик ютуғи мавзусида диалектологик харита тузиш.
4. Ўзбек шеваланнинг 60-йиллардан сўнгги ютуқлари ҳақида фикрингизни ёзма баён қилинг.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Тошкент, 1978.
2. Ғози Олим. Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба. Тошкент, 1936.
3. Ражабов Н. Ўзбек тилшунослигининг 60 йиллик тараққиёти тарихидан. Самарқанд, 1982.
4. Шерматов А. Қашқадарёдаги ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1981.
5. Решетов В. Ўзбек шеваланнинг классификацияси. ЎТА, 1-сон, 1966.
6. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг кейинги 10 йиллик сонларидан ўзбек диалектологиясига оид қисмларини кенспектлаштириш.

4-МАВЗУ. ҚОРЛУҚ ЛАҲЖАСИ

Асосий саволлар:

1. Қорлуқ лаҳжасининг фонетик хусусиятлари.
2. Қорлуқ лаҳжасининг лексикаси.
3. Қорлуқ лаҳжасининг морфологик хусусиятлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Қорлуқ-чигил-уйғур, чигатой, турк-барлос, ўрта-ўзбек, Тошкент шеваси, Фарғона шеваси, Андижон шеваси, Наманган шеваси, Жиззах шеваси, Бухоро шеваси, Қарши шеваси, Қорлуқ лаҳжасининг фонетик

хусусиятлари, қорлуқ лаҳжаси лексикаси, қорлуқ лаҳжасининг морфологик хусусиятлари, қорлуқ лаҳжасидаги сўзларнинг ўз шевага муносабати ҳозирги адабий тилга муносабати.

1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади: Қорлуқ гуруҳ шевалар ҳақида маълумот бериш. Уларнинг фонетик хусусиятларини шарҳлаш. Бошқа лаҳжалар ва ўзбек адабий тили билан қорлуқ лаҳжасининг муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ҲУҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 1.1. Қорлуқ лаҳжаси ҳақида қисқача маълумот беради.
- 1.2. Қорлуқ гуруҳ шеваларининг унлилар тизимини шарҳлайди.
- 1.3. Қорлуқ гуруҳ шеваларининг ундошлар тизимини изоҳлайди.
- 1.4. Қорлуқ гуруҳ шеваларининг ўзбек адабий тили билан фонетик муносабатини белгилайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Қорлуқ лаҳжаси (Ш. Шоабдурахмонов бўйича, В.В. Решетов бўйича «қорлуқ-чигил уйғур», Е.Д. Поливанов бўйича «чиғатой», Ф.О. Юнусов бўйича «турк-барлос», А.К. Боровков бўйича «ўрта ўзбек» атамалари қўлланилади). Қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари билан бирга ўзбек тилининг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Қорлуқ лаҳжасини бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. **Фарғона гуруҳи** — Наманган диалекти (Наманган, Уйчи, Чортоқ шевалари кириб, улар уйғур тилига яқин), Андижон-Шаҳрихон диалекти (Андижон шаҳар шеваси, Шаҳрихон шеваси киради), Ўш-Ўзган диалекти, Марғилон-Қўқон диалектларини ўз ичига олади.

2. **Тошкент гуруҳи** — Тошкент (Пискент, Паркент, Қорахитой шевалари киради), Жиззах диалектларини ўз ичига олади.

3. **Қарши гуруҳи** — Қарши диалекти (Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яққабол шевалари) Самарқанд-Бухоро диалекти (Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Чуст, Косон шевалари)ни ўз ичига олади.

Қорлуқ лаҳжасининг унлилар тизими қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларининг унлилар тизимидан бирмунча фарқи кўзга ташланади. Буни қуйидаги жадваллардан аниқ илғаш мумкин.

Тошкент диалекти унлилар тизими

Тил олди	Индиферент	Тил орқа
Тор	(ы)у	у
Ярим тор	о	о
Кенг	э	э

Фарғона диалекти унлилар тизими

Тил олди	Индиферент	Тил орқа
Тор	<Ъ> (ь)	у
Ярим тор	е Θ	О
Кенг	э	а э

Андижон диалекти унлилар тизими

Тил олди	Индиферент	Тил орқа
Тор	<Ъ> <Ѧ>	у
Ярим тор	е Θ	О
Кенг	э	а э

Наманган диалекти унлилар тизими

Тил олди	Индиферент	Тил орқа
Тор	<Ъ>	у
Ярим тор	е {Θ}	О
Кенг	э	а э

Бу унлиларни ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар билан қиёслайдиган бўлсак, мазкур шеваларда унлилар адабий тилдагидан камроқ. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида худди эски ўзбек тилидагидек 9 унли товуш мавжуд. Аммо улар 6 та ҳарф билан «фодаланади».

Ўзбек шевалари ундош товушлар тизими жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Чунончи, Тошкент ва Фарғона гуруҳ лаҳжаларда лаб-тиш **ф** ва **в**, тил олди сирғалувчи **ж**, аффрикат **ц**, бўғиз **ҳ** ундошлари (ўқ.

Бу ундошлар табиатан ўзига яқин бўлган бошқа товушлар билан алмашади: **фойда** > **пәйдә**, **вагон** > **ввәгән**, **цирк** > **серк**, **ҳозир** > **хәзир**.

Лаб-лаб, жарангсиз [П] ундоши сўзнинг барча ҳолатида кела олади: **пәхта** / **пахта**, **ьпәк** / **ипак**, **қәп** / **қоп**. Фарғона лаҳжасида сўз ўртасида баъзан жарангиз п ундош жарангли в ундошига ўтиши мумкин: **Тәпа** > **төвә**.

Лаб-лаб, портловчи, жарангли {б} ундоши адабий тилда сўзнинг барча ҳолатда кела олгани ҳолда, лаҳжада сўз охирида учрамайди. Сўз охирида ва сўз бошида кўпинча **б** > **в** фонетик жараёни юз беради: **тәшбақа** > **тәшвәқә**, **ләб** > **ләв**, **хәбәр** > **хәвәр**.

Тошкент, Фарғона, Андижон шеваларида **б** > **м** фонетик жараёни мавжуд: **бунъ** > **мунъ**, **бурун** > **мурун**.

Самарқанд - Бухоро гуруҳ шеваларда лаб-тиш [Ф] товуши мавжуд: **афт**, **ҳафта**, **сафәл**.

Тошкент - Фарғона гуруҳ шеваларда [Ф] товуши [П] товушига ўтади: **кьфт** > **кьлт**, **касофат** > **кәсәпәт**.

Шаҳар гуруҳ шеваларда лаб-лаб, сирғалувчи, жарангли [в] ундоши адабий тилдаги ушбу товушдан деярли фарқ қилмайди: **вәдж** // **валдж**, **савуғ** // **савуқ**, **ьков** // **ьккав**.

Лаб-лаб, бурун, сонор М ундоши Тошкент лаҳжасида баъзан «в»га ўтади: **кўрдьмьз** > **кўрдьвуз** қ **кўрдьвзә**.

Андижон шевасида м>н жараёнини ҳам учратиш мумкин: **момәгулдьрәк** > **намәгулдьрәк**.

Фарғона, Андижон, Қўқон шеваларида м>п фонетик жараёни мавжуд: **борйәпмән** > **борйәппән**, **кетйәпмән** > **кетйәппән**.

Тил олди, жарангсиз т ундоши сўзнинг барча ҳолатида кела олади: **тыл-тил**, **қаттуғ** // **қаттық-қаттиқ**, **тәл-тол**.

Баъзан т>ч фонетик жараёни учрайди: **туш** > **чуш**, **тыш** > **чыш**.

Лаҳжада жарангли [д] ундоши сўз охирида унлидан сўнг кўпинча тушади ёки жарангсиз [т]га ўтади: **хурсанд** > **хурсән**, **баланд** > **бәлән**, **абад** > **әват**.

Тил олди, жарангсиз, аффрикат [ч] ундоши сўзнинг барча ҳолатида қўлланилади. **Чөл** || **чол**, **кечә**, **уч**. Лаҳжадаги [ч] ўзбек адабий тилида [с] ундоши билан алмашинади: **чәч**, **чәчуғ** (тошкент) // **чәч**, **чачық** (Фарғона) // **соч**, **сочиқ** (ўзбек адабий тилида).

Гил, олди, жарангли, аффрикат [Ж] ундоши сўзнинг барча ўрнида кела олади: **жәғ** // **жақ**, **пәнжә**.

Гил олди, сирғалувчи, жарангсиз [С] сўзнинг уч ҳолатида ҳам иштирок этади: **сәман** (Тошкент), **сәман** (Фарғона), **самән** (Бухоро).

Гил олди, сирғалувчи, жарангли [З] ундоши шаҳар гуруҳ шеваларда сўз охирида ярим жарангсизлашади: **йузә** (юз), **бьзә** (биз).

Гил олди, сирғалувчи, жарангсиз [ш] ундоши сўзнинг барча ўрнларида қатнашади: **шәмол** (Тошкент) **шәмал** (Фарғона) **шамол** (Бухоро) **бәш**.

Гил олди, сонор, бурун (н) ундоши сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олади: **нән**, **әнәр** (Тошкент), **нән**, **әнәр** (Фарғ). Тошкент шевасида кўшимчанинг бошидаги [н] ўзак охиридаги товуш билан мослашади: **тунь** > **тузъ**, **этнь** > **этъ**, **тәмнь** > **тәммъ**, **темирнь** > **темыррь**, **оқнь** > **оқкъ**, **ошнь** > **эшщъ**.

[қ, ғ, к, г] товушларидан олдин [н>н] фонетик жараёни юз беради: **юққәш** > **чәнқәш**, **қўнғиз** > **қонғыз**, **тўнка** > **тонка**, **сенга** > **сенгә**.

[б] товуши олдида [н>м] фонетик жараёни кўзга ташланади: **пәнбә** > **шәмбә**, **онбър** > **омбър**.

Гил олди, ён, жарангли [л] ундоши сўз боши, ўртасида, охирида қўлланилади: **ләгән**, **бәлә** // **бала**, **қол**.

Тошкент шевасида бир бўғинли сўзларнинг охирида (хусусан фисилларда) [л] ундоши қатъий эмас: **масалан** : **эл>о**, **бол>бо**, **қәл>қә**.

Сонор, титроқ, тил олди [р] ундоши сўз ичида баъзан [н] га ўтади: **кәриәй** > **кәннәй**, **турнә** > **туннә**.

Баъзан [р>т]жараёни учрайди: **бъртә** > **быттә**.

Тошкент шевасида кўплик кўшимчасидаги [р] нинг тушиш ҳолати учрайди: **бәләләр** > **бәләлә** || **бәллә**.

Гил ўрта, сирғалувчи, жарангли [й] ундоши сўзнинг ҳамма ҳолатида кела олади: **йәш** // **йәш**, **суйуғ** // **суйу**, **сой**.

Жарангсиз, портловчи, тил орқа [к] ундоши сўз боши, ўртаси, охирида қўлланилади: **кәк**, **ьккь** // **еккь**.

Тошкент шевасида кўп бўғинли сўзларда [э] ва [ъ] унлилардан сўнг [к] > [й] // [в] фонетик жараёни юз беради: **тәрәк** > **терәй**, **бьләк** > **бьләй**, **кучук** > **кучув**.

Гил орқа, жарангли, портловчи [г] ундоши сўз боши, сўз ўртасида келгани ҳолда, сўз охирида қўлланилмайди: **гәш** (гўшт), **егәр** (эгар).

Ўзлашган сўзларда сўз охиридаги [г] товуши [к] ёки [й]га алмашад **барг** (форс) **бөк** > **бөй**.

Сўз ўртасида [г>й] фонетик жараёни учрайди: **сыгър** > **сыйгър**.

Чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз [к] ундоши сўзнинг у ҳолатида ҳам кела олади: **қор** // **қар**, **тэкө** // **тақа**, **оқ**.

Тошкент шевасида кўп бўгинли сўзларда [к] товуши сўз охирида келмайди.

Сўз ўртасида жарангсиз ундошдан олдин баъзан [к>х]жараёни ю бериши мумкин: **тоқсан** > **тохсан** // **тоқсан**, **чъқсын** > **чъхсын**.

Баъзан [к] [ғ] ундошларнинг алмашилиши, баъзан [к>ғ] фонетик жараёни кўзга ташланади: **булоқ** // **булоғ** (Фарғона, Андижон) **булөг** // **булө** (Тошкент); **булөк** > **булагь**, **ортақ** > **ортагь**.

Чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз [х] ундоши ҳам сўзнинг ҳар уч ҳолатида кела олади: **хөт** // **хат**, **зөхчө**, **мьх** (Самарқанд, Бухоро).

Чуқур тил орқа, жарангли [ғ] ундоши шаҳар гуруҳ шеваларида сўзнинг барча ўрнида ишлатилади: **ғөз**, **төға**, **бөғ**, Тошкент шевасида жарангли [ғ] ундоши бир бўгинли сўзларда [ъ, у] қисқа унлилардан сўнг [туғ, йъғ] учрайди. Қолган ҳолатларда жуда кучсиз талаффуз этилади.

Тил орқа бурун [ц-нг] ундоши сўз ўртаси ва охирида кела олади: **йөңь** // **йөңь**, **чөң**.

Бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз [х] ундоши Тошкент шевасида кўпроқ [х] га мойилроқ талаффуз этилади.

Лаҳжадаги ундошлар жадвали

Лаб ундошлари:	П, Б, (Ф), В, М.
Тил олди:	Т, Д, Ч, Ж, С, З, Ш, (Ж), Н, Р.
Тил ўрта:	Й.
Тил орқа:	К, Г, Ҳ.
Чуқур тил орқа:	Қ, Ғ, Х.
Бўғиз:	Х, [Х].

Назорат топшириқлари

1. Қорлуқ лаҳжаси ҳақида билганларингизни баён қилинг (категория — билиш).

2. Қорлуқ гуруҳ шеваларининг унлилар тизимини шарҳланг (категория — билиш).

3. Шевалардаги унлиларни бир-бири билан қиёслашга ҳаракат қилинг (категория — билиш).

4. Шевалардаги унлилар тизимини адабий тилдаги унлилар тизими билан қиёсланг (категория — билиш).

5. Лаҳжадаги ундошлар тизимини изоҳланг (категория — билиш).

6. Ундошларда юз берадиган товуш жараёнларини шарҳланг (категория — билиш).

7. Ундошлар бўйича шевалараро муносабатни белгилашга ҳаракат қилинг (категория — билиш).

8. Ундошлар тизими юзасидан лаҳжа ва адабий тил муносабатини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — билиш).

2- асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қорлуқ гуруҳ шевалар лексик хусусияти ҳақида умумий маълумот бериш. Қавм-қариндошлик намалари юзасидан шарҳ. Ўз ва ўзлашган қатламлар ҳақида изоҳ. Лаҳжа лексикасининг баъзи ўзига хосликлари ҳақида.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

2.1. Қорлуқ лаҳжаси лексикаси ҳақида умумий тушунча.

2.2. Лаҳжадаги баъзи атамаларни шарҳлайди.

2.3. Лаҳжадаги ўз қатлам ва ўзлашган қатламлар ҳақида изоҳ беради.

2.4. Лаҳжа лексикасининг ўзаро ва ўзгаларга муносабатини белгилайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Қорлуқ лаҳжасига кирувчи шеваларнинг лексикаси хилма-хил ва бошқалар. Айни пайтда уларнинг лексик қатламлари ҳам турли-туман.

Улар турли даврларга хос бўлганидек, барча соҳаларга тегишли. Чунончи, лаҳжада қавм-қариндошлик атамалари ўзбек адабий тили билан баъзан умумийлик касб этганидек, айрим ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, **өтэ**// ўзбек адабий тилида **ота**, **әнө** // адабий тилда **она**, **оғыл** // ўзбек адабий тилида **ўғил**, **қыз** // ўзбек адабий тилида **қиз** ва бошқалар.

Шунингдек, айрим шеваларда баъзи атамалар ўзига хос тарзида қўлланилади. **Көтөтө** > **көттэ**: (<көттэ этэ) (анд.)-**бувө** (Тошкент), **көттәнө** (<көттэ энө), (Анд.)-**бувь** (Тошкент), **өлөкь**, **төгө**, **эмөкь**, **хөлө**, **кельн**, **куйөв**, **жыйөн**, **қайнөнө**, **қайнөтө**, **қайнгьль**, **қайнгьсьньл**, **қайшөгө**, **қайнөгөчь** ва бошқалар.

Турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда кишиларнинг ҳудудларда қайси соҳа билан шуғулланишига қараб, ўша соҳани акс эттирувчи атамалар кўп қўлланилади. Масалан, **қулун** (йилқининг бир ёшгача бўлган боласи), **кэлтэгэй** (бир ёшдан икки ёшгача), **ғунэн** (иккидан уч ёшгача), **донан** (учдан тўрт ёшгача), **бота** (туянинг бир ёшгача боласи), **тайлақ** (бир ёшдан икки ёшгача), **нар** (тўрт ёшгача эркак туя), **тоқлу** (икки ёшгача бўлган қўй), **ҳышшэк** (уч ёшгача) ва бошқалар.

Фарғона водийсида пахтачилик ривожланганлиги сабабли шу соҳага оид атамалар мўл. Масалан, **пэхта**, **ҳөппэк**// **лөппэк** (дўппак), **ғоза**, **шэнэбөрг** (шонабарг), **бешэмэк** (бешамак), **көсэк**, **көрөк**, **элақарақ** (олақароқ), **ьрджақ**(иржоқ), **чувьмэ** (чувима) ва бошқалар.

Ўлчов бирликлари: **пөйсэ** (пайса), **қадақ** (қадоқ), **бөтмөн** (ботмон), **төш** (тош), **чақьрм** (чақирим). Бу атамалар ҳозир асосан кексалар нутқида ишлатилади, холос.

Лаҳжа лексикаси туркий сўзлар (ўз қатлам) ва ўзлашган қатламдан ташкил топган.

Туркий қатлам: **Баш**, **йўрөк**, **бьр**, бор (Тошкент Андижон), **мөн** (Тошкент), **мен** (Андижон), **Ўғьл** (Тошкент), **оғул** (Фарғона, Андижон), **ўчө** (Тошкент), **очақ** (Фарғона), **ўпкө** (Тошкент), **өпкө** (Фарғона) **ўрө** (Тошкент), **орақ** (Фарғона), **ўрдөй** (Тошкент), **өрдөк** (Фарғона), **чөч** (Тошкент), **чач** // **чөч** (Фарғона, Андижон), **сьр** (Тошкент, Фарғона), **сәмән** (Тошкент), **сәман** (Андижон), **чьчқән** (Тошкент), **чьчқан** (Андижон), **тьлөй** (Тошкент), **төрө** (Тошкент), **тарақ** (Фарғона), **тузлу** (Тошкент), **узъм** (Тошкент), **ўзўм** (Фарғона), **көкрө** (Тошкент), **чугурчу** (Тошкент), **чьгьрчьқ** (Фарғона), **сьгьр** // **сьйьр** (Тошкент, Фарғона), **сумөй** (Тошкент), **шумөк** (Фарғона), **чунөй** (Тошкент), **тошөк** (Фарғона), **қулө** (Тошкент), **қулақ** (Фарғона Андижон), **қуду** (Тошкент), **қудуг** (Фарғона), **қарьш** (Тошкент), **пьчө** (Тошкент), **пьчақ** (Фарғона), **эру** (Тошкент), **арьқ** (Фарғона), **бешув** (Тошкент), **бөшьк** (Фарғона), **бутө** (Тошкент), **бутақ** // **путақ** (Фарғона), **бөлчу** // **бөлчуг** (Тошкент), **қөлқө** (Тошкент), **қалқак** (Фарғона), **өлмэ** (Тошкент, Фарғона), **эмөч** // **эмөш** (Тошкент, Фарғона), **өйө**, (Тошкент), **өйак** (Фарғона), **өгьз** (Тошкент, Фарғона), **егув** // **ўтув** (Тошкент), **енгөй** (Тошкент), **ьйөк** (Фарғона), **кьгьз** // **кьйьз** (Тошкент, Фарғона), **кьпрөй** (Тошкент), **кьрпьк** (Фарғона), **кьрпик** (МК. 1, 443), **көлөлөй** (Тошкент), **көлөлөк** (Фарғона), **көлөли** (МК.1, 149), **ьсьруғ** (Тошкент), **исрпқ** (МК.1.125), **жьр** (Тошкент), **йьр** (МК.1.313), **букьр** (Тошкент), **букрь**

(Фарғона), **бүкрп** (МК.1.366), **бутө** (Тошкент), **бутақ** (Фарғона), **бутақ** (МК.1.358), **бьлөй** (Тошкент), **бьлөк** (Фарғона), **блөк** (МК.1.366), **чучув** (Тошкент), **сучпк** (МК. 1.382), **уйөлдь** (Тошкент), **уйөлть** (Фарғона), **уйаттп** (МК.1, 222), **уиньқть** (Тошкент), **унуқтп** (МК.1.223), **екть** (Тошкент, Фарғона), **өкдп** (МК.1. 180), **ьшлөндь** (Тошкент), **пшлөлдп** (МК.1.290), **йө:ладь** // **йьгьладь** // **йьгьладь** (Тошкент), **пглагп** (МК. 1, 283), **бөрьш-кельш** (Тошкент), **көлиш-барпш** (МК.1, 351), **ьнөндьм** (Тошкент), **ьнөндпм** (МК, 1, 213), **ьстөдь** (Фарғона), **пстадп/пртадп** (МК, 1, 270), **элқьмөк** (Тошкент), **алқпшдп** (МК.1.240).

Габийки, лаҳжадаги ўзаро ёки ёдгорликлар билан юз берган рафювтулар сўзларда фонетик ўзгаришлар, фонетик жараёнлар билан кўпроқ боғлиқ. Баъзан сўзлардаги семантик маъно муносабати ҳам ўзаро тафовутни юзага келтирган.

Ўзлашган қатлам: Ўзлашган қатлам нафақат адабий тилда, балки диалектларда ҳам анчагина бўлиб, баъзан уларни аниқ қайси қатламга тегишлилигини аниқлаш ҳам қийин. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва диалект гуруҳ шеваларда шундай ўзлашган сўзлар мавжудки, улар худди ўз қатламидай бўлиб кетган. Масалан, **мөл** (Тошкент, Фарғона), адабий имлода **мол** (арабча), **мьхнөт** (Тошкент) адабий имлода **меҳнат** (арабча), **ғэм** (Тошкент), **ғам** (Фарғона) (арабча), **зэрьл** (Тошкент) адабий имлода **зарур** (арабча), **өзьз** (Тошкент, Фарғона), адабий имлода **өзиз** (арабча), **ьнөгөм** (Тошкент), адабий имлода **иньом** (арабча), **жувөп** (Тошкент, Фарғона) адабий имлода **жавоб** (арабча), **қьмат** (Тошкент), адабий имлода **қиммат** (арабча), **нөхт** (Тошкент), адабий имлода **нақд** (арабча), **умьр** (Тошкент) адабий имлода **умр** (арабча), **мө:лум** (Тошкент), адабий имлода **маьлум** (арабча), **хөвөр** (Тошкент), адабий имлода **хабар** (арабча), **хөйвөн** (Тошкент), адабий имлода **хайвон** (арабча), **дөрөх** (Тошкент), **дарақ** // **дарах** (Андижон, Фарғона), адабий имлода **дарахт** (тожикча), **лөдөн-нөдөн** (Тошкент, Фарғона), адабий имлода **нодон** (тожикча), **тез** (Тошкент, Андижон, Фарғона). Адабий имлода **тез** (тожикча), **бечөрө** (Тошкент), адабий имлода **бечора** (тожикча), **дөрийө** (Тошкент), **дөйрө** (Андижон). Адабий имлода **дарө** (тожикча), **шөхөр** // **шөэр** // **шө:р** (Тошкент), адабий имлода **шаҳар** (тожикча), **дос** (Тошкент), адабий имлода **дўст** (тожикча), **нөрх** (Тошкент), **нөх** (Андижон). Адабий имлода **нарх** (тожикча), **гош** (Тошкент), адабий имлода **гўшт** (тожикча), **мөйдон** (Тошкент) адабий имлода **майдон** (тожикча), **бөээр** (Тошкент), **бөзар** (Андижон). Адабий

имлода **базор** (тожикча), **дөкөн** (Тошкент), **дөкөн** (Андижон). Адабий имлода **дўкон** (тожикча), **чърә** (Тошкент), **чърак** (Андижон), адабий имлода **чироқ** (тожикча), **шөгут** (Тошкент), адабий имлода **шоғир** (тожикча).

Араб тилидан ўзлашган сўзлар шева вакиллари нутқида худди ўзбекчадек сингиб кетган. Масалан: **мъхнэтчъ** (Тошкент) (<ар.мехнат+ўзб-чи), **дэвлэтль** (<ар.давлат+ўзб-ли), **ғайрэтль** (<ар.ғайрат+ўзб-ли), **хэқсэз** (<ар.хэқ+ўзб.-сиз), **ьхтъйэтль** (<ар.эхтиёт+ўзб-лик), **рэзыльй** (<ар. Розы+ўзб.-лик), **мэмурчъль** (ар.маъмур+ўзб-лик), **шэхэпчэ** (<ар шаҳоб+ўзб-ча), **ҳазирги** (ар.ҳозир+ўзб-ги), **эньклэш** (<ар.аниқ+ўзб-лаш), **тэрбийэлэ** (<ар.тарбия+ўзб.-ла) ва бошқалар.

Лаҳжада араб сўзлари ўзагига тожикча қўшимчалар ёки арабча ва тожикча аралаш қўшимчалар қўшилган сўзлар ҳам учрайди. Масалан: **бетқат** (Тошкент) (< тож. Бе-+ ар.тоқат), **бепахъм** (< тож.бе-+ар.фаҳм), **бэлэгэрдэн** (< ар.+тож.), **вэсьйэтнэмэ** (< ар+ тож), **қъвлэгэй** (< ар+ тож), **аслзэдэ** (< ар+ тож), **қэвьшдўз** (< ар+ тож) ва бошқалар.

Ўзбек халқи билан тожик халқи жуда узоқ вақтдан буён яқин муносабатда бўлганлиги сабабли ўзбек тилига тожик тилидан жуда кўп сўзлар ўзлашган. Шаҳар гуруҳ шеваларда исм гуруҳида ва равиш туркумида арабча сўзлар анчагина. Масалан: Тошкент шевасида **эвэз** (адабий имлода овоз), **эйпэ** (адабий имлода ойна), **эгэ:** (адабий имлода огоҳ), **эрэм** (адабий имлода ором), **эрзъ** (адабий имлода орзу), **эптэв** (адабий имлода офтоб), **бэднэм** (адабий имлода бадном), **бэттэр** (имлода баттар), **бэзъм** (имлода базм), **бэндэ** (имлода банда), **бэнгъ** (имлода банги), **бэй** (имлода барг), **бъйэвон** (имлода биёбон), **беганэ** (имлода бегона), **бемэр** (имлода бемор), **бечэрэ** (имлода бечора), **қэлэндэр** (имлода қаландар), **дэрэмат** (имлода даромад), **дэш** (имлода дашт), **эндэзэ** (имлода андоза), **эндъшэ** (имлода андиша), **эрмэн** (имлода армон), **зэ** (имлода зоғ), **зэбэрдэс** (имлода забардаст), **нэрвэн** (имлода нарвон), **кэптэр** (имлода каптар), **гэрдэн** (имлода гардон), **гъйё** (имлода гиёҳ), **гэвхэр** (имлода гавҳар), **лэрзэ** (имлода ларза), **нэзэньн** (имлода нозанин), **навруз** (имлода навруз), **пэйэндэз** (имлода поёндоз), **пэймэн** (имлода паймон), **рэвэн** (имлода равон), **рэвшэн** (имлода равшан), **тэшнэ** (имлода ташна) ва бошқалар.

Тожик тилидан ўзлашган сўзлардан баъзилари айрим сўзларнинг имло бўлишига асос сифатида ҳам хизмат қилади. Масалан, **дутэрчъ** (тож.дотор+ўзб-чи), **раҳбэрльй** (тож.раҳбар+ўзб.-лик), **хурсэнчъльй** (тож.хурсанд+ўзб-чилик), **эврэль** (<тож.обру+ўзб-ли), **пэслэшъп** (тож.паст+ўзб-ла+ш+иб), **дэрэхсэз** (<тож. дарахт+ўзб-сиз) ва бошқалар.

Шевалар бир-бири билан нафақат фонетик, морфологик, балки лексик жиҳатидан ҳам баъзан фарқланади. Қиёсланг:

Тошкент шевасида:	Самарқанд шевасида:	Фарғона шевасида:
чөкөлө:	чақалоқ	бувөк
муч(ъ)чө	мусъча	мъсьсөчө
кўқонджухоръ	сарджуваръ	оқ жуғэръ
гөръмдэръ	қалампур	қалампър
довуччө	довучча	горө
қөлөмчө	қаламча	чъкөлдөк
арғъмчө:	арғунчак	хөйунчөк
лухэбө	бахмал	бөрқът
ўғур	ўгур	кель
гөшөнгө	чъмьлтъқ	чъмьлдъқ
арқон	арқон // арғамчън	арғамчъ
зөгъзгөн	алашэқшэқ	хөккө // әлөккө
тувө:	қапқақ	қапқақ
оргумчөй	төртанак	өрмөнчък
чөпчөй	матал	ертөк
чөкөй	жөқ	жағ
йельй	эстьнча	йенгъчө
нэрвөн	нэрбөн	шатъ
чумаль	морча	чумэльк
эғъз	фалла	пөллө

Назорат топшириқлари

1. Лаҳжанинг лексик хусусиятлари ҳақида фикр билдиришга ҳаракат қилинг (категория — идрок).

2. Қавм-қариндошлик атамаларини ўз шевангиз ва адабий тил билан қиёслаб шарҳланг (категория — идрок).

3. Касб-хунар лексикасини ўз шевага ва адабий тил билан қиёсан изоҳланг (категория — идрок).

4. Лаҳжадаги ўз қатламни изоҳланг. Уларнинг баъзиларини мумтоз тили миз билан қиёсланг (категория — идрок).

5. Ўзлашган қатлам ҳақида фикр билдиринг. Ўзлашиш сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг (категория — идрок).

6. Лаҳжага ўзлашган арабча сўзларни адабий тил билан қиёслаб изоҳланг (категория — идрок).

7. Тожиқ тилидан ўзлашган сўзларни адабий тил билан қиёсан шарҳланг (категория — идрок).

8. Арабча + Ўзбекча қолипни қандай изоҳлаган бўлардингиз (категория — идрок)?

9. Тожиқча + Ўзбекча қолипни шарҳланг (категория — идрок).

10. Лаҳжа лексикасидаги шевалараро фарқни кўрсатишга ҳаракат қилиб кўринг. Уларни адабий тил ва ўз шевага билан қиёсланг (категория — идрок).

3-савол бўйича ўқитувчи мақсади: Лаҳжанинг морфологик хусусиятини изоҳлаш морфологик жиҳатдан лаҳжа ва адабий тил муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 3.1. Лаҳжанинг келишиклар кўрсаткичини шарҳлайди.
- 3.2. Эғалик кўрсаткичларининг ўзига хослигини изоҳлайди.
- 3.3. Кўплик кўрсаткичларини ёритади.
- 3.4. Лаҳжада сўз ясаши масаласини тавсифлайди.

3-асосий саволнинг баёни:

Қорлуқ лаҳжаси келишиклар категорияси жиҳатидан ўзбек адабий тилидан фарқланади. Агар ўзбек адабий тилида 6 та келишик мавжуд бўлса, мазкур лаҳжада тўрт ёки бешта.

Тошкент шевасида

Унли товуш билан тугаган сўзга	Ундош товуш билан тугаган сўзга
Бош кел.
Қаратқич	-нъ, -лъ, -шъ,
Тушум кел. -нъ	-зъ ва бошқалар.
Жўналиш кел. -гә	-гә// -кә// -қә.

Ўрин-пайт кел. -дә

Чиқиш кел. -дән

-дә // -тә.

-дән// -тән.

Фарғона шевасида

Унли товуш билан тугаган сўзга

Бош кел.

Қаратқич

Тушум кел. -нъ

Жўналиш кел. -гә

Ўрин-пайт кел. -дә

Чиқиш кел. -дән

Ундош товуш билан тугаган сўзга

-дъ // -тъ

-гә// -кә// -қа.

-дә // -тә.

-дән// -тән

Қарши шевасида

Унли товуш билан тугаган сўзга

Бош кел.

Қаратқич тушум кел. -нъ

Жўналиш, Ўрин-пайт кел. -гә

Чиқиш кел. -дан

Ундош товуш билан тугаган сўзга

-нъ // -дъ // -тъ

-гә// -кә// -қа.

-дан// -тан // -ман.

Шаҳар шеваларида қаратқич келишиги қўшимчаси адабий тилдан фарқли равишда ўзакнинг табиатига қараб -нъ // -дъ // -тъ шаклида қўлланилади. Масалан: қарасънъ кўрсатмәй кеттъ (Тошкент), сьзнь оғъызгә мунасъп (Анд). Улардъ уч оғъ бар (Андижон) пьчактъ сапъ (Фарғона).

Айрим шаҳар шеваларида қаратқич-тушум келишик қўшимчаси — нъ // -дъ // -тъ. Масалан. Сен башъйнь тәртәсән (Андижон). Эйнь дәгънь эльп келәсән (Наманган). Өзъйдъ тутънг (Андижон).

Тошкент шевасида ўзакнинг қандай ундош билан тугашига қараб тушум келишиги қўшимчаси ўзгаради: қәпъ, тоқкъ, туттъ, тожжъ, көзъ, қолъ, сьммъ, темиррь, мьссь, мьххъ, ашпъ, чәччъ, оққъ, туғъ каби.

Шаҳар шеваларида жўналиш келишиги қўшимчаси ҳам турли шаклда қўлланилади. Масалан Тошкент, Фарғона шеваларида —гә (уйгә-уйгә), -кә (эткә), -қә (боққә).

Самарқанд-Бухоро, Қашқадарё вилоят шеваларида жўналиш келишиги кўшимчаси ўрин-пайт келишиги кўшимчасига мос келади: **эзынгте йоқ- элэмгә йўқ** (ўзингда йўқ, оламда йўқ).

Шаҳар шеваларида ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи ҳам кўп вариантлидир. Масалан: Тошкент, Фарғона шевасида –**дә** (баләдә), **тә** (оттә).

Самарқанд –Бухоро шеваларида ўрин-пайт келишиги жўналиш келишиги билан алмашади. Масалан, **бу эдамлар сань эдзынгте ным қыладь?** (бу одамлар сенинг олдингда нима қилади). **Ман уйгә едым** (мен уйда эдим). **Баччала мактабга окуйды** (болалар мактабда ўқийди). **Мактап шу қышлоққа** (мактаб шу қишлоққа).

Қарши шевасида ўрин-пайт келишиги жўналиш келишиги маъносидан қўлланилади. **Бу кыш Бухәрәйа йашайды** (Бу киши Бухорода яшайди).

Чиқиш келишиги кўрсаткичи шаҳар шеваларида ўзакнинг қайси товуш билан тугашига боғлиқ. Масалан. **-дән // -тән** (Тошкент. йердән, дәрәхтән), **-дан// -дән // -тан // -тән** (Фарғона. қолдан, көприктән), **-дан // -тан /л -нан.** (Қарши. баладан, қаламнан).

Шахс	Унли билан тугаган ўзакка		Ундош билан тугаган ўзакка	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	-М	-вуз// -уз -вузә// -вза	-ъм	-увуз// -уз// -ўз// -ўвўз// -ўвўзә// -зә// -узә
II	-нг (>й)	-йъз// ьз -йлә	-ынг (>й)	-ъйъз// -йъз// -ьз// -ъйлә
III	-сь	-сь	-ь	-ь, лугь// -лувь

Эгалик кўрсаткичлари ҳам шаҳар шеваларида ўзаро фарқланади. Чунончи, Тошкент гуруҳ шеваларида эгалик кўшимчалари қуйидаги кўринишга эга.

Лаҳжада эгалик кўрсаткичи нафақат отга, балки сифатдошга ҳам қўшилади: **йъярънь йеп, ьчәрънь ьчеп** – еярини еб, ичарини ичиб.

I шахс кўплик **-(у) вуз** кўшимчаси **-миз, -нимиз** кўшимчасидан лаблашиш натижасида келиб чиққан: **дәләмъз > дәләвуз, уйъмъз > уйувуз > уйўз** қиёсланг: **келдъмъз > келдувуз > келдуз > келдуз.**

Худди шундай ҳолат **нг** товушининг й ундошига ўтиши натижасида II шахс кўплигида – **(ъ) нгъз** нинг **-ъйъз** кўринишига ўтишида ҳам кўпна ташланади: **этәнъз > этәйъз; көзънъз > көзъз > көзъз. қиёсланг: бәрдънъз > бәрдъйъз > бәрдъз > бәрдъз.**

Лаҳжада сўзга эгалик кўшимчаси қўшилганда баъзан ўзакда фонетик ўзгариш содир бўлади. Жумладан **ъ** тушади: **қәрън > қәринъ > қәринънъ > қәринъм; қойън > қойън, қойън, қойънъм** (Тошкент).

у тушади: **бурун > буринъ, буринън, буринъм** (Тошкент). **ә** тушади: **шәҳәр > шәҳръ, шәҳрън, шәҳръм** (Тошкент). **қ** > **ғ** ҳодисаси юз беради: **ортәқ > ортәғъм, ортәғън, ортәғъм.** **к** > **г** ҳодисаси юз беради: **еләк > еләғъ, еләғън, еләғъм.**

Тошкент тип шеваларда эгалик кўрсаткичи кўплик кўшимчасидан ивкел қўшилиши ҳам мумкин: қиёсланг: **узъмъйлә, бәғъйлә** (Тошкент), **урумларън, бәғларън** (Фарғона). Лаҳжада абстракт эгалик кўрсаткичи ҳам **(-нъкъ // -дъкъ // -тъкъ)** мавжуд бўлиб, у қаратқич келишиги **ынъ, инъ** кўшимчасига **-ки** сўз ясовчи кўшимчасининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган: **мәнъкъ, сәнъкъ, бъздъкъ, бәшшъкъ, темърръкъ.**

Лаҳжада кўплик морфологик ва синтактик усул билан ҳосил елинади.

Ўзбек адабий тилидаги – **лар** кўплик кўрсаткичининг лаҳжада турли шакли мавжуд: **-лар** (Андижон қъзлар), **-ләр** (Андижон. гулләр), **-лә** (Тошкент эдәмлә), **-әр** (парк.бъзәр), **-ә** (Тошкент. бъзә).

Тошкент гуруҳ шеваларда шахс олмошларининг I ва II шахс кўплик кўшимчаси хилма-хилликка эга: **сьзлә// сьлә сьләр = сьзлә** (сьлә) **борънлә** (Жиззах) **сьләрды кым чакърды.**

Кўплик аффикси феълга ҳам қўшилади: **дәрйагә таш атмәнләр батәр кетәр** (Паркент) Тошкент шевасида мазкур кўшимча кўчма феълнинг **иб** равишдошли асосий қисмига қўшилади: **куръблә кесън** < **куръбләр кьтсьн.** Тошкент шевасида I шахс кўпликда – **мъз > - вуз**, II шахс кўпликда – **з** қўшилади: **көрдъмъз > көрдүвүз > көрдүз; бәрдъз.**

Тошкент шевасида **-луг** кўшимчаси эгалик кўрсаткичи билан биргаликда келиб кўплик ва ҳурмат маъносини ифодалайди: **өзлүгъ** (Фарғона)- **өзләръ, қойлугънъ бәқъшвәтгъ** (Тошкент)- қўйларини боқишяпти.

Тошкент шевасида қавм-қариндошлиқни ифодаловчи сўзларга қўшилиб, I ва II шахс эгалик кўшимчалари билан биргаликда ҳурмат

маъносини ифодалайди: **эйъмлә, бувъмлә; эйъйлә (< эйьдлә), бувъйлә (< бувьдлә).**

Кўпликни ифодалаш учун юқоридаги ҳолатда эгалик билан кўплик кўшимчаси орасига **-гъ** шаклини кўшиб, қиёсланг: **бுவәмлә, бувәйлә бувәмгьлә, бувәнгьлә, хәләмлә, хәләйлә=хәләмгьлә, хәләнгьлә; әнәмлә әпәйлә = әпәмгьлә, әпәнгьлә; әкәмлә, әкәйлә=әкә йл ә, әкәмгьлә, әкәнгьлә; тәғәмлә, тәғәмгьлә, тәғәнгьлә.**

Ўзбек тилининг қорлуқ лаҳжасида кўшимчалар кўшилиши (аффиксация) ва сўзларнинг ўзаро бирикиши (композиция) асосида сўз ясаиш муҳимдир.

- **ә** кўшимчаси: а) от ва сифатдан феъл ясайди: **й ә ш +ә** (Андижон, Фарғона) **ойнә, қыйна** (Тошкент), б) феъл негизидан равишдош ҳосил қилади: **көрә-турьп** (Андижон)//**көрә турьп** (Тошкент).

-**әй** кўшимчаси: а) сифат ва равишдан феъл ясайди: **әзәй** (Тошкент) // **озәй** (Фарғона, Андижон). б) сифат ва отдан от ҳосил қилади: **хәмәй** (Тошкент) // **хамәк** (Фарғона, Андижон).

- **әкь** отдан сифат ясайди: **ә:зәкь** (Тошкент). **йүзәки** (Андижон).

- **әлә** сондан жамловчи сон ясайди: **төрәләсь** (Андижон, Фарғона).

- **әгән** феъл негизидан сифат ясайди: **сузәгән, қәпәгән** (Тошкент), **сузәхән** (Андижон).

- **ай (әй):** **кәпәй, кәмәй,** (Бухоро).

- **ба, -ба** – сифат ясайди: **бақувват, бама:нь** (Бухоро), **бәсәвләт, бәдәвләт** (Тошкент).

- **банд:** **хунарбанд** (Бухоро).

- **бе** - отдан сифат ва равиш ясайди: **бевана** (Андижон), **бесәвьр** (Тошкент).

- **бәз** отдан от ясайди: **кафтарбәз** (Бухоро).

- **бән** отдан от ясайди: **сарайбән, дарбәзабән** (Бухоро).

- **бәф** от ясайди: **гиламбәф** (Бухоро)-гилам тўқувчи.

- **ван:** **меҳръван** (Андижон).

- **вәз:** **дәрвәз** (Тошкент).

- **вән:** **түрәвән** (Тошкент)- **түрәзбән, дарвәзвән** (Бухоро)-**дарвәзабән, әйәлвән** (Тошкент)- **әйлманд.**

- **вәт:** **кетвәтть** (Тошкент).

- **гәр** отдан от ясайди: **савдагәр** (Андижон)//**сәвләгәр** (Тошкент) **сәвьнгәр** (Тошкент).

- **гәчә** сон ва равишдан равиш ҳосил қилади: **ертәгәчә, йүзгәчә** (Тошкент).

- **гәчәйьн:** **кечкәчәйьн, сәгәт бешкәчәйьн** (Тошкент).

- **гәчән:** **ертәгәчән, йүзгәчән** (Тошкент).

- **гәчәвур:** **ертәгәчәвур** (Фарғона).

- **гар:** **заргар, мьсгар** (Бухоро).

- **гьр:** феълдан сифат ясайди: **сезгьр** (Андижон, Тошкент).

- **гәр:** отдан от ясайди: **дурәдгәр** (Тошкент).

- **гу (н)дәй** феъл негизидан равиш ясайди: **өлгү (н)дәй** (Тошкент).

- **дәй:** **йүгьрдәй** (Тошкент). **Сәндәй** (Тошкент).

- **дәкәм:** **рәстәкәм** (Тошкент).

- **дар:** **нақшдар** (Андижон).

- **даш:** **йолдаш** (Андижон).

- **дьгән** ҳозирги – келаси замон сифатдоши ясайди: **кетәдгән** (Тошкент, Андижон), **ўғузда:-даган: гәлцаган, барадагән.**

- **дәк:** а) отдан от ясайди: **галладән** (Андижон), **сьйә: дән** (Тошкент)- **галладон, сиёхдон;** б) отдан сифат ясайди: **бьлгьмдән** (Тошкент).

- **дәр:** отдан сифат ясайди: **пуддәр** (Тошкент), **дөкәндәр** (Бухоро).

- **дәқ:** а) феълдан от ясайди: **күндәқ (<күндә:)** (Тошкент), б) кўрсатиш оломшдан равиш ясайди: **бундақ//мундәқ (> мундә:)** (Тошкент).

- **доз:** отдан от ясайди: **топгьдоз** (Тошкент), **зардоз** (Бухоро).

- **ь:** а) отдан феъл ясайди: **бәйь** (Андижон, Тошкент), б) исмдан сифат ясайди: **бузукь** (Тошкент).

- **ьк.** Феълдан сифат ва от ясайди: **тепгьк, әльк** (Андижон), қиёсланг: қипчоқ лаҳжасида **кәсиқ, сынық.**

- **ьлдәқ.** товушга тақлид сўзлардан от ва сифат ҳосил қилади: **шәқьлдәқ (>шөқьлдәқ)** (Тошкент).

- **ьллә.** Товушга тақлид сўзлардан феъл ясайди: **вьзьллә** (Тошкент, Андижон).

- **ьм** феълдан от ясайди: **терьм, орьм, кьйьм** (Тошкент).

- **ьндь** феълдан от ясайди: **қьрьндь** (Тошкент, Бухоро).

- **ьп** феъл негизидан ўтган замон равишдошини ясайди: **чертип** (Андижон), **корип** (Тошкент), қиёсланг: қипчоқ лаҳжасида **сорал, чыгып, сүйүнүп** (суйинип).

- **ьш** а) феълдан ҳаракат номи ясайди: **оқьш** (Тошкент).

- **ьчыш** (Андижон) қиёсланг: ўғуз лаҳжасида **-мақ //-мәк:**

- **оқымақ, гәлмәк.** б) феълнинг биргалик нисбатини шакллантиради: **йувъш** (Андижон).

- **ъш** (Тошкент) в) сифатнинг озайтирма шаклини ясайди: **көкъш** (Андижон, Фарғона), **көкъш** (Тошкент).

- **ь:** **бузуқъ** (Андижон, Фарғона), **қышлақъ.**

- **ылдақ :** **шақылдақ** (Андижон).

- **й:** **күрәй** (Тошкент)- **курак.**

- **йәп** ҳозирги замон феълни ҳосил қилади: **ъшлэйәптъ.** Тошкент лаҳжасида **вәттъ:ъшлэвәттъ** қипчоқ лаҳжасида **-жатыр// йатыр:баражатир, чыгайатыр.**

- **кән** феъл негизидан ўтган замон сифатдошини шакллантиради: **кечъккән, кеткән** (Тошкент).

- **кәнчә:** **кечъккәнчә, кеткәнчә** (Тошкент).

- **кәчә:** **кечкәчә, ўчкәчә** (Тошкент).

- **кәчән:** **ўчкәчән** (Тошкент).

- **кәчәвур:** **кечкәчәвур** (Фарғона).

- **кәш:** **отдан от ясайди: йүккәш** (Фарғона, Андижон), **чъзмәкәш** (Тошкент).

- **каш:** **сураткаш, пылакаш** (Бухоро).

- **мәк:** **көкмәк** (Фарғона, Андижон).

- **мән, -мән:** сифатдошдан от ва сифат ясайди: **хүнәрмән** (Тошкент), **быләрмән** (Андижон, Фарғона), **быләрмән** (Тошкент) **иййәр-мән- ьчәрмән** (Тошкент).

- **мәқчъ** истак маъносини ифодаловчи феъл ясайди: **кемәқчъ** (Тошкент) қипчоқ лаҳжасида **- мәқчин// -мақчын// -маҳчын: кәмәқчин, айтмақчын// айтмаҳчын.**

- **әп:** **қъләпту** (Бухоро), **қъвәттъ** (Тошкент)- **вәттъ.**

- **ут:** **келуттъ** (Наманган).

- **хуш** — **отдан сифат ясайди: хушбъчъм** (Тошкент).

Қорлуқ лаҳжасида юқоридаги қўшимчалар сўз ва шакл ясаганидек бундан бошқа жуда кўп қўшимчалар ҳам шу маънода қўлланилади.

Қорлуқ лаҳжасида сўзлар синтактик усул билан ҳам ҳосил қилинади. Масалан: **қара йалақ** (Фарғона), (Тошкент **чугурчуг**), **пәтмә чъмчъқ** (Андижон), (Тошкент **жъбләжъбән**), **бъзәвәш** (Тошкент)-**бузоқ боши, ўчә:вәшъ** (Фарғона)-ошхона ва бошқалар.

Назорат топшириқлари

1. Қорлуқ лаҳжасидаги келишиқ кўрсаткичларини шарҳланг (категория — анализ).

2. Қорлуқ лаҳжасидаги келишиқ кўрсаткичларининг бошқа лаҳжаларга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

3. Лаҳжадаги келишиқ кўрсаткичларининг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

4. Қорлуқ лаҳжасидаги эгалиқ кўрсаткичларини изоҳланг (категория — анализ).

5. Қорлуқ лаҳжасидаги эгалиқ кўрсаткичларининг бошқа лаҳжаларга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

6. Лаҳжадаги эгалиқ кўрсаткичларининг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

7. Қорлуқ лаҳжасидаги кўплиқ кўрсаткичларини шарҳланг (категория — анализ).

8. Қорлуқ лаҳжасидаги кўплиқ кўрсаткичларининг бошқа лаҳжаларга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

9. Лаҳжадаги кўплиқ кўрсаткичларининг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

10. Қорлуқ лаҳжасидаги сўз ясовчи қўшимчаларни матндан ажратиб шарҳланг (категория — анализ).

11. Қорлуқ лаҳжасидаги шакл ясовчи қўшимчаларни матндан ажратиб изоҳланг (категория — анализ).

12. Қорлуқ лаҳжасидаги сўз ясовчи қўшимчаларнинг бошқа лаҳжаларга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

13. Лаҳжадаги сўз ясовчи қўшимчаларнинг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

14. Қорлуқ лаҳжасидаги шакл ясовчи қўшимчаларнинг бошқа лаҳжаларга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

15. Қорлуқ лаҳжасидаги шакл ясовчи қўшимчаларнинг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).

Талабалар учун мустақил иш топшириқлари:

1. Қорлуқ лаҳжасида турли соҳаларга оид юзта сўз ёзиш. Уларнинг адабий тилда қўлланиш, қўлланмаслик ҳолатини белгилаш. Сўзларнинг маъноларини изоҳлаш.

2. Қорлуқ лаҳжасига доир йиғирмата мақол, йиғирмата ибора ёзиб келиш. Уларнинг адабий тилдаги шаклдошларини топиб шарҳлаш.

3. Қорлуқ лаҳжасига ҳос битта эртакни транскрипцияда ёзиш.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. *Шоабдурахмонов Ш.* Карлукское наречие узбекского языка. Т.: «Фан» 1983.

2. Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошк.: 1962.

3. Зиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеvasи. Тошкент, 1980.

4. Юхимов С.И. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. Тошкент, 1967.

5. Рматов А. Қашқадарё ўзбек шевалари. Тошкент, 1972.

6. Ев А.Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Тошкент, 1991.

7. Сабоов Н. Ўзбек тилининг Фарбий Самарқанд шевалари. Тошкент, 1977.

АВЗУ. ҚИПЧОҚ ЛАҲЖАСИ ВА УНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ади саволлар:

1. Қипчоқ лаҳжаси. Унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муноси.

2. Қипчоқ лаҳжасининг унлилар тизими, унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек бий тилига муносабати.

3. Қипчоқ лаҳжасининг ундошлар тизими, унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.

4. Фетик жараёнлар.

5. Оҳангдошлик.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Қипчоқ лаҳжаси, адабий тил, ҳозирги ўзбек адабий тил, эски ўзбек тили, қипчоқ лаҳжаси ҳақида умумий маълумот, товуш ва ҳарф муносабати, қипчоқ лаҳжасидаги унлилар тизими, уларнинг эски ўзбек тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасидаги ундошлар тизими, уларнинг эски ўзбек тилига муносабати, ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати, фонетик жараёнлар, эски ўзбек тилига муносабати, оҳангдошлик, қипчоқ лаҳжасида оҳангдошлик, оҳангдошликда қипчоқ лаҳжаси ва эски ўзбек тили муносабати, оҳангдошликда қипчоқ лаҳжаси ва ҳозирги ўзбек адабий тили.

1-асий савол бўйича ўқитувчининг мақсади: Ўзбек тилининг кўп лаҳжаллиги ҳақида тасаввур бериш. Қипчоқ лаҳжаси юзасидан фикр билдир. Қипчоқ лаҳжасининг эски ўзбек тилига муносабатини

белгилаш. Қипчоқ лаҳжасининг бошқа туркий тилларга муносабатини белгилаш. Қипчоқ лаҳжасининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

1.1. Ўзбек тилининг кўп лаҳжаллиги талабаларда тасаввур уйғотади.

1.2. Қипчоқ лаҳжаси ҳақида умумий маълумот беради.

1.3. Қипчоқ лаҳжасининг эски ўзбек тилига муносабатини белгилайди.

1.4. Қипчоқ лаҳжасининг бошқа туркий тилларга муносабати ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

1.5. Қипчоқ лаҳжасининг ўзбек адабий тилига муносабатини шарҳлайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Дунёдаги кўп тиллар ва уларнинг лаҳжалари муносабатини дароҳ ва бутуқларга менгаш мумкин бўлса, ўзбек тили ва унинг лаҳжалари ўртасидаги муносабатни тизма тоғларга ўхшатиш мумкин.

Ўзбек тили турли мустақил лаҳжаларнинг тадрижий бирикуви натижасида пайдо бўлгандир. Дунё тиллари орасида кўп лаҳжаллиги билан ажралиб турувчи ўзбек тили ҳамда унинг шевалари ўртасидаги муносабатлар ҳақида туркий тиллар грамматикасининг билимдони профессор Е.Д. Поливанов ўз вақтида шундай ёзган эди:

«Ўзбек тили (ўзбек диалектларининг бир бутун йиғиндиси шифатида) ягона системанинг, ҳеч қачон амалда бўлмаган ўзбек тилининг диалектологик парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган». Дарҳақиқат шевамуносабатларимизнинг кўп йиллик тадқиқотлари ўзбек умумхалқ тилининг йирик мустақил лаҳжанинг бирикувидан ташкил топганини исбатлайди:

1. Қорлуқ-чигил ёки ўрта ўзбек лаҳжаси.

2. Қипчоқ ёки соф ўзбек (Е.Д. Поливанов атамаси) лаҳжаси.

3. Ўғуз лаҳжаси.

Кўпгина тарихий манбаларда, Турон заминининг кечмишини тасвирловчи қадимий ҳўлёмаларда Дашти Қипчоқ фуқаролари

Ўзбеклар деб аталганлиги бугунги тарихчиларимиз томонидан ҳам таъкидланмоқда. Айни пайтда, бир қатор олимлар тасаввуфнинг турондаги асосчиларидан бўлмиш Хўжа Аҳмад Яссавий асарларини ва бадиий сўз жозибасининг гўзал намунаси бўлмиш «Муҳаббатнома» достонини қипчоқ лаҳжасига нисбат бериб изоҳлайдиларки, бундай маълумотлар, бир жиҳатдан, қипчоқ лаҳжасининг жуда қадимий ва кенг ҳудудга тарқалганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг ўзбек умумхалқ тилини шакллантиришдаги ҳақиқий ўрнини белгилашга ҳам ёрдам беради.

XIII—XIV асарларда ўзбек тили тараққиётига қипчоқ лаҳжасининг катта таъсири борлиги махсус луғатларда ҳам ўз аксини топган. Маъноси ўша қадимий луғатларда ҳам изоҳланган **қыпыр** эгри, **ийак-чакак**, **тамақсов** — очкўз, **санров** — қар (аттуҳфа — туз) сингари жуда кўплаб сўзларнинг ҳозиргача қипчоқ лаҳжасида кенг қўлланилиши ҳам бу лаҳжанинг жуда қадимий, яшовчан ва ифода имконияти кенг эканлигини кўрсатади. Мавлоно Лутфий, ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва улар замондоши Муҳаммад Солиҳ сингари даҳо адиблар асарлари тилида қипчоқ тили унсурларининг бот-бот учраб туришини ҳам қўшадиган бўлсак, умуман бу гуруҳ лаҳжаларининг эски ўзбек адабий тили тараққиётида бениҳоя катта ўрин тутганлигининг гувоҳи бўламиз.

Аслида, амалдаги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам қипчоқ лаҳжасининг таъсири биз тасаввур қилганимиздан бир неча бор кучлироқдир. Зеро, ҳар қандай маҳаллий лаҳжа тилнинг қуйи шакли бўлиб, у адабий тилнинг бойиши учун асос, туганмас манбадир. Афсуски, бизнинг тилшунослигимизда тилнинг тараққиётини сунъий тарзда тезлаштиришга интилиш, худди мулкни умумлаштиришга шошилганимиз сингари умумий тилга эга бўлишга шошилиш тенденциясининг узоқ вақт ҳукмрон бўлиб келиши натижасида адабий тил маҳаллий шевалардан-лаҳжалардан ажралиб қолди. Аксар ҳолларда, адабий тил лаҳжаларга, айрим маҳаллий лаҳжалар бир-бирларига қарши қўйилди. Бу ҳол, ўз навбатида, адабий тилни ҳар жиҳатдан камбалғаллаштиради, лаҳжаларни эса, ўз қиёфасидан маҳрум бўлиш, кишилиқ хотирасидан унут бўлишга сабаб бўлди. XX асрнинг 20—90-йилларида ўзбек тили, асосан, ташқи омилларга таяниб ривожланди. Тилимизга рус тили ва у орқали Европа тилларидан жуда кўплаб сўзлар кириб келди. Шевадаги минглаб

ифодалар, ўзимизнинг асрлар мобайнида яратган миллий бонлигимизни четга суриб қўйилди. Мана шу носоғлом вазиятни Ўртағарф қилиш керак бўлган фурсат етиб келди. Жумҳурият ҳудудидаги барча лаҳжаларни, жумладан қипчоқ лаҳжасини ғоят ёпиқчиқлаб ўрганиб чиқиш ва улардаги кўплаб сўзларни, идеоматик ибораларни адабий тил хазинасига қўшиш тилшуносларимиз олдида турган энг зарур вазифалардан биридир. Чунки қипчоқ лаҳжалари мусоиятлари таъкидланганидек, аввало эски ўзбек тилида, ўша даврда йиқилган манбаларда берилган. Иккинчидан, бошқа лаҳжалар каби қипчоқ лаҳжаси ҳозирги ўзбек адабий тилини бойитиб турибди.

Назорат топшириқлари

1. Ўзбек тилини лаҳжалари нуқтаи назардан тавсифланг (категория — билиш).
2. Ўзбек умумхалқ тилини гуруҳлаштиришга ҳаракат қилинг (категория — билиш).
3. Қипчоқ лаҳжасининг тарихига бир назар ташлаб изоҳланг (категория — билиш).
4. Эски ўзбек тилига қипчоқ лаҳжасининг муносабатини белгиланг (категория — билиш).
5. Қипчоқ лаҳжасининг бошқа туркий тилларга муносабатини белгилашга уриниб кўринг (категория — билиш).
6. Қипчоқ лаҳжасининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати ҳақида фикрингизни баён қилинг (категория — билиш).

2-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларни шарҳлаш. Уларнинг бошқа туркий тилларга муносабатини белгилаш. Унлиларнинг тадрижий тараққиётини кўрсатиш эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилга муносабатини кўрсатиш талабаларда унли товушлар изоҳига, шарҳига нисбатан фикр уйғотиш. Уларни мулоҳаза қилишга етаклаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 2.1. Қипчоқ лаҳжасидаги унли товушларни шарҳлайди.
- 2.2. Ҳарф ва товуш ўртасидаги муносабатни белгилайди.
- 2.3. Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларнинг бошқа туркий тиллардаги унли товушларга муносабатни изоҳлайди.
- 2.4. Унли товушларнинг тадрижий тараққиётини таҳлил қилади.

2.5. Қипчоқ лаҳжасидаги унлилар билан эски ўзбек тилидаги унлиларни қиёслайди.

2.6. Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлиларга муносабатини белгилайди.

2.7. Унли товушлар ҳақида бир хулосага келишда талабаларга қўмаклашади.

2- асосий саволнинг баёни:

Қипчоқ лаҳжасининг барчасида тўққиз унлилик тизими амал қилади. Бу жиҳатдан қипчоқ лаҳжаси қипчоқ гуруҳидаги (қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз каби) бошқа туркий тиллар билан умумийлик касб этади.

Қипчоқ лаҳжасидаги тўққиз унлилик тизими унинг эски туркий ва эски ўзбек тилининг тадрижий давоми эканлигидан ҳам далолат беради. Чунки эски туркий ва эски ўзбек тилида ҳам тўққиз унлилик тизими бўлган.

Булар: и, ы, э, а, ә, ө, о, у, ў.

Ә унлиси тил олди, кенг, лабланмаган товуш:

Өзгә, кәм, әкә, кәтгә, кәл, әнә, әммә каби. Эски туркий (әдгү-яхши, әб-уй, сәкиз- саккиз), эски ўзбек (әйләсә, өзгәләр (Навоий), шәрмәндә ликтин, кәтмәсә, көктә әнә (Лутфий)) тилларда ҳам бу товуш фаол бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланилмоқда.

а унли тил орқа, кенг, лабланмаган унли : ал, бар, қал, баба, таға, тақ, чақ, айт. Эски туркий (адағ// айағ («Девон»), қаған (Девон)), эски ўзбек (шафтолу, қашу, жан, алмаға (Лутфий)) тилларида ҳам фаол бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам сўзнинг барча ўрнида қатнашади.

ә унлиси мустақил товуш сифатида эски туркий тил давридан бошлаб шаклланган бўлиб, унинг юзага келишида кенг, тил олди, лабланмаган ә товушнинг нисбатан торайиши, ҳамда тор, лабланмаган и унлисининг кенгайиши муҳим аҳамият касб этган. ә товуши асосида энинг шаклланишининг ҳозирги туркий тилнинг барчаси, хусусан ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси тўлиқ исботлайди. Агар ҳозирги ўзбек тилидаги м ә н, с ә н кишилиқ олмошларидаги сўз ўртасида келувчи ўрта кенг ә унлисининг тарихан тор и товуши бўлганлигига эътибор берсак, айрим ҳолатда энинг шаклланишида и товушининг ҳам асос бўлганлигини сезамиз.

Эски ўзбек тили даврида э унлиси мустақил фонема сифатида ишлатилиб, аксарият асл туркий сўзларнинг биринчи бўғинида қўлланади.

*Мәни мән истаган киши өз сүхбатигә аржуманд этмәс,
Мәни истәр кишиниң сүхбәтин, көндүм писәнд этмәс.*

(Навоий).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва ўзбек халқ шеваларининг аксариятида бу товуш ишлатилади. Бироқ бу товушнинг талаффузида аксарият шевалараро маълум даражада фарқ бор. Чунончи, шаҳар ва шаҳар ширидаги шеваларда бироз ёпикроқ, қипчоқ лаҳжасида эса очикроқдир. Масалан, Тошкент, Марғилон, Наманган шеваларида **б е р, е н д и, е р к ә й, е р к ә к**, қипчоқ лаҳжаларида **ә н д и, э р к ә к, ч ә п к ә н, ә н ә**, адабий имлода **б е р, ә н д и, э р к а к, ч е к м а н, о н а**.

Тил олди, тор, лабланмаган **И** ва тил орқа **Ы** унлилари эски туркий (сызды – чизди, **сызлады** – зирқиратди, **сын-** қомат, **сыр-** сир, буюқ, сиз- хурмат маъноси, сирка-бошдаги бит сиркаси- «Девон») ва эски ўзбек тилида мустақил фонема бўлган.

Ўзида оҳангдошликнинг танглай уйғунлигини тўлиқ сақлаб қолган эски туркий (масалан, қозоқ, қорақалпоқ) тилларда шунингдек қипчоқ лаҳжаларида тил олди **И** ва тил орқа **Ы** унлилари эски ўзбек тилидагидек алоҳида мустақил икки товушдир. Қипчоқ шева вакиллари **тыш** (ташқари)- **тиш** (кишининг тиши); **ыс** (курум) -**ис** (ҳид); **сыз** (сиз)-**сиз** (сиз) сўзларидаги **Ы** ва **И** товушларини фарқли талаффуз надиладар.

Эски туркий тил даврида тўртта лабланган унли товуш мавжуд бўлган. Буни Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғатит турк» асарида махсус таъкидлаб кўрсатади қиёсланг: **ў л ў ш** –ҳисса (тил олди қилиб талаффуз этилади), **у л у ш** (тил орқа қилиб талаффуз этилади, хуриш, вақирриш, фарёд); **өч**- интиқом, **ўч** (тил олди қилиб талаффуз этилади), **от-ўт**, олов-от деган билан **оғиз** қуймас (тил орқа қилиб талаффуз этилади).

Эски ўзбек тилида ҳам бу тўрт лабланган унли алоҳида фонема бўлганлиги Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн»ида чиройли ифоҳланган. Ўзида оҳангдошликнинг танглай уйғунлигини сақлаб қолган қипчоқ лаҳжасида кўпгина туркий (қозоқ, қорақалпоқ, нўғай ва б.) тилларидагидек, бу тўрт лабланган унли мустақил фонема

саналади. Бу шева вакиллари ҳам худди тилимиз тарихидагидек уларни бир-бирдан жуда осон ажратадилар. Қиёсланг: **От** — ўтишга буйруқ (тил орқа); **Өр**-сочни ўриш, қиёлик(унли тил олди); **Ор**-бедани ўрмоқ (тил орқа); **т ө р** — уйнинг тўри (тил олди), **т о р** — бали тутадиган ускуна (тил орқа); **Өз**-ўзлик олмоши (тил олди), **Оз**-ўзишга буйруқ (тил орқа); **б ө з** — материал (тил олди), **боз**-майса, ранг (тил олди); **ўч-з** (тил олди) **уч**-учмоқ (тил орқа); **т ў т ў н** — мўрининг тутуни (тил олди), **т у т у н**-ака-ука тутунмоқ (тил орқа); **тўр**-хил энгни туриш (тил олди) **т у р** -ўриндан турмоқ (тил орқа); **б ў р** — ҳас уят, беданинг гули, барги (тил олди), **бур** — машинани бурмоқ (тил орқа).

Ўзбек адабий тилида ҳам бу унлилар яхши фарқланади. Улар мустақил тўртта товуш. Бироқ икки ҳарф билан ифодаланганлиги сабабли кўлда мазкур товушлар ҳарф билан чалкаштирилади.

Унли товушларнинг тадрижий тараққиётини шундай кўрсатиш мумкин.

Эски туркий тилдаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тўғри йўналишига кўра	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тик ҳаракатига кўра				
Тор	И	Ы	Ў	У
Урта кенг	Э		Ө	О
Кенг	Ә	а		

Эски ўзбек тилидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тўғри йўналишига кўра	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тик ҳаракатига кўра				
Тор	И	Ы	Ў	У
Урта кенг	Э		Ө	О
Кенг	Ә	а		

Қипчоқ лаҳжасидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тўғри йўналишига кўра	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тик ҳаракатига кўра				
Тор	И	Ы	Ў	У
Урта кенг	Э		Ө	О
Кенг	Ә	а		

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тўғри йўналишига кўра	тил олди	тил орқа	тил олди	тил орқа
Тилнинг тик ҳаракатига кўра				
Тор	И	Ы	Ў	У
Урта кенг	Э		Ө	О
Кенг	Ә	а		

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасидаги унли товушларни изоҳланг (категория — анализ).
2. Лаҳжадаги унлиларни бошқа туркий тилдаги унлилар билан қиёслашга ҳарakat қилинг ва хулоса чиқаринг (категория — анализ).
3. Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларни эски туркий тилдаги унлилар билан қиёслаб изоҳланг (категория — анализ).
4. Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларни эски ўзбек тилидаги унлилар билан қиёслаб, фикрингизни билдиринг (категория — анализ).
5. Унли товушдаги тадрижий тараққиётни лаҳжа материали асосида қандай шарҳлаган бўлардингиз (категория — анализ)?
6. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳарф ва товушлар муносабати унлилар билан ифодалашга, изоҳлашга қандай таъсир этаётганлигини изоҳлашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).
7. Қипчоқ лаҳжасидаги унлиларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлиларга муносабатини аниқ белгилай оласизми (категория — анализ)?
8. Жадвалларни қиёслаш асосида унли товушлар юзасидан ўз хулосаларингизни баён этинг (категория — анализ).

3-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ лаҳжасидаги унлилар тизими бўйича тушунча бериш. Уларнинг эски туркий, эски ўзбек тилига муносабатини белгилаш. Қипчоқ лаҳжасининг бошқа туркий ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатини изоҳлаш.

ИДЕНТИВ ҲУҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 3.1. Қипчоқ лаҳжасидаги ундош товушлар ҳақида тушунча беради.
- 3.2. Қипчоқ лаҳжасидаги ундошларнинг бошқа лаҳжалардаги ундошларга муносабатни белгилайди.
- 3.3. Қипчоқ лаҳжасидаги ундошларнинг эски туркий, эски ўзбек тилидаги ундошларга муносабатини аниқлайди.
- 3.4. Қипчоқ лаҳжасидаги ундошларнинг бошқа туркий тилларга муносабатини изоҳлайди.
- 3.5. Қипчоқ лаҳжасидаги ундошларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилдаги ундошларга муносабатини кўрсатади.

3- асосий саволнинг баёни:

Ўзбек халқ шеваларининг ундошлар тизими асосан бир-бирига тўғри келади. Бироқ улар маълум даражада ўзаро фарқланадилар ҳам. Қипчоқ лаҳжаси ҳам й-ловчи, ж-ловчи гуруҳларга ажралганлиги сабабли баъзан уларнинг ўзида қисман тафовут кўзга ташланиб қолади. Лекин уларда барибир умумийлик кучли.

Чуқур тил орқа «Х» ундоши бу гуруҳ шеваларда йўқ даражада, унинг ўрнида аксарият қ қўлланади: **туқум** (тухум), **қала** (хола), **қатын** (хотин). Х товушининг туркий сўзларда қўлланилиши эски туркий тил даврига тўғри келади **хан** (Длт)- хон, **хайу** (Длт)-қайси.

Бу товушнинг истеъмол доираси эски ўзбек тили даврига келиб янада кенгаяди: **Хатун** (рабғ), **Хотин**, **хонлық** (ХШ)-хонлик. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам Х ундоши фаол ишлатилади. Аммо баъзи туркий тилларда, жумладан, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз тилларида бу товушнинг ўрнида қ ундоши қўлланилади. Бўғиз, сирғалувчи, жарангсиз ҳ ундоши қипчоқ шеваларида мустақил фонема: **Х э м м э**, **ҳ э м**, **ҳ и к м э т**, **ҳ и м м э т** каби. Эски ўзбек тилида ҳам фаол ишлатилган бу товуш Тошкент шеvasида мустақил фонема саналмайди. Ўзбек адабий тилида Х ва Ҳ ундошлари бир-биридан фарқланади.

Лаб-тиш сирғалувчи, жарангсиз ф ундоши қипчоқ лаҳжасида фонема сифатида мавжуд эмас. Унинг ўрнида ҳамаша п товуши қўлланилади: ад тил. фойда //қип.лаҳ: **п а й д а**, ад .тил. фарзанд // қип.лаҳ. **п э р з э н т** ад.тил **ф а р қ** қип.лаҳ. **п а р қ**, ад .тил. **фаҳм** //

қип.лаҳ. **п а й м** //п а й — и м, ад . тил. **Фикр** //қип.лаҳ. **п и к р** // **п и к р**, ад.тил. фурсат қип.лаҳ. **п у р с а т** ва б. Бу товуш қадимги туркий тилда учрамайди. У эски туркий ва эски ўзбек тилларида ўзлашган сўзлар ҳисобига пайдо бўлди. Шунинг учун айрим бошқа туркий тилларда ва барча ўзбек лаҳжаларида **ф** фонема сифатида мавжуд эмас. Ўзбек адабий тилига ўзлашган сўзлардан кириб келган сирғалувчи **ж** ундоши барча ўзбек шеваларидагидек қипчоқ лаҳжасида ҳам мустақил фонема сифатида учрамайди. **Аждар**, **журнал** тарзидаги сўзларда келадиган сирғалувчи **ж** аффрикат **ж** товушига ашмашади. Чунки қипчоқ лаҳжасида аффрикат **ж** товушининг худди қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларидагидек истеъмол доираси кенг. **Жол** (йўл), **Жомарит** (жумард), **Жар** (жар), **Жақшы** (яхши), **жақын** (яқин), **Жора** (жўра), **жоғары** (йуқари).

Титроқ, сонор **Р** ундоши қипчоқ лаҳжасида тил олди, тил орқа шаклда бўлиб, худди қадимги туркий тилдагидек сўз бошида келмайди.

Брайқан, **ирайис**, **ораза**, **орамал** каби. Бу ҳолат ҳозирги айрим туркий (қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз каби) тилларда ҳам сақланиб қолган.

Н бурун товуши қипчоқ лаҳжасида қипчоқ гуруҳига тааллуқли туркий тиллардаги каби икки вариантлидир. Тил орқа унлилар билан келадиган **Н'** (**таң**, **аң**, **қаң**- **қолиң**, **барың**, **чабың** каби) ва тил олди унлилари билан келадиган **Н²** (**кэң**, **тэң**, **көңүл**, **синил**, **миң**, **э к э н э**, **ү к э н э**) шакллари мавжуд.

Қипчоқ лаҳжасида **к**, **г**, **ғ**, **қ**, ундошлари мустақил фонема. Қўлланилиш жаҳатидан ўзбек адабий тили ва бошқа шевалардан фарқ қилмайди.

Аммо, бир томондан, улар мазкур лаҳжада оҳангдошлик қонуният билан беглик равишда бир-бирига тил олди ва тил орқаликда вариант бўлиб келиш билан, иккинчи томондан, баъзан сўз охирида иккиламчи **в** ундошига айланиш билан ўзига хосликларга ҳам эга. Қиёсланг:

адабий тилда:	қипчоқ лаҳжасида
тоғ	тав
бўёғ	бойов
эллиқ	эллув

Ундош товушларнинг тадрижий тараққиётини шундай кўрсатиш мумкин

**Эски ўзбек тилидаги
ундошлар тизими**

	Портловчилар	Сиргалувчи	Аффрикатлар	Титроқ	Бурун товушлар
Лаб-лаб ундошлар	б м				м
Лаб-тиш ундошлар		в ф			
Тил олди ундошлар	д т	з с ж ш	ж ч	р л	ң, н
Тил ўрта ундошлар		й			
Палатал ундошлар	г к				
Тил орқа ундошлар	қ	ғ х			н
Фарингал ундошлар	ъ (айн)	ҳ			

**Қилчоқ лаҳжасидаги
ундошлар тизими**

	Лаб ундошлар		Тил олди ундошлар				Тил ўрта	Тил орқа				Бўғиз
	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли		Саёз тил орқа		Чуқур тил орқа		
								жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	
Сиргалувчилар		в	с	з	ш	й			х	ғ	ҳ	
Портловчилар	п	б	т	д			к	г	қ			
Қоришиқлар				ч	ж							
Бурун товушлар		м		н				н				
Ён товуш				л								
Титроқ товуш				р								

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ундошлар тизими

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра	Ҳосил бўлиш усулига кўра	Ҳосил бўлиш ўрнига кўра						Бўғиз ундоши		
		Лаб ундошлари		Тил ундошлари						
		Лаб-лаб	Лаб-тиш	Тил олди	Тил ўрта	Тил орқа	Чуқур тил орқа			
Шовқинлар	жарангли	Портловчилар	Соф портловчилар	б		д	г			
	жарангсиз			п		т	к		қ	
	жарангли		Қоришиқлар (аффрикатлар)			ж				
	жарангсиз					ч				
	жарангли	Сиргалувчилар		в	в ¹	ж, з	й		ғ	
жарангсиз				ф	с, ш			х	ҳ	
Сонорлар		Портловчи сиргалувчилар (сонорлар)	Бурун товушлари	м		н		ң		
			Ён товушлар			л				
			Титроқ товуш			р				

Назорат топшириқлари

1. Қилчоқ лаҳжасидаги ундош товушларнинг ўзига хос жиҳатларини шарҳнинг (категория — анализ).
2. Лаҳжадаги ундошларни таҳлил қилиш асосида ушбу лаҳжанинг эски туркий тилга муносабатини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).
3. Қилчоқ лаҳжасидаги ундош товушлар билан эски ўзбек тилидаги ундошларни қиёслаб, улар ўртасидаги муносабатни белгиланг (категория — анализ).
4. Қилчоқ лаҳжасидаги ундошларни бошқа туркий тиллардаги ундош товушлар билан қиёсланг. Улар ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик ҳақидаги фикрингизни билдириг (категория — анализ).
5. Қилчоқ лаҳжасидаги ундошларни ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ундош товушлар билан қиёсланг. Адабий тил ва лаҳжа ўртасидаги муносабатни белгиланг (категория — анализ).
6. Қилчоқ лаҳжасининг айрим туркий тиллар билан муносабатини товуш параёнлари мисолида изоҳланг (категория — анализ).

7. Фонетик жараён ёрдамида баъзи сўзлар этимологиясини топишга ҳаракат қилинг (категория — анализ).

4-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Фонетик жараёнларнинг узок давр маҳсули эканлигини қайд этиш. Бу жараёнлар тиллар, лаҳжалар ўртасидаги муносабатларни белгилаб беришда ишончли далилликни таъкидлаш. Айрим фонетик жараёнларни шарҳлаш асосида сўзлар этимологиясини белгилашга ҳаракат қилиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

4.1. Қипчоқ лаҳжасида сўзларда юз берган айрим фонетик жараёнлар ҳақида тушунча беради.

4.2. Фонетик жараёнларни таҳлил қилиш асосида тиллар, лаҳжалар ўртасидаги муносабатни белгилайди.

4.3. Фонетик жараёнларни шарҳлаш асосида баъзи сўзлар этимологиясини аниқлайди.

4.4. Мазкур жараён ёрдамида қипчоқ лаҳжаси ва ўзбек адабий тили ўртасидаги муносабатни белгилайди.

4-асосий саволнинг баёни:

Товуш жараёнлари одатда тасодифий ҳодиса бўлмасдан тилнинг энг гўзал, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган қонуниятидир. Шунинг учун товуш жараёнлари, бир томонидан, сўзлардаги **о ҳ а н г мусиқавийликни** таъминласа, иккинчидан, сўзларнинг ички табиатини белгилайди.

{Б>в} ҳодисаси туркий тилларда анча аввал бошланган бўлиб, айрим сўзларда қипчоқ лаҳжасида тарихий шакл сақланиб қолган. Бироқ сирғалишга мойил бўлган бир қатор сўзлар ҳозирги адабий тил қолипи сифатида қабул қилинган: *ад. имл. т о в о қ* < (тил тарихида ва қипчоқ лаҳжасида) **табақ**, *ад.имл. қовоқ* < (тил тарихида ва қипчоқ лаҳжасида) **қабак**, *ад.имл. ч и в и н* < (тил тарихида ва қипчоқ лаҳжасида) **чыбын**, *ад.имл. ч и в и қ* < (тил тарихида ва қипчоқ лаҳжасида) **чыбық**.

{Б} фонемаси ўздан кейинги бўғиндаги Н товуши таъсирида қипчоқ лаҳжасида баъзан бурунлашади: бунда>мунда// мында: бундай>мундай//мындай; бурун>мурун // мурын; бурны>мурны; бўйин >мойун// мойын: **F>в** ҳодисаси ҳам қипчоқ лаҳжаси ва қипчоқ гуруҳ туркий тилларга хосдир.

«Девону луғотит турк»да	Қипчоқ лаҳжасида	Қозоқ тилида	Қорақалпоқ тилида	Ўзбек адабий тилида
Тағ	Тав	Тау	Тау	Тоғ
Бағ	Бав	Бау	Бау	Боғ
Ағыр	Авыр	Ауыр	Ауыр	Оғир
Ағыз	Авыз	Ауыз	Ауыз	Оғиз
Сағ	Сав	Сау	Сау	Соғ

Қипчоқ лаҳжасида г>й ҳодисаси ҳам мавжуд:

«Девону луғотит турк»да	Қипчоқ лаҳжасида	Қозоқ тилида	Ўзбек адабий тилида
өгрән	уйрән	уйрен	ўрган
игнә	ийнә	ийне	игна
эгир	ийир	ийир	гир
эгин	ийин	ийин	гин

Н>М: ўнбир>омбир, кўнмайди>көммөйди, унмайди >өммөйди.

С>Ч: қочса > қачча, ичсак> иччәк, сочса> чәччә.

С>Ш : тошса> ташша, пишса> пишшә, қўшса> қўшша.

Т>Л: қутлуғ бўлсин > қуллы босын, қатлама > қалла.

т>с: бетсиз > бессиз.

ч>с: уч сўм > ўс сом.

ш>с: беш сўм > бессом.

з>с: тузсиз > тўссиз, қизсиз> қыссыз.

з>ч: қизча> қычча.

ҳ>к: маҳкам>маккәм.

Оғзаки нутқда баъзи товушларнинг тушиб қолиш ҳолати ҳам мавжуд. Бу бир томондан қипчоқ лаҳжасини бошқа лаҳжалар билан иккинчи томондан айрим туркий тиллар билан умумийлигини таъкидлайди. Сўзга қўшимча қўшилиши натижасида баъзан ўзак-ўзак **қ** > **сақ**, **қ** > **асақ**, **б** > **бома**, **л** ундоши тушиши мумкин: ол + ган > аған, солсақ > асақ, бўлма > бома.

Қипчоқ лаҳжасида баъзан сўз охирида **қ, ғ, к** ундошларининг тушиши ҳолати мавжуд:

«Девону луготит турк»да	Қипчоқ лаҳжасида	Қозоқ тилида	Қорақалпоқ тилида	Ўзбек адабий тилида
Ачығ қуруғ қатығ сарығ	Аччы қуры қатты сары	Ашы қуры қатты сары	Ашшы қуры қатты сары	Аччиқ қуруқ қаттиқ сарик

Лаҳжада бундан бошқа товуш жараёнлари ҳам жуда кўп. Агар улар тил тарихи билан қиёсланиб, тадрижий тараққиёти таҳлил этиладиган бўлса, ўша сўзнинг этимологиясини ҳам аниқлаш мумкин. Мисол учун ҳозирги адабий тилдаги «қовоқ» сўзининг тадрижий тараққиётини таҳлил қилиб кўрайлик:

қ о п + қоқ > қоп қоқ > қопоқ > қобоқ > қовоқ.

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасидаги айрим товуш жараёнларини таҳлил қилиб, унинг мумтоз тилимиз билан алоқасини, муносабатини шарҳланг (категория — анализ).

2. Товуш жараёнлари асосида қипчоқ лаҳжасининг бошқа лаҳжалар билан хусусий ва умумий жаҳатларини белгиланг (категория — анализ).

3. Қипчоқ лаҳжасининг айрим туркий тиллар билан муносабатини товуш жараёнлари мисолида изоҳланг (категория — анализ).

4. Фонетик жараён ёрдамида баъзи сўзлар этимологиясини топишга ҳаракат қилиб кўринг (категория — анализ).

5. Фонетик жараёнлар асосида қипчоқ лаҳжасининг ўзбек адабий тилига муносабатини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).

5-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: *Оҳангдошлик* — сингармонизм ҳақида тушунча бериш. Бу қонуниятнинг мумтоз тилимизга муносабатини белгилаш. Оҳангдошликнинг қипчоқ лаҳжасига муносабатини шарҳлаш. Ўзбек адабий тили ва оҳангдошлик масаласига талабаларнинг эътиборини қаратиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

5.1. Талабаларга оҳангдошлик ҳақида тушунча беради. Унинг нутқдаги ўрнини белгилайди.

5.2. Оҳангдошлик қонуниятининг мумтоз тилимизга муносабатини шарҳлайди.

5.3. Оҳангдошлик ва қипчоқ лаҳжаси масаласини изоҳлайди.
5.4. Оҳангдошлик ва ҳозирги ўзбек адабий тили муоммаларини шарҳлайди.

5-асосий саволнинг баёни:

Оҳангдошлик ҳодисаси туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлиб, у товушлардаги уйғунликни, ўзаро оҳангдошликни таъминлайди. Одатда, оҳангдошлик ҳақида гап кетганда, кўпинча, унлилардаги тил олдилик ва тил орқалик, ҳамда лабланганлик ва лабланмаганлик ҳодисаси бу билан гўғрисиди гапирилади. Ваҳоланки, оҳангдошлик ҳолати унли товушларга тугамайди. Лабланганлик, яъни лаб уйғунлиги фақат ятига биноан, ҳос ҳодиса. Аммо танглай уйғунлиги қонуниятини ҳисобга олинади. Товушлардаги тил олдилик ва тил орқалик хусусияти ҳисобга олинади. Бундай ажралиш нафақат унлиларда, балки тилимизнинг тарихига назар ташласак, балки ундош товушларда ҳам мавжуд бўлган. Қиёсланг: қарз, қарз, оғызғару-ўғузғару, соқум-сўқим, кучуг-кучни, козум-кўзим каби.

Оҳангдошликдаги учинчи жараён — бу ундош товушлардаги жаранглилик ва жарангсизлик ҳодисаси саналади. Бу жараён ҳам туркий тиллар тарихининг қадимги давридан бошлаб амалда бўлиб, туркий тилларида қилинган.

Оҳангдошлик эски туркий тил даврида ҳам мавжуд бўлиб, туркий тиллари тарихида бу жараён ҳақида дастлаб Махмуд Кошғарий фикр билдирган. Олим туркий тилларнинг ўзак харақатлари қараб кўшимчаларнинг қаттиқ, юмшоқликда фарқланганлигини таъкидлайди. А.М. Шчербак эски ўзбек тили даврида биринчи тип, яъни танглай уйғунлигининг сақланган ва бузилган ҳоллари бор, инкинчи тип, яъни танглай уйғунлигида эса бузилиш ҳолати мавжуд деб кўрсатган. Филология фанлари доктори, академик А. Рустамов эса XV аср ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг ҳар учала қонуни, яъни унлилардаги танглай уйғунлиги ҳамда ундошлардаги жаранглилик ва жарангсизлик ҳодисасини таъкидлайди. (XIII)-ўтирма, қатла (МН)-қатла, сўлук (Аттуҳфа)-отаси, отурмас (XIII)-ўлук, атуз)-ўлук, (XIII)-улулик, йўзундин (МН)-юзингин, тўшти (XIII)-тушти, улуғлуғ (XIII)-улуғлик, кўнўл (МН)-кўнгил каби.

Қипчоқ лаҳжасида ҳам тил тарихидаги оҳангдошликнинг ҳар уч ҳолати амал қилади. Хусусан танглай уйғунлигига биноан ўзак ва

қўшимчадаги тил олдилик ва тил орқалик ҳолати нутқдаги қулайлик боис сақланиб қолган: тиш+тин-тишининг; қол+дын-қўлнинг, әкәси, ўкәен, тағасы, ағасы, сынды, тынды, кәлди, кәрди, бәлди, кәзүм, қолум (қолым, кәзим), сәзүм (сәзим) тәзүм, улум (улым) каби.

Қипчоқ лаҳжасида айрим ҳолатда лаб оҳангдошлиги бузилиши мумкин. Бироқ танглай уйғунлиги, яъни тил олдилик ва тил орқалик нутқда тўлиқ сақланади.

Ундош товушлардаги жаранглилик, жарангсизлик ҳодисасига ҳам қипчоқ лаҳжасида амал қилинади: иш + тән (ишдан), қыш + таи (қишдан), кәпти (кепди), кәтти (кетди), ўш+тә (учта), қыш+та (қишда).

Оқыш+та (ўқишда); ўй+гә (уйга), той+га (тўйга), қал+ды (қолди). бар+ды (борди), бол+ды (бўлди), бәл+ди (бўлди), кәр+ди (кўрди). сәз+гә, кәз+гәә, кәл+ди каби.

Одатда, оҳангдошлик ҳодисаси нутқда қулайликни таъминлаш, талаффузда бир меъёрни юзага келтиришда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга талаффуздаги ўша меъёр нутқда маълум бир мусиқа, оҳангни шакллантиришни юзага келтиришга ёрдам беради.

Ўзбек адабий тилида ҳам оҳангдошлик қонунияти аксарият амал қилади: Лабиал уйғунлик бузилгани билан ундошлардаги жаранглилик, жарангсизлик ва танглай уйғунлиги нутқ раванлиги, унинг мусиқавийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Назорат топшириқлари

1. Оҳангдошлик қонуниятининг нутқда тутган ўрнини белгиланг (категория — анализ).
2. Оҳангдошлик ҳодисасини шарҳлашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).
3. Мумтоз тилимиз ва оҳангдошлик қонуниятини шарҳланг (категория — анализ).
4. Қипчоқ лаҳжаси ва оҳангдошлик қонуниятини изоҳланг (категория — анализ).
4. Оҳангдошлик ва ҳозирги ўзбек адабий тили муносабатини белгиланг (категория — анализ).

Талабалар учун мустақил иш топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжаси вакиллари нутқидан транскрипцияда бирорт эртақ ёки ҳикоя ёзиб олиш.

2. Ёзиб олган ҳикоя асосида қипчоқ лаҳжасидаги унлиларни жадвалга жойлаштириш.

3. Матн асосида ундошларни жадвалга жойлаштириш.

4. Матндаги сўзларда оҳангдошлик турларини белгилаш.

5. Ушбу матнни ўзбек адабий тили талаффуз меъёрига солиш. Ушбу матн асосида лаҳжа ва адабий тил муносабатини белгилаш.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. Т.: «Фан», 1975.

2. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент, 1976.

3. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Т.: «Фан», 1978.

4. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек лаҳжаси. Т.: «Фан», 1977.

5. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёти босқичлари. Т.: «Ўқитувчи», 1996.

6-МАВЗУ. ҚИПЧОҚ ЛАҲЖАСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Асосий саволлар:

1. Қипчоқ лаҳжасида исм ва унинг ўзбек адабий тилига муносабати.
2. Қипчоқ лаҳжасида феъл ва унинг ўзбек адабий тилига муносабати.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Қипчоқ лаҳжасида кўплик кўриниши, унинг ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасида эгалик кўрсаткичи, унинг ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасида келишик кўшимчалари, ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасидаги баъзи олмошларнинг ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасида феъл кўринишлари, ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасида шифатдош шакли, ўзбек адабий тилига муносабати, қипчоқ лаҳжасида шифатдош кўриниши ва ҳ.

1-асосий савол буйича ўқитувчининг мақсади: Қипчоқ лаҳжасидаги кўплик кўринишини ўзбек адабий тили билан қиёслаб таҳлил қилиш. Лаҳжадаги эгалик кўрсаткичларини шарҳлаш, адабий тил билан муносабатини белгилаш, қипчоқ лаҳжасидаги кеншик кўрсаткичларини шарҳлаш ўзбек адабий тили билан лаҳжадаги баъзи олмошларнинг ўзбек адабий тилига муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

1.1. Қипчоқ лаҳжасидаги кўплик кўрсаткичларини шарҳлайди, ўзбек адабий тилига муносабатини белгилайди.

1.2. Қипчоқ лаҳжасидаги эгалик кўрсаткичларини шарҳлайди, унинг ўзбек адабий тилига муносабатини изоҳлайди.

1.3. Қипчоқ лаҳжасидаги келишик кўрсаткичларини изоҳлайди, ўзбек адабий тилига муносабатини белгилайди.

1.4. Қипчоқ лаҳжасидаги айрим бошқа исмларни қайд этади, уларнинг ўзбек адабий тилга муносабатини белгилайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Қипчоқ лаҳжасида отларда кўплик шакли - л а р /-т а р, -н а р /-н а р кўшимчалари билан ҳосил қилинади: к и ш и л а р, қ о й л а р, а д а м н а р, к и й и м н а р. Ўзбек адабий тилида -лар.

Қипчоқ лаҳжасида с а в и ккинчи шахс бирлик, с и з иккинчи шахс бирлик ҳурмат, **силар** кўплик, оддий муносабат **сизлар** кўплик ҳурмат маъноларида қўлланилади.

Ўзбек адабий тилидан фарқли равишда қипчоқ лаҳжасида 1-шахс кўпликлар кўшимчасини олмайди ва **бизлар** шаклида ишлатилмайди.

-л а р кўплик кўшимчаси қипчоқ лаҳжасида адабий тилдан ва шаҳар гуруҳ шевалардан фарқли равишда ҳурмат маъносига келмайди (атамнар эмас, атам) ва феълларга қўшилмайди (бардылар эмас барды).

Феълнинг кўплик шакли қипчоқ лаҳжасида адабий тилдан фарқли равишда баъзан шахс-сон кўшимчаларидан олдин келиши мумкин бардыларңыз, кэлдилериниз каби.

Қипчоқ лаҳжасидаги эгалик кўрсаткичи адабий тил билан ўзининг кўп шакли билан фарқланади.

№	Бирлик		Кўплик	
	Қипчоқ лаҳжасида	Ўзбек адабий тилида	Қипчоқ лаҳжасида	Ўзбек адабий тилида
I	-м -им -ым: ўйим, қойим, ботам	-м, -им	-мис, -мыс, -имис, ымыс: ботамыс, эчкимис, кийүмимис	-миз, -имиз.
II	-н, -ин, -ын: сөзін, эчкин, тайын	-нг, -инг	-лэрин, -ларын: эчки-лэрин, тайларын	-ларинг
	-нис, -ныс, -иңис, ыңыс: (ҳурмат маъно- сида): эк әңис, апаныс, атаныс, сөзинис	-низ -ингиз	-лэринис, -ларыңыс: (ҳурмат маъносига): экэлэринис, апаларыңыс	-ларин- гиз
III	-си/-сы, -и, -ы: улы, қызы, көңли, эк әси, атасы	-си, -и	-си, -сы, -и, -ы, -лэри, лары: балалардын эчкиси, балалардын қойы, эчкилари, қойлары	-лари

Қипчоқ лаҳжасида келишик кўрсаткичлари адабий тил билан ўзининг кўп шакли билан жиҳатдан қисман фарқланади.

№	Қипчоқ лаҳжасида		Ўзбек адабий тилида
	Келишиклар	қўшимчалар	қўшимчалар
1	Бош	—	—
2	Қаратқич	-ниң/-нын, -дин./-дын, -тин/-тын, ин/ың: әкәмнин, атамнын, ўйдин, қойдын, иштин, қыштын, бизин, сизин.	-нинг
3	Тушум	-ни/-ны, -ди/-ды, -ти/-ты: баланы, кишини, ўйди, қойды, ишти, қышты.	-ни
4	Жўналиш	-гә/-ға, -кә/-қа, - ә/-а, -нә/-на: ўйгә, тойға, ишкә, қошқа, әкәмә, атама, өзинә, қолына.	-ға, қа, ға.
5	Ўрин-пайт	-дә/-да, -тә/-та: ўйдә, тойда, иштә, қошта.	-да
6	Чиқиш	-дан/-дән, -тан/-тән, -нан/-нән: қойдан, ўйдән, қоштан, иштән, наннан, жүзүмнән.	-дан

Қипчоқ лаҳжасидаги олмошларнинг ҳам адабий тил билан умумийлиги мавжуд.

Бирлик			Кўплик	
Шахс	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
I	Мэн	Мен	Биз	Биз
II	Сэн Сиз	Сен Сиз	Силар, сизлар	Сиз
III	О/ у- ул/ ол	У	Улар/ олар	Улар

Қипчоқ лаҳжасида	Ўзбек адабий тилида
У/о ул/ол	У (ул)
Бу/бул	Бу
Шу / шул, шо / шол	Шу (шул)
Унда / онда, мунда / мында	Унда, бунда
—	Ўша

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасидаги отларда кўпликнинг ифодаланишини шарҳланг. Уларнинг адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — билиш).
2. Қипчоқ лаҳжасида **-лар/ -лэр** қўшимчасининг олмошга ва феълга қўшилишидаги ўзига хосликларни изоҳланг. Адабий тил билан қиёсланг (категория — билиш).
3. Лаҳжадаги кўплик ва ҳурмат муносабатини тушунтиришга ҳаракат қилинг (категория — билиш).
4. Қипчоқ лаҳжасидаги эгалик кўрсаткичинини тушунтиринг. Адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — билиш).
5. Қипчоқ лаҳжасидаги келишик кўрсаткичларини изоҳланг. Адабий тил билан муносабатини аниқланг (категория — идрок).
6. Қипчоқ лаҳжасидаги баъзи олмошларни адабий тил билан қиёслаб шарҳланг (категория — идрок).

ТЕСТЛАР:

1. Қипчоқ лаҳжасида кўплик қўшимчаси шакллари қайси қаторда тўлиқ кўрсатилган.
 - А. -лэр /-лар.
 - В. -лэр/-лар, нэр/-тэр.
 - С. -лар/-лэр, -тар/-тэр.
 - Д. -лэр/-лар, -нэр/-нар, -эр/-тар.
 - Е. -лэр/-лар, -дэр/, -лар.

2. **-нис /-ныс, -инис/-ыныс** шакллари қипчоқ лаҳжасида қайси маънода қўлланилади?

- А. шахс-сон кўрсаткичи маъносида.
- В. II шахс эгалик кўрсаткичи оддий муносабат.
- С. II шахс эгалик кўрсаткичи ҳурмат маъносида.
- Д. II шахс эгалик кўрсаткичи кўплик маъносида.
- Е. II шахс буйруқ маъносида.

3. Қипчоқ лаҳжасида **-н, ин, -нн** шакллари қайси маънода қўлланилади?

- А. II шахс буйруқ маъносида.
- В. III шахс буйруқ маъносида.
- С. II шахс эгалик кўрсаткичи, кўплик.
- Д. II шахс эгалик кўрсаткичи, оддий муносабат.
- Е. II шахс эгалик кўрсаткичи, ҳурмат маъносида.

4. **-гә/ -га, кә/-қа, ә/-а, нә/-на** қандай қўшимча?

- А. Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси.
- В. Чиқиш келишиги қўшимчаси.
- С. Сўз ясовчи қўшимча.
- Д. Шакл ясовчи қўшимча.
- Е. Жўналиш келишиги қўшимчаси (категория — идрок).

2-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ лаҳжасидаги феълнинг шахсли шакли ҳақида талабаларга изоҳ бериш. Уларнинг ўзбек адабий тилига муносабатини белгилаш. Қипчоқ лаҳжасидаги феълнинг шахссиз шакллари ҳақида тушунча бериш. Ўзбек адабий тилидаги шакллар билан муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

1. Қипчоқ лаҳжасидаги феълнинг шахсли шакллари ҳақида тушунча бериш.
2. Лаҳжадаги шакллар билан адабий тилдаги шакллар ўртасидаги муносабатини белгилайди.
3. Қипчоқ лаҳжасидаги феълнинг шахссиз шаклларини изоҳлайди.
4. Лаҳжа ва адабий тил ўртасидаги муносабатини шарҳлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Қипчоқ лаҳжасидаги феълнинг шахсли шакли умумий ҳолда ҳозирги ўзбек адабий тили билан мос келади. Аммо уларнинг баъзи ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Чунончи, ўзбек адабий тилида феълнинг ҳозирги келаси замон III шахс кўплик шакли **бордилар//борди, келдилар//келди** тарзида қўлланса, қипчоқ лаҳжасида фақат **борди, келди** кўринишда ишлатилади. Чунки қипчоқ лаҳжасида феълга кўплик «-лар» қўшилмайди. Кўплик кўрсаткичи фақат отга қўшилади.

Ўзбек адабий тилидаги «қол» кўмакчи феъли маъноси қипчоқ лаҳжасида кўшимча шаклдаги «гай» кўмакчи феъли билан ифодаланади: **борақол, -барагай, келақол-кэлэгай, ёзақол-жазагай.**

Феълнинг бўлишсиз шакли қипчоқ лаҳжасида икки фонетик вариантда ифодаланади: **тавмайды //таппайды.**

Ҳозирги замон давом феъли қипчоқ лаҳжасида **-ә /-а, -п, -ип/-ып** шакли равишдошга шахс-сон кўшимчасининг тўлиқ кўринишини олган кўмакчи феълларни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади:

Ҳозирги замон феъли

Бирлик		Кўплик		
Шахс	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
I	Баражатыппан	Бораётибман	Айтып турыппыз	Айтиб турибмиз
II	Баражатыпсан Баражатыпсан	Бораётибсан Бораётибсиз	Айтып турыпсылар Айтып турыпсызлар	Айтиб турибсиз Айтиб турибсизлар
III	Баражатыты	Бораётибди	Айтып турыпты	Айтиб турибдилар

Ўтган замон феъли

Бирлик		Кўплик		
Шахс	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
I	бардым	бардим	кэлдик	келдик
II	бардын бардыныс	бординг бордингиз	кэлдиларинис кэлдиләрин	келдингиз келдиларинг
III	барды	барди	кэлди	келдилар

Истак майли

		Бирлик		Кўплик	
Шахс		Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
I		барайын кэләйин көрәйин	борай келай кўрай	барайық кэләйик көрәйик	борайлик келайлик кўрайлик

Буйруқ майли

		Бирлик		Кўплик	
Шахс		Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
II		Бар (оддий муносабат) аң (хурмат муносабат)	Бор Олинг (хурмат)	Барыннар анызлар	Боринглар олинглар

Шарт майли

		Бирлик		Кўплик	
Шахс		Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда	Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
I		барсам	борсам	барсақ	борсак
II		барсан (оддий муносабат) барсаңыс (хурмат)	борсанг борсангиз	барсаларын (оддий муносабат) барсаларыныс (хурмат)	борсаларинг борсаларингиз
III		барса	борса	барса	борсалар

Ҳаракат номи қипчоқ лаҳжасида **-ш, -иш/-ыш** кўшимчаси билан ҳосил қилинади: **айтыш кэрэк-айтиш керак, барыш қачмас-бориш бўлса қочмас.**

-в, -ув/-үв кўшимчаси ҳам лаҳжада ҳаракат номи ясашда қатнашади: **барув-борув, кэлүв-келув, айтув-айтув.**

-Мақ/-мәк кўшимчаси ҳам қипчоқ лаҳжасида баъзан ҳаракат номи ясашда иштирок этади: **Тавмақ-топмоқ, көрмәк-кўрмоқ, ичмәк-ичмоқ, айтмақ-айтмоқ.**

Равишдош шакли қипчоқ лаҳжасида феъл ўзагига **-а, -ә, -п, -ип, -ып** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади: Мэни көрә, чавын кэтти мени кўра, чопиб кетди.

Сифатдош шакли қипчоқ лаҳжасида **-гән, -ған, -қан/-кән** қўшимчаси билан ясалади: Оқыған бала-ўқиган бола, кэгән мийман-келган меҳмон, өткән өмир-ўтган умр, айтқан гәп-айтган гап.

-й, -а/-ә + турған: ишлөйтурған адам — ишлайдиган одам. Боратурған адам, келөтурған адам — келадиган одам.

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасидаги феълларнинг шахсли шаклини шарҳланг. Уларни ўзбек адабий тил билан муносабатини белгиланг (категория — анализ).
2. Қипчоқ лаҳжасидаги ҳозирги замон давом феълни изоҳланг. Адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).
3. Қипчоқ лаҳжасидаги ўтган замон феълни шарҳланг. Адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — анализ).
4. Қипчоқ лаҳжасидаги истак майлини изоҳланг. Уларнинг адабий тилдаги шакллари билан муносабатини аниқланг (категория — анализ).
5. Шарт майлининг лаҳжадаги шакли билан адабий тилдаги кўринишини қиёслаш асосида ўз фикрингизни баён этинг (категория — анализ).
6. Лаҳжадаги ҳаракат номи кўринишларини адабий тил билан қиёслаш шарҳланг (категория — анализ).
7. Равишдош шакллари бўйича қипчоқ лаҳжаси билан адабий тил муносабатини қандай изоҳлаган бўлардингиз (категория — анализ)?
8. Сифатдош шакллари асосида қипчоқ лаҳжаси ва адабий тил муносабатларини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).

ТЕСТЛАР:

1. Қипчоқ лаҳжасида «**-ә/-а, -п, -ип/-ып + шахс-сон қўшимчаси**» моделида қандай категория ҳосил қилинади?
 - А. Равишдош шакли.
 - В. Ҳозирги замон давом феъл.
 - С. Келаси замон феъл.
 - Д. Ўтган замон феъл.
 - Е. Ўтган замон давом феъл.
2. **-йын/-йин, -айын/-эйин** шакли қандай категория ҳосил қилади?
 - А. Истак майли.
 - В. Буйруқ майли.
 - С. Шарт майли.

- Д. Ўтган замон давом феъл.
- Е. Келаси замон феъл.

3. **-в, -ув/-үв** кўриниши қанақа грамматик категория ҳосил қилишда қатнашади?

- А. Равишдош ясайди.
- В. Сифатдош ясайди.
- С. Ҳаракат номи ясайди.
- Д. Феълни шахсли шаклини ҳосил қилади.
- Е. Ҳолат феълни ясайди.

4. «**-й-а/-ә + турған**» шакли қанақа грамматик категория ҳосил қилади?

- А. Равишдош ҳосил қилади.
- В. Сифатдош ҳосил қилади.
- С. Ҳаракат номи ҳосил қилади.
- Д. Келаси замон давом феълни.
- Е. Ўтган замон феълни ҳосил қилади (категория — анализ).

Талабалар учун мустақил топшириқла

1. Ўз шевангиздан тўплаган материалнинг асосида кўплик қўшимчасининг қўлланилиш чегарасини белгилашга ҳаракат қилинг.
2. Тўплаган манбангизга асосланиб, ўз шевангидаги келишик, калик кўрсаткичларини аниқланг. Уларнинг қипчоқ лаҳжасига муносабатини белгиланг.
3. Ўз шевангиздан йиққан манбангиздан феълнинг шахсли шаклини ажратинг. Уларни қипчоқ лаҳжаси билан қиёсланг.
4. Ўз шевангиз бўйича тўплаган манбангиздан феълнинг шахсиз шакллари ҳосил қилувчи кўринишларини қипчоқ лаҳжаси билан қиёсан шарҳланг.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. Т.: «Фан», 1975.
2. Ишоев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Т. «Фан», 1977.
3. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Т.: «Ўқитувчи», 1996.

7-МАВЗУ. ҚИПЧОҚ ЛАҲЖАСИ ЛЕКСИКАСИ

Асосий саволлар:

1. Қипчоқ лаҳжа ва шевалари лексикасини чуқурлаштириб ўрганиш масаласи.
2. Қипчоқ лаҳжа лексикасининг семантик турлари.
3. Қипчоқ лаҳжа шеваларининг лексик-стилистик қатламлари ва соҳалар бўйича турлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Шарқий гуруҳ қипчоқ шевалари, ғарбий гуруҳ қипчоқ шевалари Фарғона гуруҳ қипчоқ шевалари, Жанубий гуруҳ қипчоқ шевалари қипчоқ шеваларининг Шимолий Хоразм гуруҳи, қипчоқ шеваларидаги умумий томонлар, тафовутлар, қипчоқ лаҳжасининг семантик турлари, қипчоқ лаҳжасининг айрим соҳалар бўйича турлари, лексик-семантик қатламлари.

1-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ лаҳжа ва шеваларини гуруҳлаштиришга ҳаракат қилиш. Гуруҳлардаги лексик умумийлик ва хусусийликни изоҳлаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 1.1. Қипчоқ лаҳжасининг гуруҳлаштирилиш сабабини изоҳлайди.
- 1.2. Қипчоқ лаҳжасини гуруҳлаштириб шарҳлайди.
- 1.3. Гуруҳлардаги умумийлик ва хусусийликка эътиборни қаратади.

1-асосий саволнинг баёни:

Сўзлар тилнинг ойнаси. Шу сабабли бир гуруҳдаги шеваларнинг ўзаро тафовути ва умумийлиги бу соҳада кўзга аниқроқ ташланади.

Бундай хусусият қипчоқ лаҳжасига ҳам хос бўлганлигидан шевашуносликда улар ҳудудий жиҳатдан гуруҳлаштириб ўрганилади.

1. Қипчоқ шеваларининг Шарқий гуруҳи (Шарқий қипчоқ диалекти). Самарқанд шаҳрининг шарқ томони. Бекобод шаҳри ва Бекобод туманига қадар тарқалган қипчоқ лаҳжалари. Жиззах вилоятининг асосий қисми (Бахмал, Ғаллаорол, Зомин ва б.). Сирдарё вилоятининг бир қисмини ўз ичига олади (Х. Дониёров ва б.).

2. Ғарбий гуруҳ қипчоқ шевалари (Ғарбий қипчоқ диалекти). Ғарбий гуруҳ қипчоқ шевалари асосан Самарқанд шаҳридан ғарбга томон

қисмини ва Навоий вилоятининг асосий қисмини ўз ичига олади (Н. Ражабов ва б.).

Шарқий ва Ғарбий гуруҳ қипчоқ шевалари ўртасида маълум шаражада тафовут мавжуд.

3. Фарғона гуруҳ қипчоқ шевалари (Фарғона водийси қипчоқ диалекти).

Бу гуруҳга кирувчи қипчоқ шевалари деярли бутун Фарғона водийсига тарқалган. Қипчоқ шевалари Андижон (С. Иброҳимов), Шаҳрихон ва Асака атрофларида, Тошлоқ, Балиқчи, шунингдек, Янгиқўрғон (Ф. Абдуллаев), Уйчи (А.Ю. Алиев) ва бошқа туманларда ҳамда Қўқон (Ш. Носиров) шаҳри атрофларида учрайди.

Бу шевалар қорлуқ-чигил типидagi шевалардан ҳам қисман фарқланади. Шубҳасиз шевалардаги интеграция аҳолининг зич жойланиши билан ҳам боғлиқ.

4. Жанубий гуруҳ қипчоқ шевалари (Жанубий-қипчоқ диалекти). Бу гуруҳ шевалари Қашқадарё (Б.Жўраев, А.Шерматов) ва Сурхондарё вилоятининг катта ҳудудига, шунингдек, Тожикистоннинг жанубий гуманларига тарқалган. Бу гуруҳ қипчоқ лаҳжалари ҳам худди Самарқанд ва Жиззах вилоятидаги қипчоқ лаҳжалари каби ўзининг хусусиятини сақлаб келмоқда.

5. Қипчоқ шеваларининг Шимолий Хоразм гуруҳи (Шимолий Хоразм қипчоқ диалекти). Бу гуруҳ қипчоқ шевалари профессор Е.Д. Поливанов, Ф.А. Абдуллаев томонидан, Қорақалпоғистондаги қипчоқ шевалари А.Ишаев томонидан ўрганилган.

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжаси нима сабабдан яна гуруҳларга ажралишини изоҳланг категория — билиш).
2. Қипчоқ лаҳжаси қандай гуруҳларга бўлинади. Уларнинг шундай номланиш сабабини тушунтиринг (категория — билиш).
3. Қипчоқ лаҳжаларини қайси олимлар ўрганган? Уларнинг қандай асарларини биласиз (категория — билиш)?
4. Ўзингизнинг шевангиз қайси гуруҳга мансуб (категория — билиш)?
5. Тест: Қипчоқ лаҳжаси неча гуруҳга бўлинади (категория — билиш)?
А. 2 гуруҳга
В. 3 гуруҳга
С. 4 гуруҳга
Д. 5 гуруҳга
Е. 6 гуруҳга.

2-асосий савол буйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ шевалари лексикасининг семантик турлари ҳақида фикр билдириш. Сўзларнинг семантиканинг боғлиқ жиҳатларини изоҳлаш. Лаҳжалардаги сўзларнинг шу хусусият жиҳатидан адабий тил билан муносабатини белгилаш. Шу йўл билан ўз шеvasига меҳр уйғониш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

2.1. Қипчоқ шевалари лексикасининг семантик турларини изоҳлайди.

2.2. Сўзлар семантикасининг юзага келишида у билан боғлиқ воситалар ҳақида фикр билдиради.

2.3. Лаҳжалардаги сўзларни семантик жиҳатдан адабий тилдаги шакллари билан қиёслади.

2.4. Улар ўртасидаги муносабатини белгилайди.

2.5. Ушбу усул билан талабаларда ўз шеvasига нисбатан меҳр уйғотади.

2-асосий саволнинг баёни:

Қипчоқ лаҳжасидаги сўзларни семантик жиҳатдан кўп маънолилиқ, маънодошлиқ, шаклдошлиқ, зид маънолилиқ, сўз маъноларининг ўзгариш, кўчма маънолиги ва бошқа жиҳатлари нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин.

Қипчоқ лаҳжасида сўзларда кўп маънолилиқ кишиларнинг тана аъзоларига, ёки киши ё нарсаларнинг бошқа бирор белгисига нисбат бериш натижасида юзага келади. Чунончи, **баш**-одамнинг боши, **тавдың башы** (тоғнинг боши), **бундайдың башы** (бугдойнинг бошоғи), **авулдың башы** (қишлоқнинг бошланиши), **қазандын бошы** (қозоннинг ёни), **очақтың башы** (ўчоқнинг ёни), **дарахтын башы** (дарахтнинг боши, шохи), **арықтың башы** (ариқ қулоғининг бошланиши), **сувдың башы** (сувнинг боши), **баштан** (аввалдан, илгаридан), **соқа баш** (бир ўзи) бирикмаларидаги кўчма маъно «бош» сўзига нисбат бериш натижасида юзага келган «Бош» сўзининг кўчма маъноси қипчоқ лаҳжасида адабий тилга нисбатан кўпроқ.

Қаш-одамнинг қоши. Шу билан боғлиқ бўлган кўчма маънолари: **ийәрдің қашы** эгарнинг қоши, **машаңғы қашы**, **устымдың қашы**. Лекин қипчоқ лаҳжасида «Фалон хўжалиқ қошидаги мактаб» тарзли бирикмалар қўлланилмайди.

Ақ, оқ сўзи асосан эзгулик тимсоли сифатида қўлланилади. Бу сўз оқ рангни билдириш билан бир қанча қўшимча маъноларда ҳам келади: **ақ коңил** (оқ кўнгил) одам, **ақ** (оқ)-гуноҳсиз одам, **ақлап гәпирди**-ён босиб гапирди, **ақланды** - кечирилди, **ақ жүзли болды** - обрўли бўлди, **коңни ақ адам** - тўғри дилкаш одам, **ағартырмақ** - оқартирмоқ, ювиб-ирамоқ, парвариш қилмоқ, **ағыны ақлады**, **көгини көкләди** - оқини оқлади, кўкини кўкләди, тарбиялади, хизматини меъёрига етказди, парвариш қилди. **Аққа тойды** - суг-қатиққа тўйди, **авзы** (эрини) **ағарып қалды** - лаби оқариб қолди (тўйинди, турмуши яхшиланди). **Ақ** (ағарған)-гўштнинг ёғи маъносида, **гөштин ағыны жәмәйди**- гўштнинг сенин емайди ва бошқалар.

Қипчоқ лаҳжаси маънодош сўзларга ҳам бой: **жилик//сүйәк**. Тенг қўлланади. Маънодошлиги асосан сийлов, зиёфат маъносида учрайди: **жилик қоймақ** ёки **ашқа сүйәк самақ, чырағым // айнам**. Бу сўзлар кекса кишиларнинг ёшларга суюб мурожаат қилишида маънодошлиқ касб этади. Аввалроқ айнам сўзи кўпроқ ишлатилган бўлса, кейинчалик **чырағым** сўзининг истемол доираси кенгайди.

Бой, гәвдә, сымбат, кәлбәт, пичим маънодошларида етакчи **бой** сўзидир. **Бәт, жүз, ирәң, түс, чырай, әпит, пәшәрә, турк, сыйақ, сақт, көриниш, қыйапа** маънодошларида бет етакчи, унинг энг яқин маънодоши **жүз** сўзидир.

Худди адабий тилдагидек, лаҳжада ҳам уларнинг қўлланиш ўрнига тўғибор қаратмоқ керак бўлади. Қиёсланг: **чырайы ачық**- юзи очиқ, габиати очиқ, кайфияти яхши. **Хәч чырайы ачылмадыда** - хеч габиати(қовоғи) очилмади-да. **Чырайы ачық** ибораси ўрнида **жузи ачық** ёки **бәти ачық** ибораларини қўллаб бўлмайди.

Ирәң: ирәңи кирип қапты (касалга ёки пишаётган мевага нисбатан).

Түс: түси жақшыдан тунұлмә-түси яхшидан чекинма.

Сыйақ: сыйағы атасига оқшайды -кўриниши отасига ўхшайди.

Сақт: сақты жаман -кўриниши, тузилиши ёмон.

Қипчоқ лаҳжасида худди адабий тилдаги ва бошқа лаҳжалардаги каби шаклдош сўзлар ҳам жуда мўл. Чунончи, **от** (ўт) сўзи иккита шаклдошлиқни юзага келтиради. **От** - 1. кўкат - 2. олов. **Өт** сўзи ҳам худди шундай: 1) өт-ўт қопчаси; 2) өт-фәъл (ўтмоқнинг буйруқ шакли).

Ор: 1) ор-ўришга буйруқ; 2) ор-чуқурлик.

Өр: 1) өр-сочни ўриш; 2) өр-баландлик.

Төр: 1) төр-уйнинг тўри; 2) төр-тўрт.

Тўр: 1) тўр-хил, жинс; 2) тўр-енгни турмақ.

Тув: 1)тув-байрәк (туғ); 2) тув-фәъл.

Торы: 1) торы -тўриқ (йилқи); 2) торы -тўр сўзининг III шахс

эгаллик қўшимчасини қабул қилган шакли; 3) торы -тўримоқ, кезмоқ.

Жэл: 1) жэл-касаллик; 2) жэл-шамол; 3) жэл-елмоқ; 4) жэл-ески ҳаво.

Қ у р а қ: 1) курақ-улама кўрпача ёки ёстиқ; 2) курақ-ўсимлик (чий қамиш).

Урчық: 1) урчық - йигириш асбоби; 2) урчық- сон суягининг тоғи бирлашувчи учи.

Чалма: 1) чалма-чалма (гўнган қилинган ўтин); 2) чалма-чалми (чолмоқ феълнинг бўлишсизликка қаратилган буйруқ шакли); 3) чалма-чолми? 4) чалма- жияк.

Ан: 1) онг; ўй, 2) олинг; 3) анқов, содда, лалашанг.

Қипчоқ лаҳжасида айрим мустақил маъноли сўзлар баъзан жуфтлашиб янги маъно касб этган. Чунончи, қипчоқ лаҳжасида «арқав», «эриш» сўзлари ўрмакнинг узунига ва кўндалангига тўқиладиган ипларининг номлари. Бу иплар бир-бири билан чирмашиб чатишмаса, тўқима ҳосил бўлмайди. Сўзнинг худди шу чирмашиш, маъноси «арқов эриш» жуфт сўзига кўчирилиб унга «жора-жолдаш» маъноси юклатилган:

Арқов —эриш боп журиннэр.

Қипчоқ лаҳжасида архаик шаклга кириб қолган сўзлар ҳам анчагина: **шырдан** (шырдан сомоннинг лой шуваб бекитилган уюми), **годыра** (ғыдра-аввалги йилдан қолган доннинг ҳар-ҳар жойда чиққан шакли), **отав** (ўтов), **қора уй**, **бақан** (тўйда келинга тутиладиган тўсиқ), **кэрэгэ** (керага), **увық**, (увук), **чангарақ** (чонггарок), **бэлбэв** (белбоғ-қора уйнинг атрофини айлантириб кигизнинг устидан боғлайдиган ип) **эргэнэк** (эрганак), **кэли**, **кэли сап** (кели даста), **жэккэмық** (яккалик)-отни боғлайдиган махсус ёғоч-қозик, **қолдыйырман** (қўл тегирмон), **пестэк** (пўстак), **нэпрэмэч** —кўрпа-ёстиқни ўраб кўядиган гилам- қоп, **сандап** (сандап), **амач** (омоч), **мойынтуруқ** (бўйинтуруқ), **тиш** (тиш), **тиркиш** (тиркиш), **көгэн** (қўқон), **жэхэз** (жиҳоз), **минсэк** (мурсак), **постын** (пўстин), **басма** (босма чакман), **кэвиш** (кавуш), **пэтэк** (патак), **чэкмэн** (чакман), **мөки** // **мўки** (оёқ кийими), **жэлэк** (желак), **дэлэгэй** (делегай), **тупэк** (тупак), **жумэлэк** (жамалак), **тышқалы** (тишқоли), **гэжжэк** (гажак), **аймаш** (ойим оши), **жэнчмич** //жэнчмич (янчминч), **қағанақ** (қоғанок), **килэгэй** (килагай), **қазан нан** (қозон нон), **ақсўйэк** (оқ суяк-ўйин тури), **сақа** (соққа-ўйин тури), **ашық** (ошиқ-ўйин тури), **талтайақ** (толтоёқ-ўйин тури), **орда** (ўрда —ўйин тури) кабилар.

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасидаги сўзларнинг семантик турлари ҳақида умумий маълумот беринг (категория — идрок).

2. Лаҳжадаги кўп маъноли сўзлар ҳақида фикр билдиринг. Уларни адабий тил ва ўз шевангиз билан қиёслаб (категория — идрок).

3. Қипчоқ лаҳжасида сўзлардаги маънодошлик ҳақида қандай фикрдасиз? Ўнбу йўналишда уларни адабий тил ва ўз шевангиз билан қиёслаб (категория — идрок).

4. Сўзлардаги омонимик жиҳатидан қипчоқ лаҳжасини шарҳланг. Ўзбек адабий тили билан солиштиринг. Грамматикадаги изоҳларга муносабат билдиринг (категория — анализ).

5. Қипчоқ лаҳжасидаги архаик сўзларни адабий тил билан қиёслаб кўринг. Ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг (категория — анализ).

ТЕСТЛАР:

1. **Ор** сўзи нечта омонимик ҳолатни юзага келтиради?

- A. келтирмайди.
- B. 2 та.
- C. 3 та.
- D. 4 та.
- E. 5 та.

2. **Өр** сўзи қанча шаклдошликни ҳосил қилади?

- A. 2 та.
- B. Ҳосил қилмайди.
- C. 3 та.
- D. 4 та.
- E. 5 та.

3. **Төр** сўзи шаклдош бўладими? Бўлса, нечта шаклдошликни юзага келтиради?

- A. Ҳа.
- B. Йўқ.
- C. Ҳа, 2 та.
- D. Ҳа, 3 та.
- E. Ҳа, 4 та.

4. **Тур** сўзи шевада шаклдошлик ҳосил қила оладими? Қила олса қанча сўз билан?

- A. Ҳа.
- B. Йўқ.
- C. Ҳа, 3 та сўз билан.
- D. Ҳа, 2 та сўз билан.
- E. Ҳа, 4 та сўз билан.

5. Чалма сўзининг қанча шаклдоши мавжуд?

- A. 2 та.
- B. 3 та.
- C. 4 та.
- D. 5 та.
- E. 6 та.

6. Урчиқ сўзида қанча шаклдошлик бор?

- A. 2 та.
- B. 3 та.
- C. 4 та.
- D. 5 та.
- E. 6 та.

7. Торы сўзида неча шаклдошлик бор?

- A. 2 та.
- B. Йўқ.
- C. Билмайман.
- D. 3 та.
- E. 4 та.

8. Ақ сўзи шаклдош бўлиб кела оладими? Келса, қанча сўз билан?

- A. Келади, аниқ эмас.
- B. Йўқ.
- C. Келади, 2 та сўз билан.
- D. Келади, 3 та сўз билан.
- E. Келади, 4 та сўз билан (категория — анализ).

3-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Қипчоқ лаҳжа шеваларининг лексик-стилистик қатламлари ҳақида умумий маълумот бериш. Айрим соҳаларга оид сўз ва атамалар билан таништириш. Қипчоқ лаҳжаси билан адабий тилни қиёслаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

3.1 Қипчоқ лаҳжа шеваларининг лексик-стилистик қатламлари ҳақида умумий маълумот беради.

3.2.Талабаларни лаҳжага хос айрим соҳага доир сўз ва атамалар билан таништиради.

3.3. Қипчоқ лаҳжасининг адабий тилга муносабатини белгилайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Қипчоқ шеvasида адабий тилга ва шаҳар шеваларига нисбатан арча, форсча ва тожикча сўзлар камроқ. Яна улардан бир фарқи бу қипчоқ сўзлар аксар фонетик ўзгаришга учраган ҳолда ишлатилади.

Шевада:

обийир
пайэти
ораза
тош
шайи
Аптикәрим
Абдурәйим
Абдүвәйит
ықлас
савап
шәйит
чыйқан
обжәш
ыш
пәстирмә
қора
галбыр
кәпкир
шәтәр
ластарқан
пәстийар

Адабий тилда:

обрў
ниҳоят
рўза
гўшт
шоҳи
Абдукарим
Абдурахим
Абдувоҳид
ихлос
савоб
шоҳид
деҳқон
обжўш
ғишт
пўст думба
хўра
галвир
кафкир
шаҳар
дастурхон
дастёр

Қипчоқ лаҳжаси вакиллари нутқида ўзлашган сўзларнинг айримлари қайта ишланиб бу шеваларнинг лексик-стилистик томондан ривожланишини, ранг-баранглигини орттиришда имконият беради. Масалан, **малчы** (молчи), **мазалы** (мазали), **мазасыз** (мазасиз), **ирәнсиз** (рангсиз), **шадманлык** (шодмонлик), **абданчылык** (ободончилик), **хурсаннык** (хурсандлик), **чарпайлы** (чорпайли) ва бошқалар.

Албатта қипчоқ лаҳжалари сўзлигининг асосини асл туркий, асл тожикча сўзлар ташкил этади. Лаҳжадаги сўзлар соҳалар бўйича адабий тил ва бошқа лаҳжалар билан умумийлик касб этса-да, баъзан уларнинг тилига хос жиҳатлари ҳам кўзга ташланиб қолади.

Қипчоқ лаҳжасининг тармоқ лексикасидаги энг бой ва ўзига хос атамаларидан бири чорвачилик атамаларидир. Чунки қипчоқ лаҳжа

вакиллари қадим замонлардан бошлаб чорвачилик касби билан жужиддий шуғулланган. Шунинг учун бу лаҳжада чорвачилик мол турли билан боғлиқ бўлган сўз ва атамалар жуда кўп. Улардан кўпчилини асосан, шу шевалар орқали адабий тилга кирган ва улар махсус атам сифатида ишлатилмоқда. Аммо айримлари адабий тилга кирин улгурмаган. Адабий тилга улар олиб кирилса унинг имконияти ян кенгаяди.

Қипчоқ лаҳжасида	Адабий тилда
Төл	Қўзилатиш компанияси. Қўзи олиш мавсуми
Кўлўк	Қўй ва эчкининг тўрт оёғини бирлаштириб боғлаш.
Көгән	Қўй ва эчкиларни бир илга тизиб боғловчи махсус арқон
Ўйур	Йилқиларнинг тўдаси. Байтал ва бияларни қайтариб юриш учун, қочириш учун қўйиладиган махсус айғир от
Қырқлық	Қўй ва эчкиларнинг жунини қирқадиган махсус қайчи
Қырқым	Жун қирқиш.жун қирқиш мавсуми
Қылав	Қора молда, кўпроқ бузоқларда учрайдиган касаллик номи. Бу касаллик молнинг тилида бўлади
Қаталақ (қатолоқ)	Кунлар исиши билан қора молларда бошланадиган ҳолат
Ўйеләмәк (уяламоқ)	Мол ва йилқиларнинг ёмон ётиб қолиб, тура олмай қолиш ҳолати
Жаманнамақ	Йилқиларнинг жинни бўлиш касаллиги
Чув	Сигирнинг бузоқлаган вақтида (бузоқдан кейин) ва қўй-эчкиларнинг қўзилаган вақтида боладан кейин тушадиган пардаси

Қипчоқ лаҳжаларининг асосий қисмида қўйларнинг қозы, шырбаз, тоқлы, тусақ, чары, пәнжи, савлық, қочқар, дөгәр, ишшәк; эчкиларнинг улақ, чибич, тувча, сәркә, тәкә каби ёш ва жинсини аңглатувчи, жағал, чынақ, ала, ақ-қара баш сингари ранг -гус ёки белгисини аңглатувчи номлари мавжуд.

Шунингдек, йилқиларнинг қулун, тай, кәлтә тай, ғунан, дәнли, байтал, бийә, чобыр ат, ўйир ат, қырчанғы, айғыр, жыйран, торы, сәмон, шапақ, буврыл, боз, жорға, жортақы, каби жинси, хусусияти ва ёшини аңглатувчи номлари: туянинг боталақ, бота, ләк, тайлақ, майа, нар, гәлә каби, қора молларнинг бузав, тана, ғунажын, навпас, сийир, буқа, тана қатгы, ҳәккиз, әқийәтли каби ёш, жинс ва бошқа белгиларини аңглатувчи номлари мавжуд.

Қипчоқ лаҳжасида қавм-қариндошлик атамаларида ҳам адабий тил билан умумийлик ва баъзи ўзига хосликлар мавжуд.

Лаҳжада	Адабий тилда
Бөлә (бўла)	Опа-сингилдан туғилган болалар Ҳолавачча
Тәчә, йәнгә	Янға
Жәздә	Почча
Гоқал	Кичик хотин
Ақтық	Кекса кишиларнинг кенжа боласи
Чаначқақты Дорбақақты	Кенжа фарзанд
Апа	Она
Бава	Отасининг акаси, амаки
Әмәки	Ака-укаларнинг болалари
Жийән	Опа-сингил болаларининг ака-укага қариндошлиги
Бала	Ёш келинчак янги хонадонга келганларига қадар туғилган ёш болаларни чақиринишадиган атама
Қыз	Келинчаклар янги хонадонга келганларига қадар туғилган қизларни чақириниш учун ишлатиладиган атама
Әкүлата	Никоҳ пайтида ёшларга вакиллик қилган киши
Әмикдаш	Бир онани эмган болалар
Ийәрчәң	Онанинг орқасидан янги уйга (янги эр уйига) эргашиб келган бола

Шунингдек, бошқа сўз ва атамаларда ҳам қипчоқ лаҳжаси билан адабий тил ўртасидаги муносабат кўзга ташланади:

Лаҳжада	Адабий тилда
Комәкәй	Жигилдон, меъда
Ҷин	Лабнинг ўрта қисми
Ҷув	Лабнинг икки чекаси
Ҷириш	Ноқулай, терс, чап.
Ҷуйдә	Каланинг буйинга орқа томондан қўшиладиган қисмининг қабартқи суяги
Ҷоксә	Соннинг орқа қисми
Ҷиғи	Суякларнинг туташган жойи
Ҷырпымақ	қовоғини уймоқ
Ҷумыймақ	Кулимсирамоқ одамга нисбатан, қулогини чимирмоқ йилқига нисбатан
Ҷиннәмәк	қовун-тарвузни намуна учун тўртбурчак қилиб кичкина кесиш
Ҷийық	Икки елканинг ўртаси
Ҷырағай	Мерган сўзининг эпитети
Ҷошир	Чопоннинг этаги, бари
Ҷыргай	Ёғочнинг энг қаттиқ тури
Ҷыйрақ	Оёқнинг тўпиқ билан тизза орасидаги суяк қисми
Ҷырбай	Киши оёғининг тизза билан тўпиқ орасидаги умумий қисми, болдир

Қипчоқ лаҳжаси ўзига ҳос диалектал ибораларга ҳам бой: бериғе бәйләгән улақтай, эрини ағарып қамақ, арқан дгсә атлан дәмәк, саныны сан, қолыны қол қымақ, жоллы бомақ, тойған қозыдай, ашық ойнаған азар, тоб ойнаған тозар, хәммәдән қой бағып, жилигини жәгән озар, ат жигиттиң қанаты, миң қойлының, бир қойлыға иши тўшинти, жақшы, кәсә хўт қазан-қазан сўт, жаман кәсә хўт кәрәгәдә пүт, жәрик бомақ, жығыл-жығыл жонаға жығыл, көләнкәси жуқаға жығыл, қарада көрсәм қарным тоқ, гәптиң жаманы қанқув, туссыраған қойдай, бозлаган ботадай, ийәрләгән атдай, жутаған тувадақтай ва бошқалар.

Назорат топшириқлари

1. Қипчоқ лаҳжасининг лексик-стилистик қатламларини белгиланг (категория — анализ).
2. Лаҳжа лексикасининг асосини қайси қатлам ташкил этади деб ўйлайсиз? Бу фикрингизни қандай асослайсиз (категория — анализ)?
3. Қипчоқ лаҳжасидаги чорвачилик атамаларининг ўзбек адабий тилидаги атамалар билан муносабатини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).
4. Қипчоқ лаҳжасидаги қавм-қариндошлик атамаларининг ўзбек адабий тилидаги атамалар билан муносабатини белгиланг (категория — анализ).
5. Қипчоқ лаҳжасидаги чорвачилик атамалари билан ўз шевангиздаги атамалар муносабатини белгилашга ҳаракат қилинг (категория — анализ).
6. Қипчоқ лаҳжасидаги қавм-қариндошлик атамалари билан ўз шевангиздаги атамалар муносабатини белгилаб чиқинг (категория — анализ).
7. Қипчоқ шеваларидаги баъзи сўзларнинг адабий тилдаги ифодасини қиёслаш асосида ўз хулосаларингизни баён қилинг (категория — анализ).
8. Қипчоқ лаҳжасидаги диалектал ибораларни адабий тил билан қиёсланг. Мулоҳазангизни билдиринг (категория — анализ).

Талабалар учун мустақил иш топшириқлари

1. Ўз шевангиздаги қавм-қариндошлик атамалари луғатларини қипчоқ лаҳжаси ва адабий тил билан қиёслаб тузиб чиқинг.
2. Шевангиздаги чорвачилик атамаларининг луғатини қипчоқ лаҳжаси ва адабий тил билан қиёслаб тузиб чиқинг.
3. Шевангиздаги киши тана-аъзолари озиқ-овқат, кийим-кечак луғатларини тузиб чиқинг. Қипчоқ лаҳжаси ва адабий тил билан қиёслаш.
4. Тузган луғатларингиз асосида уларни бир-бири билан қиёслаб ўз мулоҳазаларингизни баён этинг.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. *Дониёров Х.* Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Т.: «Фан», 1979.
2. *Даниёров Х.* Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбеким литературным языком. Т.: «Фан», 1975.
3. *Ишәев А.* Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Т.: «Фан», 1977.
4. *Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ.* Туганмас бойликлар булоғи. Т.: «Ўқигувчи», 1991.

8-МАВЗУ. ЎҒУЗ ЛАҲЖАСИ

Асосий саволлар:

1. Ўғуз лаҳжасининг фонетик хусусиятлари.
2. Ўғуз лаҳжасининг лексикаси.
3. Ўғуз лаҳжасининг морфологик хусусиятлари.

Таянч тушунча ва иборалар:

Жанубий Хоразм, Урганч — Хива гуруҳ шевалари, Хазорасп — Янгиариқ гуруҳ шевалари, унлилардаги чўзиқлик, бирламчи чўзиқлик, иккиламчи чўзиқлик, Ўғуз шеваларида қисқа чўзиқ унли, Ўғуз шеваларининг фонетик хусусияти, морфологик белгилари, шевада сифат ва миқдор жиҳатдан фарқланувчи фонемалар. Ўғуз лаҳжасининг лексик хусусиятлари, Ўғуз лаҳжасидаги сўзларнинг ўз шевангизга муносабати, адабий тилга муносабати.

1- асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади: Ўғуз гуруҳ шевалар ҳақида маълумот бериш уларнинг фонетик хусусиятларини шарҳлаш. Бошқа лаҳжалар ва ўзбек адабий тили билан ўғуз лаҳжасининг муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 1.1. Ўғуз гуруҳ шевалари ва ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот беради.
- 1.2. Ўғуз гуруҳ шеваларининг унлилар тизимини шарҳлайди.
- 1.3. Ўғуз гуруҳ шеваларининг ундошлар тизимини изоҳлайди.
- 1.4. Ўғуз гуруҳ шеваларининг фонетик жиҳатдан бошқа гуруҳ шеваларга нисбатан муносабатини белгилайди.
- 1.5. Ўғуз гуруҳ шеваларининг фонетик жиҳатдан ўзбек адабий тили билан муносабатини белгилайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Ўғуз лаҳжасини жуда кўп олимлар ўрганган. Чунончи, Ғози Олим Юнусов, («Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба» 1936), Е.Д. Поливанов («Шовот район, Қиёт — Қўнғирот қишлоғи шеvasи»), А.К. Боровков, кейинчалик Аҳмад Ишаев («Ўзбек тили манғит шеvasининг фонетик хусусиятлари»), Юсуф Жуманазаров («Ҳазорасп шеvasининг морфологик хусусиятлари»), Эрка Ўрозов («Жанубий Қорақалпоғистон ўзбек шевалари»), Фаттоҳ Абдуллаев («Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси») ва бошқалар мазкур лаҳжани махсус талқин этдилар.

Жанубий Хоразмнинг Урганч, Ҳазорасп, Хонқа, Хива, Боғот, Шовот, Қўшқўпир, Янгиариқ туманларида, Туркменистоннинг Тошовуз вилоятининг бир қисмида, Туркистоннинг Қарноқ, Иқон, Сайрам, Қорабулоқ, Ибота қишлоқ аҳолиси ўғуз лаҳжасида сўзлашадилар. Албатта ҳудудий жиҳатдан бўлган фарқ маълум даражада ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун гарчи улар Ўғуз гуруҳ лаҳжасини ташкил этса-да, баъзан бу шеваларда қисман тафовутларнинг ҳам бўлиши табиий бир ҳолат. Аммо мазкур гуруҳ лаҳжаларда шубҳасиз умумийлик мавжуд.

Урганч — Хива гуруҳ шеваларда унли товушлар ўнта: **и, ъ, ы, ў, у, о, ө, е, ә, (ө), а**. Бу лаҳжада худди эски ўзбек тили ва қипчоқ лаҳжасидаги каби «и» (тил олди) ва «ы» (тил орқа), «ў» (тил олди) ва «у» (тил орқа), «Ө» (тил олди) ва «О» (тил орқа) унлилари мустақил фонема. Бироқ Туркистон ҳудудидаги ўғуз лаҳжасида, яъни шимолий ўзбек шеваларида унлилар сони 9 та. Бу шеваларда қисқа **ъ** фонема сифатида мавжуд эмас.

Ўғуз лаҳжасида бирламчи чўзиқ унлилар мавжуд. Бу хусусият уларни қипчоқ ва қорлуқ гуруҳ лаҳжаларидан фарқлайди. Айни пайтда ўзбек адабий тилидан ҳам шу жиҳатдан фарқланади. Чимкент вилоятига тарқалган ўғуз шеваларида ҳам бирламчи чўзиқ унлилар мавжуд. Бу ҳудуд лаҳжасида 9 та қисқа унлиларга яна шунча чўзиқ унлилар қўшилиб, унли фонемаларнинг миқдорини 18 тага етказди: **а:, ә:, и:, е:, ы, ў:, у:, ө:, о:**

А: а:ға, ба:ла, ба:зар, а:лаш, а:йа (ойи).

Е: е:шъ (дугона), е:р̄ынчэк (эринчоқ), те:рэк.

И: ти:зө, ти:ш, и:с, ти:р̄к

Ы: (ъ) қ̄йз, қ̄йн (қин), йақ̄йн.

Ў: т̄:б, т̄:н, т̄:ш.

У: ту:з, ту:т, у:ч

Ө: ө:т, тө:р, бө:бөк.

О: о:т (олов), то:ғай, қо:й

Хоразм ўғуз шеваларида қисқа ва чўзиқ унлилар миқдори ўн еттига. Бу гуруҳ ўғуз шеваларда чўзиқлик асосан от категориясидаги сўзларда (кенг маънода) учрайди, феъл туркумидаги сўзларда унинг тарқалиши жуда чекланган. Ҳатто чўзиқликка эга бўлган отдан феъл ясалганда ҳам унлиларнинг чўзиқлиги заифлашади ва оддий чўзиқликдаги унлига тенг бўлиб қолади: **ат — а:т, от — о:т, өт — ө:т** каби.

Иккиламчи чўзиқлик ўз характери ва қўлланиш чегарасига кўра, бошқа ўзбек шеваларидан кескин фарқланмайди. Бундай чўзиқлик одатда турли товуш жараёнлари баъзи товуш ёки бирор бўғиннинг тушиши натижасида шаклланади:

[Р] тушади: ба:д̄м, бе:д̄ь, тө:т

[Л] тушади: а:д̄ь, бо:д̄ь, қа:д̄ь

[Й] тушади: е:т (ейт), т̄:мэ

[Г] тушади: би:з, ти:д̄ь, и:я (эгин)

[Қ][К] тушади: ай̄у:, азу: еллу:

Ўрта кенгликдаги унлилар олдидан протетик тор унлининг орттирилиши ҳодисаси ўғуз гуруҳ шеваларида қайд этилмайди. Бу ҳодиса (дифтонглашиш ҳодисаси) фақат қипчоқ лаҳжасида турли даражада намоён бўлади.

Ўғуз лаҳжасида **қ, ғ, х** ундошлари чуқур тил орқасида эмас, тилнинг орқа қисмида талаффуз этилади. **К, Г** ундошлари одатдагидан юмшоқроқ товушлар бўлиб, тилнинг ўрта қисмида пайдо бўлади. **Г** ундоши нутқда баъзан **Й** ундоши билан ҳам алмашилиб туради. Сўз бошида келган жарангсиз **К** ундоши ўғуз лаҳжасида жарангли **Г** ундоши билан алмашилиб қўлланилади: **кел — гөл, көз — гөз** каби. Сўз бошида келган жарангсиз **Т** ундоши ўғуз лаҳжасида жарангли **Д** ундоши билан алмашинади: **тэмир — дэмир, төрт — дөрт** каби.

Ўғуз лаҳжасида **Ҳ** бурун товуши қипчоқ лаҳжасидаги **Ҳ** товушига нисбатан тил орқароқ: **мөннөн гетт̄ь, саңа йетт̄ь; Айтың, бу йа:р сьзэ кьмлөдөн қаған?** (Хива)

Ўғуз лаҳжаси ҳам қипчоқ лаҳжаси каби **о х а н г д о ш л и к** (сингармонизм)нинг ҳар уч қонуниятига амал қилади. Хусусан товушлардаги тил орқалик ва тил олдилик, ундошлардаги жаранглилик ва жарангсизлик нутқда ўз ифодасини топади: **Дуз: сорамақа д̄ьл, сьркэ сорамақа усул гэрэк** (Хива). **Хўнэлли кул ольнчэ харолмас** (Мақол).

Тағиь арасьдағы булақлард̄ьв муздак сув ч̄ьхьп йат̄ьпт̄ь. Д̄ьйэнь ульсь көп̄ьрн̄ь ўстьндэ тайақ йейд̄ь/й̄й̄д̄ь (Урганч).

Назорат топшириқлари

1. Ўғуз лаҳжасининг ўрганилиши ҳақида қисқача маълумот беринг (категория — билиш).
2. Ўғуз гуруҳ лаҳжаларга қайси шеваларни киритиш мумкинлигини изоҳланг (категория — билиш).
3. Урганч — Хива гуруҳ шевалардаги унлиларни шарҳланг. Унинг бошқа гуруҳ шевалар ва ўзбек адабий тилга муносабатини белгиланг (категория — билиш).
4. Чимкент вилоятига тарқалган ўғуз лаҳжасининг унлилар тизимини бошқа гуруҳ шевалар ва ўзбек адабий тили билан қиёсан изоҳланг (категория — билиш).
5. Ўғуз лаҳжасидаги бирламчи чўзиқлик ҳақида тушунча беришга ҳаракат қилинг. Бошқа шевалар билан қиёсланг (категория — билиш).
6. Иккиламчи чўзиқлик ҳақида фикрингизни билдиринг (категория — билиш).
7. Ўғуз лаҳжасининг ундошлар тизимини шарҳланг. Бошқа лаҳжалар адабий тилга уларнинг муносабатини белгиланг (категория — билиш).
8. Оҳангдошлик қонуниятининг ўғуз лаҳжасига муносабатини белгиланг (категория — билиш).

ТЕСТЛАР:

1. Бирламчи чўзиқлик қайси гуруҳ лаҳжага хос?
 - А. Қипчоқ гуруҳ лаҳжага.
 - В. Ўғуз гуруҳ лаҳжага.
 - С. Қорлуқ гуруҳ лаҳжага.
 - Д. Қипчоқ ва қорлуққа.
 - Е. Ўғуз, қипчоқ, қорлуққа.
 2. Хоразм ўғуз шеваларида қисқа ва чўзиқ унлилар миқдори қанча?

А. 17. В. 16. С. 14. Д. 9. Е. 10.
 3. Чимкент вилоятига тарқалган ўғуз шеваларида қисқа ва чўзиқ унлиларнинг жами миқдори қанча?

А. 16. В. 17. С. 18. Д. 10. Е. 12 (категория — билиш).
- 2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ўғуз лаҳжасидаги баъзи сўзларни шарҳлаш. Мазкур лаҳжадаги айрим ибора ва мақоллар билан талабаларни таништириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 2.1. Талабаларни ўғуз лаҳжасидаги айрим сўзлар билан таништиради.
- 2.2. Лаҳжадаги айрим ибора ва мақолларни изоҳлайди.

2.3. Ўғуз лаҳжасидаги баъзи сўз, ибора, мақоллар билан талабаларни таништириш орқали уларнинг нутқ бойлигини оширишга ҳаракат қилади.

2-асосий саволнинг баёни:

Сўз албатта тилнинг ойнаси. Шу сабабли лаҳжаларда ҳам ўзаро ва адабий тилдан фарқ қилувчи сўзлар анчагина учрайди. Чунончи, Хоразм шеваларида **зэнгъ** (нарвон) сўзи Чимкент вилоятидаги ўғуз шеваларида **ўзэнгъ** шаклида ишлатилади. Қорлуқ гуруҳ шеваларидаги **ўхшамоқ** - **ўхшаш** — **ўхшамоқ** сўзи ўрнида ўғуз лаҳжасининг ҳар икки тармоғида **мэнзэш** (**мэнзэмэк**) сўзи ишлатилади.

«Деворнинг тагидан сув ўтадиган жойни, тешиқни» Хоразм ўғуз шеваларида **тоқытқа** деб атайди. **Пойламоқ**, **яширин қулоқ солмоқ**, **тикилиб қараб турмоқ** маъносида мазкур шеваларда **андымоқ** сўзи қўлланилади: **андаб йўргэн достън, ачъқ кәген йав йахшъ Кәлә:га йанташма ҳазаръс йа:на, йолында мың чи: вьн андъб йатыптъ.**

Канал, анҳор маъносида Хоразм ўғуз лаҳжасида **арна** сўзи ишлатилади.

Ўғуз лаҳжасида	Ўзбек адабий тилида
Аңыз	Бугдойпоя
Атъз	Экин майдони
Эрьн	Лаб
Езу	Икки лабнинг туташган жойи
Арыг	Тоза
Асыг (а: сый)	Фойда
Қомча	Кигиз тўқим
Көпчк	Эгар ёстиғи
Бөгәмөк	Бўғмоқ, банд қилмоқ
Бөгәт	Дамба
Қув	Оққуш
Синир	Пай, томир
Сақақ	Бағбақа
Тота йол	Тўғри йўл
Көшқин	Тоғ тоши
Кәвәш	Хурма, қувача
Қоваш	Тарнов
Көкәй	Хотира, ёд
Кәмирчөк	Тоғай
Савалақ	Тутун чиқмаслиги учун ўчоқ оғзига тикиладиган латта

Чымчық қарыса, сақақлары кәлтә болур.
Тәңгынъ тапсан, тәкъ бәр.
Йахшъ қыйзлар той дөгәндә шайланар,
Йаман қыйзлар кум кәвәштән айланар.
Отыннъ чапқанға йақтър,
Маллиъ тапқанға бақтър.
Қарағай бо:йъ қар йавса, чыдамайды савусқан,
Қанлкъ көйнәк кийгендә, чыдамайды тувушқан.
Қайерън отынъ отласан, шу йерън сувънъ сувлайса
Атаңнұн а:тынъ, вәтәннън ҳарънъ сақла.
Көпкә турпақ чачъб йўрмә, көр боласа.
Анаңнъ хар етсән, өзизң зар боласа
Су: былән ойнама – батарса, от былән ойнама – йанарса.
Ел а:ғасъс, тон йа:қасъс болмайды.
Аврув батманлап кәләды, мьсқаллап кетәды.
Йамғър былән йер көкәрәр.
Мел:нәт былән ел көкәрәр.
Мәшкәйлън өзъ тойсайәм, көзъ тоймас.
Қайтп кәләр ешьгыннъ қатгъқ йапма.
Атадашың ать озгынчай, авылдашың талйъ оссу.
Түйәннъ, кәттәс көпър ұстындә тайақ йер.
Кыйгъс кымьнкъ болса, быләк шунькә.
Кыйгъс сассан, қошыңа сат,
Бър четъдә өзизң отьраса.

Назорат топшириқлари

1. Ўғуз лаҳжасидаги баъзи сўзларни ўз шевағиздаги сўзлар билан қиёслаш асосида уларнинг ўзаро муносабатини англашга ҳаракат қилинг (категория — идрок).
2. Ўғуз лаҳжасидаги айрим сўзларни адабий тил билан қиёсланг. Ушбу йўналишда уларнинг муносабатини белгиланг (категория — идрок).
3. Ўғуз лаҳжасидаги баъзи ибора ва мақолларни ўз шевағиздаги ибора ва мақоллар билан қиёсан изоҳлашга ҳаракат қилиб кўринг (категория — идрок).
4. Ўғуз лаҳжасидан айрим ибора ва мақолларни унинг адабий тилдаги вариантлари билан қиёсан шарҳланг (категория — идрок).
5. Ўғуз лаҳжасидаги сўзлар, иборалар, мақолларнинг нутқингизни ва адабий тилни бойитиши ҳақида қандай фикрни айтган бўлардингиз?

3-асосий савол бўйича ўқитувчи мақсади: Ўғуз лаҳжасидаги баъзи грамматик кўрсаткичларнинг ўзига хос жиҳатларини шарҳлаш. Уларнинг бошқа шеваларга ва ўзбек адабий тилига муносабатини белгилаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

- 3.1. Ўғуз лаҳжасидаги исмларнинг ўзига хослигини изоҳлайди.
- 3.2. Ўғуз лаҳжасидаги исмларнинг маъносини баъзи шеваларга муносабатини белгилайди.
- 3.3. Уларнинг ўзбек адабий тилига муносабатини аниқлайди.
- 3.4. Ўғуз лаҳжасидаги феълларнинг ўзига хос жиҳатларини шарҳлайди.
- 3.5. Уларни баъзи шевалар билан қиёслади. Муносабатини белгилайди.
- 3.6. Лаҳжадаги феълларнинг адабий тилдаги шаклларга муносабатини кўрсатади.

3-асосий саволнинг баёни:

Кўплик шаклидаги отнинг келишиклар билан турланиши

Келишиклар	Хоразм ўғуз шеваларида	Шимолий ўғуз шеваларида	Ўзбек адабий тилида
Бош	Түйәлә, атлар	Түйәләр, атлар	Туялар, отлар
Кўраткич	Түйәләни, атланы	Түйәләрин, атларын	Туяларнинг, отларнинг
Тушум	Түйәләни, атланы	Түйәләрни, атларны	Туяларни, отларни
Кўпчилиш	Түйәләрә, атларә	Түйәләргә, атларға	Туяларга, отларга
Урин-пайт	Түйәләрдә, атлада	Түйәләрдә, атларда	Туяларда, отларда
Шуқиш	Түйәләдән, атладан	Түйәләрдин, атлардын	Туялардан, отлардан

Эгалик кўрсаткичлари

Махс	Ўғуз лаҳжасида		Адабий тилда	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	-м, - м/-ым ады+м, атам, сөз:им	-мис/мыс, -имис/ -ымис, -мис/-мыс, сөз:имис адымыс, атамыс	-м, -им сўзим, отам	- миз, -имиз сўзимиз отамиз
II	-н, -им/ын, атаң, сөз:иң ад — ың	-нис/ -ныс, -иңис/-ыныс атаңыс, сөз:иңис адаңыс	-нғ, -иңг отанг, отиңг, сўзинг	-нғиз, -иңғиз отанғиз отиңғиз сўзинғиз
III	-и, -ы, -си/ атасы, сы сөз:и, ады, түйәси	-ы (лары), - и (ләри) -си (ләри) -сы (лары) сөз — и (ләри) ад —ы(лары)	-и, -си сўзи туяси	Лари Сўзлари Отлари

Кўплик ва эгалик қўшимчаларини олган отларнинг келишик қўшимчаларини олиши лаҳжада шундай тартибда бўлади:

Келиш-шиклар	Хоразм ўғуз шеваларида	Шимолий ўғуз шеваларида	Ўзбек адабий тилида
Б.к.	Тўйёләрим Балаларым	Тўйёләрим Балаларым	Туяларим Болаларим
Қ.к.	Тўйёләримни Балаларымни	Тўйёләримниң Балаларымниң	Туяларимнинг Болаларимнинг
Т.к.	Тўйёләримнъ Балаларымнъ	Тўйёләримнъ Балаларымни	Туяларимни Болаларимни
Ж.к.	Тўйёләримә Балаларыма	Тўйёләримә Балаларыма	Туяларимга Болаларимга
Ў-п.к.	Тўйёләримдә Балаларымда	Тўйёләримдә Балаларымда	Туяларимда Болаларимда
Ч.к.	Тўйёләримнән Балаларимнан	Тўйёләримдин Балаларымдын	Туяларимдан Болаларимдан

Келишиқ кўрсаткичлари

Келиш-шиклар	Хоразм ўғуз лаҳжасида	Шимолий ўғуз лаҳжасида	Ўзбек адабий тилида
Б.к.			
Қ.к.	-ни, -ны	-ин/-ын, -ниң/- ның; -ны, -ни	-нинг
Т.к.	-ни/ -ны	-ни/ -ны	-ни
Ж.к.	-гә/-ға, -кә/-қа, -ә/-а, -нә/-на	-гә/-ға/-кә/-қа, - ә, -а -нә/-на	- га, -қа, -ка
Ў-п.к.	-дә, -да	-дә, -да, -тә, -та	-да
Ч.к.	-дән, -дан	-дин/ -дын, -тин/-тын	-дан

Кишилиқ олмошларини қўллашда икки гуруҳ ўғуз шеваларида асосан фонетик тафовут мавжуд: **мән, сән, ул/у, биз/ бизәр – бизләр, сиз- силәр- силләр – улар – улалар.**

Ўғуз лаҳжасида санок сонлар **бир, әки/әки, икки, ўш, төрт – төт, бәш, алты, йәти/ йәтти, сәккис, әлиғ/ әлли** шаклида қўлланилади.

Ўғуз лаҳжасидаги ёрдамчи сўзлар ҳам ўзаро умумийлик касб этади. Чунончи, кўмакчиларни қиёслаб кўрайлик:

Хоразм ўғуз шеваларида	Шимолий ўғуз шеваларида
Билә/вилән, арқали, қарап, учин, қарағанда, йараша, сайын, әввәл, дәпә, доғры, ўст, асг, кәрә/гәрә, йан (томон), илғәри, сон, бәри, ба:на, әлд, орта, арқа, ара, баниқа, и:ч, дәш, тәй, ҳақ, доғры, дәпә.	Билән/минән, арқалы, қарап, учин, қарағанда, йараша, сайын, әввәл, тәпә, тоғры, ўст, асг, кәрә, таман, сайын, илғәри, бәри, алд, орта, арқа, ара баниқа, и:ч, талш (талшыда), тәг, ҳақ, тоғры, тәпә

Иккала гуруҳ ўғуз шеваларида ҳам феълнинг ноаниқ шакли **-мақ/-мәк** қўшимчаси ёрдамида ясалади. Бироқ Хоразм ўғуз шеваларида бу шакл аксарият иш оти ҳукмида кўпроқ қўлланилади.

Масалан **қоншы қоншыдан ер турмақны өрйәнипти (Мақол)**. Аммо Чимкент вилоятига тарқалган ўғуз шеваларида бундай ҳолатда аксарият **-в/ -ув, -в/-ўв** қўшимчасини олган шакл ишлатилади: **қойларны далаға аппарув кәрәк. Бийдәйни суварув вақты өтти.**

Феълнинг буйруқ-истак шакли

Шахс	Хоразм ўғуз шеваларида		Шимолий ўғуз шеваларида		Ўзбек адабий тилида	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	Мән барил Мән гәлил	Бизлә баралы Бизлә гәләли	Мән барайы Мән кәләйи	Биз әр барай- нуқ Кәләйнүк	Борай Келай	Борайлик Келайлик
II	Сән бар Сән гәл	Сизлә барыла Сизлә гәлилэ	Сән бар Сән кә	Силәр бар- ыңнар Силәр кәлин- нәр/кән нәр	Бор Кел	Боринглар Келинглар
III	Ху барсын Ху гәсин	Хула барсылла Хула гәсиллә	У барсу У (ул)кәсү	Улар//улалар барсу// Барсунар улар кәсү// Кәсүннәр	У борсин У келсин	Улар борсин Улар келсин

Ўғуз гуруҳ шеваларда буйруқ-истак феълнинг бўлишсизлик шаклида қисман ўзаро тафовут кўзга ташланади:

Шахс	Хоразм ўғуз шеваларида		Шимолий ўғуз шеваларида		Ўзбек адабий тилида	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	Мән барма- гайын Мән гәлмә- гайин	Бизлә бармагайлы Бизлә гәлмәгайли	Мән бармайнук Мән кәлмәйнүк	Бизәр бар майнук Бизәр кәмәйнүк	Мән бормай Мән кәлмай	Биз бормайлик Биз келмайлик
II	Сән барма Сән гәлмә	Сизлә барма- гайсыз Сизлә гәлмәгәйсиз	Сән барма Сән кәмә/ кәлмә	Силәр барманнар Силәр кәмәңнәр	Сән борма Сән кәлма	Борманглар Келманглар
III	Ху бармасын Ху гәлмә син	Хула бармагайла Хула гәлмәгайла	У/ул бармасу У/ул кәмәсу	Улар/улалар бармасу ннар Улар/улалар кәмәсы(ннәр)	Борма син Келма син	Бормасинлар Келмасинлар

Ўтган замон феъл шакллари

Ша-хс	Хоразм ўғуз шеваларида		Шимолий ўғуз шеваларида		Ўзбек адабий тилида	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	Мэн гәлдим Мэн бордым	Бизлә гәлдик Бизлә бардық	Мэн кәдим Мэн барым	Бизәр кәдүк Бизәр баідық бардық	Келдим Бордим	Келдик Бордик
II	Сән бардын	Бизлә бардынла	Сән бардын	Силәр бардыннар	Бординг	Борди-ларинг
III	Ху барды	Хула барды/ бардыла	У/ ул Ба: ды	Улар бады/ Ба: ди(лар)	Борди	Бординар

Ўғуз лаҳжаларининг ҳар икки гуруҳида тарихий ўтган замон шакли феъл негизига **-ған, -гән, -қан, -кән** шахс-сон қўшимчасини қўшини йўли (мэн барғамман, мэн барғамма, бизлә барғаммыс, биз әр барғаммыс шаклида) билан ҳосил қилинади. Узоқ ўтган замон, ўтган замон ҳикоя феълларининг ясалишида бошқа лаҳжалардан ва ўзбек адбий тилидан деярли фарқ йўқ дейиш мумкин. Шунингдек ҳозирги замон феъл шаклларида ҳам умумийлик мавжуд.

Келаси замон феъл шакллариининг ясалишида Хоразм ўғуз шевалари Чимкент вилоятидаги ўғуз шеваларидан фарқланади. Чунончи, Хоразм ўғуз шеваларида келаси замон феъли «**феъл негизи**»+«**жақ+шахс-сон**» тарзида ҳосил қилинади: **гәл+әжәк+мән, бар+ажәк+сан** каби.

Келаси замон гумон феъли ўғуз лаҳжасида қуйидагича ясалади:

Шахс	Хоразм ўғуз шеваларида		Шимолий ўғуз шеваларида	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	Мән барасым гәлди	Бизлә барасы - мыз гәлди	Мән барғым кәди	Бизәр барғы- мыз кәди
II	Сән барасын гәлди	Сизлә бара- сыңыз гәлди	Сән барғың, кәди	Сизәр барғыңыз кәди
III	Ху барасы гәлди	Хула барасы- лары гәлди	Улар барғы - сы кәди	Улар барғы- сы кәди

Назорат топшириқлари

1. Ўғуз лаҳжасидаги отнинг келишиқлар билан турланишини шарҳланг. Хоразм ўғуз шевалари билан Шимолий ўғуз шеваларининг муносабатини белгиланг. Ўзбек адабий тилига қиёсланг (категория — анализ).

2. Эгалик кўрсаткичини изоҳланг. Адабий тил билан лаҳжа муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилинг (категория — анализ).

3. Кўплик ва эгалик қўшимчаларини олган отларнинг келишиқ қўшимчаларининг олиш тартибини шарҳланг. Адабий тил билан қиёсланг (категория — анализ).

4. Ўғуз лаҳжасидаги келишиқ кўрсаткичларини таҳлил қилинг. Адабий тил билан солиштиринг (категория — анализ).

5. Ўғуз лаҳжасидаги олмош ва сонларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг (категория — анализ).

6. Хоразм ўғуз ва шимолий ўғуз шеваларидаги кўмақчиларни ўзаро қиёсан шарҳланг (категория — анализ).

7. Шимолий ва Хоразм ўғуз шеваларидаги феълнинг буйруқ истак майлини адабий тил билан қиёсан изоҳланг (категория — анализ).

8. Буйруқ - истак феълининг бўлишсизлик шаклини қиёсан таҳлил этинг (категория — анализ).

9. Лаҳжадаги ўтган замон феъл шакллариини адабий тил билан қиёсан шарҳланг (категория — анализ).

10. Ўғуз лаҳжасидаги келаси замон гумон феълини изоҳланг (категория — анализ).

Талабалар учун мустақил топшириқлар

1. Ўз шевангиздан манба тўпланг. Йиққан манбаингизнинг фонетик хусусиятини шарҳланг. Уни шу жиҳатдан ўғуз лаҳжаси билан қиёсланг.

2. Ўз шевангиздан тўплаган сўзларни ўғуз лаҳжасидаги сўзлар билан қиёсланг. Хулосаларингизни баён этинг.

3. Йиққан мақол, ибораларингизни ўғуз лаҳжасидаги мақол ва иборалар билан солиштириб кўринг, фикрингизни билдиринг.

4. Ўзингиз тўплаган манбаларнинг грамматик хусусиятларини изоҳланг. Ўғуз лаҳжасининг грамматик жиҳатлари билан солиштириб кўринг.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. *Абдуллаев Ф.А.* Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Т.: «Фан», 1978.
2. *Жуманазаров Ю.* Ҳазорасп шевасининг морфологик хусусиятлари. Гошкент, 1961.
3. *Ишәев А.* Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари.Т.: «Фан», 1977.

МУНДАРИЖА

1-мавзу. Диалектология фани, унинг мақсади ва вазифалари	3
2- мавзу. Лингвистик география методи	12
3-мавзу. Туркий тиллар. Ўзбек халқ шеваларининг таснифи масалалари	25
4-мавзу. Қорлуқ лаҳжаси	43
5-мавзу. Қипчоқ лаҳжаси ва унинг фонетик хусусиятлари	62
6-мавзу. Қипчоқ лаҳжасининг марфологик хусусиятлари	79
7-мавзу. Қипчоқ лаҳжаси лексикаси	88
8-мавзу. Ўғуз лаҳжаси	99

Босим Тўйчибоев, Бўрибой Ҳасанов

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

Ўзбек тилида

А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004

Нашр учун масъул *Н.А. Халилов*
Муҳаррир *Илҳом Зойиров*
Бадий муҳаррир *Темур Сабдулла*
Тех. муҳаррир *Валентин Веремеюк*
Мусахҳиҳ *Зиёда Каримова*

2924

ИБ № 502

Босишга рухсат этилди 20.04.04 й. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 7,5.
Нашир табағи 7,0. Адади 1500 нусхада. Баҳоси шартнома асосида. Бузуртма № А-5524

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент—129, Навоий кўчаси,
30-уй. Шартнома №56-03

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп
этилди. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.